

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

**ФАНИДАН**

**МАЪРУЗА МАТНИ**

Тайёрлаган:

ю.ф.н., доц. А.Алламуратов

**Нукус-2014**

## **1-Мавзу: Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, моҳияти ва вазифалари**

### **Р Е Ж А :**

- 1) Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, предмети ва тизими.**
- 2) Прокурор назорати фанининг умумий қисм мақсади ва вазифалари.**
- 3) Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.**
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида.**
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида кўйилган вазифалар.**

Ўзбекистон Республикасида прокурор назорати курсининг предмети бўлиб, прокуратура фаолиятини ташкил этиш принципларини, унинг органлари тузилиши ва тизимини, функцияларини, вазифаларини, ишларини, қонунларни ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги прокурор ваколатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган нормалар назариясини ва уларнинг амалиётга қўлланишини ўрганиш бу курснинг асосий мақсадидир. Бирок бу фан олий ўқув юртларининг талабалари учун белгиланган экан, унинг мазмунини прокуратуранинг давлат органлари тизимида тутган ўрни, назорат предмети, ташкил топиши ташкил этади. *Прокурор назорати* фанининг тизими *Умумий ва Махсус қисм*дан иборат.

*Умумий қисм*га:

-прокурор назорати прокуратуранинг асосий вазифаси тушунчаси сифатида

-прокуратуранинг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва аҳамияти

-Ўзбекистонда прокуратуранинг тарихий ривожланиши ва босқичлари

-ривожланишига доир илмий қарашлар

-прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият принциплари, уларнинг функциялари

-прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари қиради.

*Махсус қисм* қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

-қонунлар ижроси устидан назорат (Умумий назорат)

-фукаронинг хукуклари ҳамда эркинликларга риоя этилиши устидан назорат

-жиноятчиликка карши курашни амалга оширадиган органлар томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назорат

-ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида конунларга ижро этилиши устидан назорат

-жиноят, фукаролик, хўжалик судларида ишларни куришда прокурор иштироки

-жиноятчиликка карши курашда хукукни мухофаза килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

-чет давлатлар прокуратура органларининг фаолияти ва ташкил этилиши

-Ўзбекистон прокуратура органларининг чет эл хукукни мухофаза килувчи органлари билан халқаро ҳамкорлиги урганилади.

**«Прокурор назорати»нинг ҳар икки қисми, яъни умумий ва махсус қисмларини мақсади ва вазифалари:**

1. Прокурор назорати курсининг мазмуни предмети ва тузилишини;
2. Прокурор назорати фанининг мақсади ва вазифаларини;
3. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ташкил этилишини ва ривожланиш босқичларини;
4. Прокуратура фаолиятининг хукукий асосларини;
5. Прокурор назоратининг моҳияти ва вазифаларини;
6. Прокурор назорати фанидан назарий масалаларни;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги конунига асосан прокурорлик вазифаларини;
8. Таъсир чорасини куриш, аниқланган конун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузишни;
9. Прокурорни процессуал ҳаракатларини ташкил этиш ва утказишни;
10. Ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, конунларни ва уларни амалиётда қўлланишларни билиши ва қўллай олишни;
11. Прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг хукукий юридик муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилишни;
12. Прокурор вазифаларини мустақил бажара олишни;
13. Фукарларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш услубларини ўргатишдан иборатдир.

“Прокурор назорати” фанини ўқитишдан мақсад талабаларни прокуратура органларининг амалий фаолияти, прокурор фаолиятини амалга

ошириш усуллари билан таништириш ва бошқа юридик конунларни чуқур ўзлаштиришга эришишдан иборат.

“Прокурор назорати” фанининг асосий вазифаси – мантикий тафаккурга эга бўлишга эриштириш, ўқув курсининг асосий назарий коидаларини мустаҳкамлаш, талабалар томонидан конунчиликни куллаш макомларини эгаллаш, талабаларни амалиётда конкрет ҳодисаларга нисбатан конунни тўғри қўлланишига эриштириш, конун бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

“Прокурор назорати” фанини ўрганиш талабалар амалдаги конунчиликни, прокурор назорати назарияларини, муайян конунлар ижросини текшириш методини ва амалиётини кенг чуқур ўзлаштириш билан бирга олиб борилиши керак.

#### **Бакалавр талабалар “Прокурор назорати” фани бўйича:**

- прокурор назорати курсининг мазмуни, предмети ва тузилиши;
- прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида;
- Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари тугрисида;
- прокуратура фаолиятини тартибга солувчи конунчилик ҳужжатлари, уларнинг мазмун ва моҳиятини;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари мазмун ва моҳиятини;
- прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

#### **Прокурор назорати фанини ўрганган бакалавр талаба яна:**

- прокурор назорати фанидан назарий масалаларни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунига асосан прокурорлик вазифаларини;
- аниқланган конун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштиришни;
- прокурорни процессуал ҳаракатларини ташкил этиш ва утказишни;
- ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, амалдаги конунларни, уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзлаштириб бориши ва уларни амалиётда тўғри куллашни билиши ва қўллаш олиши керак.

#### **Шунингдек, бакалавр талаба:**

- прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг ҳукукий юридик муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилиш;
- прокурорнинг вазифаларини мустақил бажара олиш;
- фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш юзасидан етарли кўникмаларга эга бўлиши керак.

**Прокурор назорати фани бошқа бир катор юридик фанлар билан яқиндан алоқадордир.**

Давлат ва ҳуқуқ назариясида прокуратуранинг қонунийлик ва тартибни сақловчилик ролининг муҳимлиги кўрилса, прокурор назоратига эса давлат фаолиятининг бир тури сифатида қаралади.

Конституциявий ҳуқуқда прокуратура ташкил этувчи, белгилловчи асосий ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва прокурорларнинг тайинлаш тартибини ҳамда бошқа давлат органлари тизимида прокуратуранинг тутган ўрни ва ўзaro алоқаси урганилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фанининг битта мавзуси прокуратура органи, унинг вазифалари, функциялари, тизимига бағишланган. Бу фанда прокуратура тугрисида умумий тушунча берилади.

Жиноят процесси фанида жиноят иши қузғатишдан тортиб, ҳукми ижро этиш босқичигача прокурорнинг процессуал ҳолати ёритиб берилган.

Фуқаролик процесси, хўжалик процесси фанларида прокурорнинг суддаги ваколатлари ёритилган.

Маъмурий ҳуқуқ фанида прокурорнинг қонуний талабларини бажармаслик оқибатида қелиб қолган оқибатларни ўрганади. Шунингдек, бу фан жиноят-ижроия ҳуқуқи фанида прокурорнинг маҳкумларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи фанлари ва бошқа юридик фанлар билан прокурор назоратининг бевосита боғлиқлиги, шу фанларни прокурор томонидан яхши ўзлаштирган бўлиши кераклиги билан муштараклашиб кетган.

Бундан ташқари, хўжалик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Мустақиллик Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимига ҳам ўзгариш олиб қелди, мамлакатимизда мавжуд бўлган бошқа бошқарув, ҳуқуқ-тартибот идоралари каби катор ислохотлар ўтказилди ва у том маънода мустақил Республика равнақи учун хизмат қила бошлади.

1992 йилнинг 9 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонуннинг қомусимиз қабул қилинган куни эртаси эътироф этилишининг ўз ўрни ва маъноси бор албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 август куни бўлиб ўтган 2 чакирик 6-сессиясидаги «Адолат-қонун устиворлигида» деб номланувчи маърузасида прокуратура идоралари хусусида «Прокуратура қонунни, унинг талабларини катъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказилишида, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал этувчи урин тутади», деб берган таърифлари бу идоранинг тутган ўрнини, салоҳиятини белгилайди. Бундан ташқари ушбу маърузада:

“Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг катағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда”

“1993 йили қабул қилинган “Судлар тугрисида”ги биринчи қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошқоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва факат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”

“Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафакқури анча қийинчилик билан ўзгаришти. Буни аниқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз - ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулишдир. Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг қучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур”

“Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик таймойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига қўра инсон ҳуқуқларининг устунлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”

“қонунни бузган одамдан уни такрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак”

“Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин хибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришиш каби ўтган замондан колган ярамас тажрибага барҳам берилиши зарур”

Юридик кадрлар биринчи навбатда, прокуратура органлари учун мустахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, унинг камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш бир катор ўқув муассасаларида - Тошкент давлат юридик институтида, Қорақалпоғистон, Самарканд ва Фарғона давлат университетларининг юридик факультетларида, бошқа ўқув даргоҳларида амалга оширилмоқда. Андижон ва Наманган давлат университетларида бор-йўғи 3 тадан фан номзоди ишлайди холос.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий кўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб колмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳаларини тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим.

Умид қиламизки, ҳуқуқшунослик институти, мамлакатимизнинг бошқа йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратади.

Бу даргоҳда ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очик ва кенг баҳс-мунозаралар олиб борилади, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истикболли дастурлари тайёрланади. “Ҳуқуқбузарлик қилган инсон хали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни қўзлаб, унинг тарбияси билан шуғуллангани яхши эмасмиди?. Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак”.

И.А. Каримовнинг “-барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг ҳавфсизлигини қафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устивор бўлмаса, қонунлар ва аънаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди” деган сўзлари ҳаётда ўз исботини тўла тўқис топмоқда.

Шу уринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистонда бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш

дастурини мамлакат ичидаги жиноятчилик ва коррупцияга карши кучли чора деб ҳисобламок даркор. Бир томондан, конуннинг мутлак устунлиги ва фукароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя килиниши ушбу дастурнинг мақсади бўлиши лозим", деб айтганларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида**

**Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 16 -б.**

*"-барча фукароларнинг конун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва конуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя килиниши ва аҳолининг ҳавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, конунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана килмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, каттик интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устивор бўлмаса, конунлар ва анъаналар ҳурмат килинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди".*

**Каримов И.А. Адолат-конун устиворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 авг.**

*«...прокуратура халқнинг устидан назорат килмаслиги, аксинча унга хизмат килмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришининг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур»...«Прокуратура идоралари фукароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар конунийлигини назорат килиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир».*

**Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. --Т.: 1998, 126-б.**

*“қонуннинг устиворлиги - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида конуннинг катъиян ҳукмронлигини назарда тутлади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжсалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши конунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. қонун олдида ҳамма баробардир. қонуннинг устиворлиги шуни билдирадидики, асоий ижтимоий, энг аввало, иктисодий мунособатлар фақат конун билан тартибга солинади,*

*унинг барча катнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”.*

**Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз. Т 4. --Т.: Ўзбекистон, 2000. 7-б.**

*“ҳуқуқ тартибот органларининг ўзлари конунларга сўзсиз риоя қилишлари лозим”.*

**Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараккиёт гарови: Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза, 1998 йил 28 август. --Т.: Ўзбекистон, 1998. -7б.**

*«қонун қабул қилиш – бу ишнинг ярими холос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган конунларнинг қундалиқ турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим».*

**Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараккиёт гарови: Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза, 1998 йил 28 август. --Т.: Ўзбекистон, 1998. -10-11бетлар.**

*«Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган конунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Булар - конунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатига қараб, кўпчилик жамиятда конун қучига қандай амал қилинаётганига, ҳуқуқий механизмлар нечоғли қучли эканига, ҳуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради».*

**Каримов И.А. Барқарор тараккиётга эришиш-устивор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 1998 йил 25 февраль. --Т.: Ўзбекистон, 1998. -47б.**

*«...ҳалқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди».*

**Каримов И.А. Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиядаги Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий**

**давлатчилик, истиклол мафкураси ва ҳукукий маданият тугрисида. --Т.: ИИВ Академияси, 1999. 381-382-бетлар.**

*«Фукароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим».*

**Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови: Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза, 1998 йил 28 август. --Т.: Ўзбекистон, 1998. -76.**

*«Энг муҳими, шу қонунларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳокимият тузилмаларининг масъулиятини ошириш зарур».*

**Каримов И.А. Адолат-қонун устиворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг.**

*«Демократик жамиятда алоҳида фукаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади».*

**Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари / Халқ сўзи. 2002. 30 авг.**

*«Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча қучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча қўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг қуч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама қучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».*

**Каримов И.А. Ўзбекистон буюқ келажак сари. --Т.: Ўзбекистон, 1998. –126 б.**

*«қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди... қонуннинг устиворлиги-ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир».*

**Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. --Т.: Ўзбекистон, 1997. –94 б.**

*«Ўзбекистонда бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириши дастурини мамлакат ичидаги жинойтчилик ва коррупцияга қарши қучли чора деб ҳисобламок дарқор. Бир томондан, қонуннинг мутлак устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши ушбу дастурнинг мақсади бўлиши лозим».*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 август куни бўлиб ўтган 2 чақирик 6-сессиясидаги «Адолат-қонун устиворлигида» деб номланувчи маърузасида кўйилган вазифалар:**

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чақирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халқ сўзи. 2001, 30 август.**

*“Суд бугунги кунда аввалгидек ҳуқумрон коммунистик тизимнинг катагон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда кўриклаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда”.*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чақирик 6-сессияси «Адолат қонун устиворлигида» Халқ сўзи. 2001, 30 август.**

*“1993 йили қабул қилинган “Судлар туғрисида”ги биричи қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга булган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошқоралик қаби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб кўйилган эди. Улар кейин жинойт-процессуал ва бошка кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”.*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чақирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халқ сўзи. 2001, 30 август.**

*«Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим булган кишиларнинг дунёқараши ва тафакқури анча қийинчилик билан*

*ўзгаряпти. Буни аниқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз - ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутилишидир».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур.*

*Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик таймойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устунлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«қонунни бузган одамдан уни тақрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин хибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдай ўтган замондан қолган ярамас тажрибага барҳам берилиши зарур».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик, органларни бундай нопок шахслардан тозалаш, ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта қўриб чиқиш зарур».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Жиноят қонунчилиги бўйича жиноятлар учун жазо тайинлашни либераллаштириш лозим.*

*Жиноят қонунчилигида иктисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иктисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш зарур».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халқ сўзи. 2001, 30 август.**

*«Жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устивор йўналишларидан бири бўлади».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халқ сўзи. 2001, 30 август.**

*«Ўзбекистонда “ўлим жазоси”ни қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос келади. Факатгина 4 та жиноят бўйича 1)Агрессия; 2)Геноцид; 3)Террорчилик; 4)Оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдиришда ўлим жазоси қолдирилди».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халқ сўзи. 2001, 30 август.**

*«қонунни бузган оила бошлигининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак. Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор мана шундадир. Биз синфий қураш гоёларига, давлат манфаатларининг мутлак устунлигига асосланган ва хали-бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистча ёндашувлардан воз кечишимиз керак. Яъни, агар бирор бир оила бошлиги қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини қўтариб юришига қаршимиз. Биз отанинг номуносиб ҳулки учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу бизнинг бош мақсадимиздир».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини эркинлаштириши жараёни изчил давом эттирилиши зарур».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини эркинлаштириши ва демократлаштиришида ишларни қўриб чиқиш тартибини соддалаштириши, жиноий ишларни тергов қилиши ва судда қуриши муддатларини қисқартириши долзарб вазифалардан биридир».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Давлат муассасалари, биринчи навбатда прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қуйиб олсинки, улар мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ вояга етказган. Бас шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилишлари эмас, балки уларга хизмат қилишлари керак.*

*Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришининг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳамоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари қамситилишига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу - прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Прокурорлар фаолиятига улар томондан кўзгатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фукаралар сонига караб эмас, балки тегишли ҳудудда конунчиликка амал қилинишининг ҳолатига караб баҳо берилади».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фукараларнинг ҳукукий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини конунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*“Ҳуқуқбузарлик қилган инсон хали ёш, дунёкараши ва ҳукукий онги эндигина шаклланаётган, конунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шугуллангани яхши эмасмиди?. Бу масаланинг хал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳукукий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак”.*

**И.А. Каримов Прокуратура органлари учун мустахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, - Тошкент давлат юридик институти олдига қўйилган вазифалар ҳақида:**

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш ишини талаб даражасига кўтариш керак».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳукукий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳаларни тайёрладиган илмий ва таъкилий марказга айланиши лозим».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Умид киламизки, хукукишунослик институти, мамлакатимизнинг бошка йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий хукукишунослик мактабини яратишига каратади».*

**И.А. Каримов Ўзб. Рес. О/М. 2 чакирик 6-сессияси «Адолат-қонун устиворлигида» Халк сўзи. 2001, 30 август.**

*«Бу даргоҳда хукукишунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очик ва кенг баҳс-мунозаралар олиб борилади, хукукий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истикболли дастурлари тайёрланади».*

## **2-Мавзу. Давлат хизматининг алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати**

### **Р Е Ж А :**

- 1. Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари.**
- 2. қонунларга риоя этиш - прокурор назоратининг предмети сифатида.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида” ги қонуни (янги таҳрири).**
- 4. Прокурор назорати курсининг бошқа юридик фанлар билан алоқаси.**
- 5. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларини ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.**

### **Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари**

Давлат ҳукукий институтлари тизимида прокурорлик тизимини, прокуратура функциясини, унинг ҳукукий мақомини, ташкил этилишини, фаолиятини шакл ва услубларини аниқлашда прокуратуранинг ўрни катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устиворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профілактика қилишдан иборат («Прокуратура тугрисида»ги қонуннинг 2-моддаси).

### **Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб:**

- 1) мавжуд булган барча қонунларни фуқаролар ва ташкилотлар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъий назар аниқ ва тўғри қўлланилиши таъминлаш;**
- 2) прокурор назорати прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари асосида амалга оширилиши;**
- 3) прокурор назорати олий қонун чиқарувчи ва ижро органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига, хўжалик судларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳисобланади.**

Прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига қармайди. Прокуратура - давлат органи. У айнан мустақил давлат органи

сифатида прокурорлик назоратини амалга оширади. Хўш, прокурор назорати дейилганда нима тушунилади? Юкоридагилардан келиб чикиб, шунини айтиш керакки, прокурор назорати - бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ўрнатилган ҳолатга риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунчиликка мувофиқ қонунбузарликни бартараф этиш чораларини, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини, прокуратуранинг ва унинг қонунда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қонун билан ўрнатилган тартибда бажариш ваколатини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг махсус ваколатли органи фаолияти туридир.

Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифаларини аниқлаштириб олиш учун, прокурор назоратининг илмий ва амалий ҳамда назарий тушунчаларини билиб олиш зарур.

**Прокурор назорати** дейилганида, асосан учта (3) тушунча ҳақида фикр юритилади:

- 1) прокуратура фаолиятининг асосий вазифасини амалга оширувчи давлат хизматининг ўзига хос, мустақил ва махсус алоҳида бир тармоғи;
- 2) ҳуқуқшунослик фанларининг бир тармоғи;
- 3) ўқув фани тушунчалари англанади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини устидан назоратни фақат махсус давлат органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Бу фаолият эса **прокурор назорати** деб аталади.

*Прокуратура махсус давлат органи* сифатида қатор вазифаларни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат;
- жиноятларни тергов қилиш;
- жиноятчиликка қарши қурашувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат;
- жиноятчиликка қарши қурашувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- судларда маъмурий, фуқаролик, хўжалик низоларига оид, жиноят ишларини кўрилишида иштирок этиш ва прокурор ваколатларидан фойдаланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши қурашга, шунингдек, давлатга етказилган

иктисодий зарарни коплашга каратилган конунларнинг ижро этилиши устидан назорат килиш;

- ушланганларни, камокка олинганларни, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида конунларнинг аник ва бир хилда бажарилиши устидан назорат;

- конун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда хукукий мадиниятни юксалтириш ишида иштирок этиш;

- умуман олганда конунларнинг аник ва бир хилда бажарилиши устидан ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича назоратни амалга ошириш.

*Хукукишунослик фанларининг бир тармоги сифатида прокурор назорати фани* - прокуратура органлари тизими, прокуратура органларида ишловчи прокурор-тергов ходимларининг фаолиятини тартибга солиш, прокурорларнинг прокурор назоратини амалга ошириш услуби, шакли, воситалари, уни амалга ошириш йўллари ҳақидаги конунлар тўпламини ўзида акс эттиради.

*Прокурор назорати ўқув фани* сифатида- олий ва ўрта махсус таълим ҳақидаги давлат дастурининг бир қисми ҳисобланади. Фан сифатида *Прокурор назорати* икки қисмга: *Умумий ва Махсус қисмларга* бўлинади. Умумий қисмида прокурор назоратининг вазифалари ва принциплари, прокуратура органларининг тизими, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош прокурори ҳақида, унинг ваколатлари ҳақида фикр юритилса, махсус қисмида прокурор назоратининг ўзига хос булган, яъни, прокуратура фаолиятини асосий йўналишларида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишдаги прокурорнинг ваколатлари ва конун талаблари ҳақида фикр юритилади.

Прокурор назорати ўзининг объект ва субъектига эга.

**Прокурор назоратининг объекти** прокуратуранинг ваколати ёйилган, яъни конунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти каратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисидан иборат бўлади. Бу ерда ваколати ёйилган дейилган жумлада муайян прокуратура органининг ваколат доираси тушунилади. Масалан, туман прокуратураси ўз ҳудудидаги объектларни текшириши, назорат килиши керак. Умумий асосда прокурор назоратининг объекти вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фукарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва мансабдор шахсларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Прокурор, прокурор назоратининг объектларини хукукий татбиқ килиши,

яъни конунларга риоя этиши ёки ижро этиши, шунингдек, улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг конунга мувофиқлигини устидан назоратни амалга оширади.

**Прокурор назоратининг субъекти** бу – прокурор назорат фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс – прокурор (прокурор назоратини амалга ошираётган прокуратуранинг мансабдор шахси) ҳисобланади. Прокурор назоратининг субъекти бу - конунда ўрнатилган тартиб ва асосда, ўзининг ваколати доирасида назорат ваколатлари ва ўзига юклатилган вазифани амалга оширувчи прокуратура органининг мансабдор шахсидир. Бунда бир катор ҳолларда процессуал муносабатларга киришиш учун у ёки бу шахснинг шу прокуратура органида қандай аниқ мансабни эгаллаганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Прокуратуранинг бирлик ва марказлашганлик принципига асосан прокурор ўзининг ваколати доирасида ўзининг назорат ваколатига тегишли функцияларини бажариш учун конунда кўрсатилган шахсан ўзи бажариши керак бўлган ҳоллардан ташқари, вакил жўнатиши мумкин.

Айнан шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 33-моддасида жиноят-процессуал фаолият максадлари учун **Прокурор** - дейилганда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,(унинг уринбосарлари) ва унга бўйсунувчи барча прокурорлар, унинг ёрдамчи ва уринбосарлари, прокурор-тергов ходимлари, прокурор-криминалистлар, ўзларининг ваколати доирасида фаолият юритадиган булим ва бошқарма прокурорлари тушунилади. Фақатгина у ёки бу назорат процессуал ҳаракатларни ёки қарорларни амалга ошириш аниқ белгиланган прокурорга юклатилган бўлсагина, ўшанда аниқ мансабдор шахс назарда тутилади.

Бундан ташқари, прокуратура ходимларига прокуратура идораларига қаршли ўқув муассасалари(илмий-педогогик муассаса ёки ўқув маркази)да ишловчи мансаб унвонига эга бўлган ходимлар ҳам қиради.

Масалан, Жиноят-Процессуал Кодексининг 243-моддасига

биноан фуқароларни қамокка олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва уларнинг уринбосарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг уринбосарлари, шунингдек, туманларнинг (шаҳарларнинг) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган бошқа прокурорлар рўхсат бериш ҳуқуқига эга. Дастлабки тергов муддатини уч ойдан ортиқ муддатга узайтириш аниқ белгиланган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. Бу муддатни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

уринбосари томонидан-етти ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан-тўккиз ойгача ҳамда Бош прокурор томонидан алоҳида ҳолларда тергов қилинаётган ишнинг ўта мураккаблигини инобатга олиб, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан бир йилгача узайтирилиши мумкин.

Шунинг учун **прокурор назоратининг субъекти бўлиб**, қонунларни ижро этиши ва риоя қилишини прокурор текширадиган юридик ва жисмоний (мансабдор) шахслар бўлишлари мумкин эмас.

Юқоридагиларга асосланиб прокурор назоратининг мазмунини қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини устидан назорат ташкил этишини билиш мумкин.

Бутун фаолияти жамиятда қонун устунворлигини таъминлашга йўналтирилган, қонунбузилишларни тезкор равишда бартараф этадиган, қонунчилик ва ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги жамият талаблари қондирилишига жавоб берадиган прокуратура органлари давлатимиз ва жамиятимизга керак эканлиги яна бир бор исботланди. Ушбулар қонуннинг 1- ва 2-моддаларида ўз ифодасини топди.

қонунлар ижроси устидан назорат предмети қонуннинг 20-моддасида белгиланган бўлиб, Прокуратура фаолиятининг мақсади ҳамда вазифалари тубдан ўзгарди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор". Шунинг учун ҳам тоталитар режимдан қолган асоратдан, яъни фуқаролар устидан назорат қилиш ваколатидан воз кечилди. Эндиликда прокуратура ходимларининг бош мақсади ҳар бир ваколатни амалга оширишда фуқароларнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишлари ҳисобланади.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари қучайтирилди. Шу мақсадда қонунга махсус боб киритилиб, унда инсон ва фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини бевоқифа ҳимоя қилиш ҳамда бу борада қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатлари ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш лозимки, прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари, шу жумладан, судга даъво аризаси тақдим этиш, ваколати авваламбор, алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар, яъни вояга етмаганлар, қариялар, қасаллар, ногиронлар ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Инсонпарварлик нуқтаи назаридан бу янгиликлар ўта муҳим аҳамиятга моликдир. Прокурорнинг назорат ва процессуал ваколатларини, унинг имкониятларини инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳимоясига йўналтириб,

давлатимиз инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини катъиян таъминланишидан манфаатдор эканлигини яна бир бор номойиш этди.

Бу эса ўз навбатида прокуратура органларига катта маъсулият юклайди ва улардан бошқарув, назорат ҳамда бошқа органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймасликларини, бузилган ҳуқуқларни эса тегишли ваколатлардан самарали фойдаланиб, катъиятлилик билан ҳимоя қилишни талаб этади.

**қонунларга риоя этиш – прокурор назоратининг предмети сифатида.**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунувчи ва Ўзбекистон Республикаси номидан унинг ҳудудида Конституцияга риоя этилиши ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, устидан назоратни амалга оширувчи, прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимини намоён қилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонуннинг юқорилигини, қонунийликни ягоналигини ва мустаҳкамлигини, фуқаро ва инсоннинг (шахснинг) ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан қўриқланувчи жамият ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қўйидагиларни амалга оширади:

-вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларга мувофиқлиги устидан назоратни;

-вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни;

-жиноятлар тугрисидаги аризалар ва хабарларни қўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назоратни;

-ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида конунларга риоя килиниши устидан назоратни;

-барча суд инстанцияларида жамият ва давлатнинг манфаатларини самарали ҳимоя килинишини таъминлаш максадида иштироки;

-жиноятчиликка карши кураш борасида хукукни муҳофаза килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси конунларда ўрнатилган бошка функцияларни ҳам амалга оширади.

### **Прокурор назорати тушунчаси:**

Прокурор назорати - давлат номидан махсус ваколатга эга булган мансабдор шахслар - прокурорлар томонидан конун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф килиш, айбдор шахсларни конун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш йўли орқали конунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

### **Прокурор назоратининг объекти:**

Прокуратуранинг ваколат доирасига килувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндиси ҳисобланади.

### **Прокурор назоратининг субъекти:**

Прокурор назорат фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс – прокурор (прокурор назоратини амалга ошираётган прокуратуранинг мансабдор шахси) ҳисобланади. Прокурор назоратининг субъекти бу - конунда ўрнатилган тартиб ва асосда, ўзининг ваколати доирасида назорат ваколатлари ва ўзига юклатилган вазифани амалга оширувчи прокуратура органининг мансабдор шахсидир.

### **Прокурор назоратининг вазифалари:**

конун устиворлигини таъминлаш;

конунийликни мустаҳкамлаш;

Хукук тартиботни мустаҳкамлаш;

Фуқороларнинг хукук ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш;

Миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларни ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлаш;

Хукукбузарликларни олдини олиш ва профилактикани амалга ошириш.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш.

### **Прокурор назоратининг предмети:**

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 4-моддасида кўрсатилган прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган хукукий мунособатлар прокурор назоратининг предмети бўлиб, ҳар бир асосий йўналиш ўз мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши уларнинг эгаллаган лавозими ва мавқеига қараб турличадир.

**қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети** Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор

шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунини 20-моддаси).

**Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети** Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 20-моддаси).

**Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети** Жиноятлар тугрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва тергов олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 20-моддаси).

**Ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиний жазоларни ва жиний-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида конунларга риоя килиниши устидан назорат бўйича прокурор назорати предметига кўйидагилар киради:**

ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиний жазоларни ва жиний-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сакланишининг конунийлиги;

ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиний жазоларни ва жиний-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги конун ҳужжатларига риоя этилиши;

ушлаб турилганлар, камокка олинганлар, маҳкумларнинг, шунингдек, жиний-хукукий таъсирнинг бошка чоралари кўлланилган шахсларнинг конунда белгиланган хукук ва мажбуриятларига риоя этилиши;

жиний-ижроия конун ҳужжатларини кўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида конун ҳужжатларига риоя этилиши.

**3-Мавзу: Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари.  
Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари.  
Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари.  
Фукароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик  
шахсларнинг мурожатларини кўриб чиқиш.**

**Р Е Ж А :**

- 1. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари тушунчаси.**
- 2. Бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустикаллик ва ошкоралик принциплари.**
- 3. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари.**
- 4. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.**
- 5. Фукароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш.**

**Принцип** – лотинча сўздан олинган бўлиб, “principium”, яъни - «қоида», «асос», «асосий, раҳбарий қоидалар, йўл-йўриқлар» деган маънони билдиради. Принциплар маълум бир назариянинг, фаннинг, дунёқарашнинг, сиёсий ташкилотнинг дастлабки ибтидосини ўзида акс эттиради.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятини тизимлаштириш элементи бўлиб, уларнинг мақоми ҳисобланади.

Бу мақомнинг асоси - принциплар. Принциплар сифатида прокуратура моҳияти ва мақсадини белгиловчи бошланғич асос назарда тутилади.

Бу асосий тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тугрисида»ги қонунларда акс эттирилган (Конституция-118,121-моддалар, «Прокуратура тугрисида»ги қонуни Б-модда). Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари:

Бирлик: Марказлашганлик;  
қонунийлик: Мустикаллик, Ошкоралик.

Булардан ташқари прокуратура органларининг ички ташкилий принциплари мавжуд бўлиб улар қуйидагилар:

- Ҳудудийлик
- Предметлилик.

Бундан ташқари «Прокурор назорати» фанининг прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари тушунчаси, турлари ва уларнинг таърифини текшириб ўтади.

Бу борада олимлар ўртасида турли хил карашлар мавжуд бўлиб, улар прокуратура органларининг тарихий ривожланиши боскичлари, улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш максатида ҳамда улар фаолиятининг у ёки бу соҳадаги қонунларини аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан келиб чиқишган. Бу юзасидан Чувилев, Сухарев, Басковлар фикр бериб ўтган. Бизнинг фикримизча уларнинг фикрлари мажмуаси прокуратура органини ташкил этиш ва прокуратура органлари фаолиятининг принциплари тушунчасини кенгрок ёритиб беради.

Шундай қилиб: Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолияти принциплари деганда - бу Конституция ва қонунларда белгиланган асосий талаблар бўлиб, улар прокуратуранинг ва улар ходимларининг сиёсий ва ижтимоий вазиқасини, ваколатларини ҳамда давлатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш усул ва воситаларини, уларнинг ҳажми ва характерини ҳамда прокуратура органларининг бошқа давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқ қилувчи белги ва хусусиятларини аниқлайди.

Шу принципларга амал қилиш прокуратура органларига ўзининг вазиқасини аниқ бажаришга имкон беради.

Принципларни прокурорлик функциялари ва йўналишларини амалга оширишни тартиби ва ҳолати билан алмаштирмаслик керак, чунки тамойиллар ўзаро боғлиқ ва ажралмас ҳисобланади. Бундан ташқари прокурор муайян ҳуқуқ соҳасида назоратни амалга оширар экан, шу соҳадаги принципларга амал қилиниши лозим. Бунга мисол: судларда давлат айбловини қўллаб қувватлаганда адолатлилик, судьяларнинг мустақиллигини, тенглик, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, айбсизлик презумцияси, ошқоралик, эркин фикр, процесснинг бевоситалиги каби принципларга амал қилиниши лозим.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг **асосий принциплари** қуйидагилардан иборат:

- **Бирлик**
- **Марказлашганлик**
- **қонунийлик**
- **Мустақиллик**
- **Ошқоралик** («Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тугрисида»ги қонун 5-модда).
- **Ички ташкилий принципларидан:**
  - **1) Ҳудудийлик ва**
  - **2) Предметлилик** принциплари мавжуд.

Бундан ташкари Чувилев ва Басковлар куйидаги асосий принципларни кўшадилар:

- сиёсий мустакиллик (Чувилёв, «Прокурорский надзор РФ» 58-59 б.);
- конунларнинг бузилишини аниклаш ва ўз вақтида бартараф этиш;
- прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоачилари билан ўзаро фаолият олиб бориш; (Басков «Прокурорский надзор» 78-83 б.).

Шундай қилиб, **Бирлик принципи** деганда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорлар ягона тизимни ташкил этади. Шунинг учун шу ягона тизимга кирмайдиган прокуратураларни ташкил этиш ва фаолияти таъкикланади. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустакил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият курсатиши тақиқланади. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддаси).

Ҳар бир прокурор белгиланган ҳудуд ва доирада фаолият кўрсатар экан, ягона тизимнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон Прокуратураси номидан ҳаракат қилади. Ҳар бир прокурор ўзининг компетенцияси доирасида уларни амалга оширишнинг ягона ваколати ва ҳуқуқий воситалари билан тақдирланган. Шундай қилиб, барча прокурорлар, тумандан, то Бош прокуроргача ўзининг ваколати тарқаладиган ҳамда конун бузилишига олиб келган давлат органларининг актларини аниклаш ва таъсир чорасини куриш лозим. Бунда улар ягона ҳуқуқий воситалардан, яъни протест, тақдимнома, ариза ва бошқалар. Бу актлар мажбурий ҳисобланиб барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий. Бундан ташкари, бирлик принципи бу юқори турувчи прокурор томонидан қуйи турувчи прокурорга ўзининг мажбуриятларини бажарилишини топшириш - қуйи турувчи прокурорларнинг мажбуриятини бажариши, конунда белгилангандан ташкари, унинг қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилинишини аниқлатади.

**Марказлашганлик** – бу қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга бўйсунлигини ҳамда Бош прокурорга бўйсунлигини тушунилади. Шаҳарлар, туманлар ва ихтисослаштирилган прокуратуранинг прокурорлари Бош Прокурор томонидан тайинланади. Лавозимга белгиланган тартибга қарамадан барча прокурорлар Бош Прокурор томонидан лавозимидан четлаштирилади, улар унга бўйсундилар ва ҳисобот берадилар. Юқори турувчи прокурорлар қуйи турувчи прокурорлар фаолиятини бошқарадилар ва назорат қиладилар. Бош прокурор томонидан прокуратура органлари системасини ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар

барча прокуратуралар ва уларнинг ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

**Мустакиллик принципи** – бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб борадилар. (назоратни амалга олишни тергов олиб бориш ва б.). Бунда улар текширув ва тергов материаллари ҳамда уларни олиб боришнинг тулиқлиги, объективлиги ва ҳар тамонламалигини таъминловчи сифатида намоён бўлади.

Прокурор ёки терговчининг у ёки бу масала юзасидан қарор қабул қилишга ёки фаолиятига давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг, ўз-ўзини бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотнинг аралашуви қонунда белгиланган жавобгарликни вужудга келтиради. (Интизомий, маъмурий, жиноий ҳамда суд тартиби асосида қўлланиладиган бошқа қоралар).

Амалиётда прокурорлар ва терговчилар фаолиятига аралашуви қўйидагича бўлиши мумкин:

- мансабдор шахсларнинг аралашуви, жумладан, норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилиш орқали;
- оммавий ахборот воситаларининг аралашуви (ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни нашр қилишни буюртма қилиш шаклида);
- кўрқитиш ёки жисмоний таъсир қурсатиш (оила аъзоларини ўғирлаш, аноним ва тўғри кўрқитишлар, босқинчилик ва бошқалар).

Шунинг учун қонун томонидан прокурор ва терговчиларни ҳимоя қилиш қоралари белгиланган. Ўзбекистонда бевосита «Прокуратура тугрисида»ги қонуннинг ўзида айtilган.

Россияда бу борада «Судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари мансабдор шахсларини ҳимоялаш тугрисида»ги қонун қабул қилинган. Прокуратура органларида прокурор ва терговчилар, уларнинг оила аъзолари, мумкинки, мустақиллигини, фаолиятининг фақат қонун асосида олиб борилишини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини юритишда ҳавфсизлик хизмати ташкил этилган. қонун нафақат прокурорлик назоратини амалга оширишга қўйилмасликни, балки прокуратура органлари ва тузилмаларининг ҳар қандай бошқа функциональ фаолияти, жумладан, жиноятларни тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига аралашуш тақиқланади.

Фаолиятига тўсқинлик қилиш – прокурорни тегишли органнинг ҳудуди ва биносига қўймаслик, ҳужжат ва материалларга доступни чеклаш, талабга мувофиқ тегишли ҳужжат ва материалларини бермаслик,

калбакилаштирилган маълумотларни топшириш, мутахассис ва экспертларни ажратмаслик, курсатма ва тушунтириш бермаслик мақсадида турли хил баҳоналар ўйлаб топиш ва бошкалар.

Хизмат фаолияти юзасидан амалга ошириладиган қаршиликни прокурор ва терговчи турли хил ҳуқуқий воситалар ва бошка қонунда назарда тутилган чораларни кўрадилар. Булар: Мажбурий келтириш, олиб кўйиш, Ички ишлари органлари ёрдамидан фойдаланиш, ёлғон гувоҳлик беришлик ёки бош тортмаслик учун жиноий жавобгарликка тортиш, прокурор талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ва бошкалар.

Прокурор ва терговчи қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда ўзларининг юритувчиларидаги ишлар ва материаллар юзасидан тушунтиришлар ва ҳужжатлар билан танишиш моҳиятини таъминлашлари керак. Терговчи унинг фаолиятини назорат қилувчи ёки юқори турувчи прокурорга шундай мажбуриятга эга.

Прокурор тегишли ҳужжатлар ва тушунтиришларни бўйсунтириш ва ҳисобдорлик асосида юқори турувчи прокурорга бериши лозим.

Прокурор тегишли ҳужжатлар ва тушунтиришларни бўйсунтириш ва ҳисобдорлик асосида юқори турувчи прокурорга бериши лозим.

қонунда белгиланган ҳолларда тушунтиришлар судларга берилади.

**Ошқоралик принципи** - бу прокуратура органлари фаолиятининг ошқоралиги, унинг фуқаролар, оммавий ахборот воситалари учун очик ўз фаолиятини амалга оширишидир.

Бу принципларни амалга оширилиши жараёнида жамият прокуратура органлари фаолиятини назорат қилади. Аҳолини қонунчиликнинг ахволини ҳамда фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятдан хабардор бўладилар. Бунинг натижаси – уларнинг прокуратура органларига мурожаат этиш имкониятини беради. Бундан ташқари фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари уларга маълум ҳуқуқбузарлик тугрисида прокуратурага хабар берадилар. Бу борада ошқоралик принципнинг амал қилиши қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ошқоралик тамойилининг прокуратура органлари фаолиятидаги норматив чегаралари Конституциявий талаблар ва қонунчилик нормалари билан чегараланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига муовифқ «Ҳар ким шахсий ҳаётни ва шахсий ҳамда оилавий сирларнинг дахлсизлигига эга», бундан ташқари давлат сирлари тугрисида айтилган. Унинг рўйхати «Давлат сирлари тугрисида»ги қонунда белгиланган.

Бундан ташқари, турли хилдаги хизмат сирлари - тергов, суд мажлисининг алоҳида хонасида қабул қилинадиган масалалар юзасидан фикрлар, нотариал, врач ва бошқалар мавжуд.

Махсус қонун билан қўриқладиган сирлар: тижорат сирлари ва унинг турли шакллари, банк, суғурта, ҳарбий сирлар.

Бундан ташқари, бу қонунчиликка, унинг талабларига мос келмаган ҳолларда прокуратура органлари фаолиятидаги ошқоралик тамойилининг чегарасини белгилайди. Унга махсус талаблар қўяди. Хизмат ёки тижорат сирлари бўлмайдиган маълумотларни фақат қонун белгилайди.

қонун билан ҳимояланадиган сирларни ошқор этиш тегишли тартибда моддий, интизомий ёки жиноий жавобгарликни юзага келтиради. (Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 143-моддаси «хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиш тартибини бузиш, ЖК 162- «Давлат сирларини ошқор қилиш», 163-модда «Давлат сирлари ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш» ва бошқалар).

Прокуратура органларига қонунчилик ва жиноятчиликнинг ахволи ҳақида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларини, аҳолини хабардор қилиб туриш лозим.

Бу маълумотлар ҳуқуқбузарликнинг алоҳида турлари бўйича ёки унинг гуруҳи юзасидан берилади.

Бу қамчиликнинг намоён бўлиш шаклларида бири - Бош Прокурор томонидан Олий Мажлис ва Президентга ҳар йили қонунчилик ва жиноятчиликнинг ахволи, қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бериш.

қўйи турувчи органлар тегишли халқ депутатлари ҳақами ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига маълумот берадилар. Барча прокурорлар оммавий ахборот воситаларига маълумотлар берадилар, нашриёт саҳифаларида катнашадилар, аҳоли орасида лекция ва ҳисоботлар билан чиқадилар.

**Сиёсий мустақиллик принципи** - прокуратура ходимлари сиёсий мақсадларни қўзловчи жамоат бирлашмалари аъзоси бўла олмайдилар ва фаолият юрита олмайдилар. Бундан ташқари, прокуратура органларида сиёсий мақсадларни қўзловчи жамоат бирлашмаларини тузиш ҳам тақиқланади.

Бу таъқиб нафақат прокурор ва терговчига, балки прокуратуранинг илмий ва педагогик ишчилари ва махсус унвонга эга бўлган ходимларига ҳам тегишлидир.

Бу принципнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бунда прокуратура ходимларини бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан

шуғулланишининг таъкикланиши унинг иш ҳақи билан боғлиқ бошқа иктисодий ва моддий муҳтожликдан мустақил килади.

Булардан мустасно сифатида: ўқитувчилик, илмий ва ижодкорлик фаолияти, қайсики шартнома, меҳнат контракти ёки бир марталик асосида амалга оширилишини мисол килсак бўлади.

Бундан ташқари, прокуратура ходимларининг ўз хизматларини амалга ошириш юзасидан илмий тадқиқотлари ҳам рағбатлантирилиши мумкин.

Ижодкорлик фаолиятига (журналистика ўқув фаолияти, тасвирий санъатнинг турли шакллари ва б.) ҳам йўл берилган. Булар ўз навбатида ходимларнинг ўз ишларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

**қонунийлик принципи** - бу ҳуқуқ субъектлари фаолияти учун умумҳуқуқий бошланғич асос ҳисобланади. Бу принципга амал қилиш ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шarti ҳисобланади. Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Прокуратура органида бу асосий тамойил ҳисобланиб, чунки унинг фаолияти қонунийликни таъминлашга қаратилгандир. Бу унинг асосий мақсади, яъни қонунийликни устиворлиги, бир хил ва аниқ ижро қилинишини аниқлатади. қонунийлик ўзининг ичига қуйидаги қатор имкониятларни олади:

- мамлакатда ривожланган қонунчилик тизимининг бошқариладиган ҳуқуқий муносабатларга мос бўлишини;

- тегишли қонунларга риоя этишликни таъминловчи давлат-ҳуқуқий инфратузилмалар;

- фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунлардан хабардор бўлиши;

- ҳуқуқбузарлик, уларнинг вужудга келиш сабаб ва шароитларини ўз вақтида бартараф этиш.

Прокуратура фаолиятида қонунийлик тамойили деганда барча давлат органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, вазирликлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва б.

Жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга риоя этиш тушунилади.

Бундан ташқари қонунийлик қонунларнинг устиворлиги ва ҳуқуқ иерархиясига амал қилиниши назоратни ҳам ўз ичига олади.

қонунийлик принципи бу унинг талабларини прокуратура органларининг ўзида амал қилишликни аниқлатади. Бу вазифада нормаларнинг йиғиндисиди, қайсики, уларда прокурор ва терговчи лавозимига

тайинланиши, уларнинг ахлокий ва касбий фаолиятлари, таълим даражаси, ёш цензи, уларнинг аттестацияси тугрисидаги нормалар.

**қонун бузилишини аниклаш ва ўз вақтида бартараф этиш тамойили** - қонунларни бир хилда ва аниқ ижро этилиши устидан назорат олиб борар эканлар, қонунбузарликларнинг ким томонидан содир қилинишидан қатъий назар шу ҳуқуқбузарликни аниклаш ва уни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортишликни аниқлатади.

Бу принцип, ўз ичига қуйидаги ҳолатларни олади:

1. қонун олдида ҳамманинг тенглиги.
2. Прокурорлар томонидан ҳуқуқбузарликни аниклаш билан бирга уни ўз вақтида бартараф этишни ҳам ўз ичига олади.
3. Ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чораларини кўрадилар.
4. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар жавобгарликка тортилиш чораларини кўрадилар. Ҳар бир қонун бузилиши ҳолати, ким томонидан содир қилинишидан қатъий назар, қатъий принципал баҳолашни айбдор шахслар жавобгарликка тортилишлари лозим.

**Прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаси билан ўзаро ҳамкорлиги** – бошқа органлар каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамиятдан ҳоли равишда амал қила олмайдилар. Амалиётдан бизга маълумки, прокурор агар ўзининг фаолиятини давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари, аҳоли билан координация қилинмаса, қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни амалга ошириш юзасидан фаолиятни олиб бора олмайди.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, қонунийлик режимини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларни ва уларнинг оғир ёки енгиллигидан қатъий назар прокурор ўз функцияларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари ёрдамидан кенг фойдаланишлари лозим.

Бундан ташқари, прокуратура органларининг маҳаллий ҳокимият органлари, кузатув комиссиялари, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар, Молия вазирлигининг назорат-тафтиш органлари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик кенгаши инспекцияси. Бу ўзаро фикрларнинг давлат ва меҳнат тартибининг бузилишига қаратилган, хўжасизлик, растрата, халқ мулкининг талон-тарож қилинишини олдини олишга, айбдорларни қош этишга, меҳнат қонунчилигининг самарали амал қилиши ва фуқароларни иш билан таъминлаш қафолатини яратишга олиб келади.

Бундан ташқари, ҳозирги қонунчилик прокуратура органлари ва судларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш имконини берди. Мисол қилиб: жиноий ишларда жамоатни айбловчиси ва ҳимоячисининг иштироки бу ўз навбатида судда адолат, унинг тарбиявий томонини олишни, жиноятларнинг келажакда олдини олишга кўмаклашади.

Ички ташкилий принциплар сифатида прокуратура органларида ҳудудийлик ва предметлилик принциплари қўлланилади.

Прокуратура органларида мужбуриятларнинг тақсимланиши ҳудудийлик ва предметлилик принципига асосан амалга оширилади.

**Ҳудудийлик принципи** – бу шундай ташкилий тартибни билдирадики, бунда барча ишлар ҳажми, ҳудудий бирликлар ўртасида тезкор ходимларга бўлиб берилади.

Ишнинг ҳажми бўйича бир ёки бир нечта шаҳар ва туманлар прокуратурасига тақсимланади.

Ҳудудийлик принципига оид ҳудудга бириктирилган булим прокурори, вилоят прокурорининг компетенцияси доирасида ҳамда белгиланган назорат доирасига мувофиқ қоидаларининг, бош прокурор буйруқ ва йўриқномаларини ижросини назорат қилади. Бу мақсадда у ҳудуд қонунчилигини, ҳудуд статистикаси, иш режалари, ҳисоботлар, умумлашмалар ва бошқалар билан танишиб чиқади.

Таҳлил асосида у тегишли шаҳар ва туман прокуратураларига камчиликларни ва ишларни яхшилаш юзасидан топшириқлар юборади.

Прокурорлар фаолиятида иштирок этади, амалий ёрдам кўрсатади, унинг топшириқларини бажаришни назорат қилади, прокурорлар малакасини ошириш ишларида қатнашади, уларга индивидуал топшириқлар беради. Бу прокуратуранинг бошқа ҳудудий прокуратуралар билан доимий алоқасини кўрсатади.

Ўзининг ҳудудида барча ишлардан хабардор бўлиши учун ҳар бир туман, шаҳар прокурори ўзининг иш юритишини қоидада белгиланган материаллар, вилоят прокуратураларида эса қуйи турувчи прокуратуралар томонидан юборилган ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари билан бирга сақлайдилар. Бу уларнинг ваколат доираси бўйича алоҳида нарядларда сақланади.

Ҳудудий прокурорлар булардан ташқари, ишчи нарядлар олиб борадилар, унда ижро этилиши лозим ҳужжатлар, унинг ҳудудида ҳар бир прокурор ёки терговчи томонидан содир этилган хатолар ва ижобий иш натижалари қайд этилади.

Бу ўз навбатида қуйи турувчи прокуратураларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар беришини енгиллаштиради.

Ҳудудийлик принципи асосида ишларни ташкиллаштириш борасида прокурор назорати: Фукарларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга, тегишли туманларда ишлар юзасидан апелляция, кассацион ва назорат тартибида киритилиши лозим бўлган протест масаласини хал қилишга ва бошқа масалалар юзасидан олиб борилади. Шунингдек, шу ҳудудда содир этилган жиноятларни тергов қилиш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, ҳудуддаги қонунийликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда раҳбарликни амалга оширади.

**Предметлилик принципи** - бу прокурорлик назорати предмети тушунчасидан келиб чиқиб, бунда прокурорлар ўртасидаги мажбуриятларни бўлишда - ҳуқуқий тартибга солиш доираси, яъни прокурор томонидан маълум бир тоифадаги қоидалар ва норматив актларни назорат қилишига қараб ихтисослар бўйича тақсимланиши тушунилади.

Бу принципнинг мақсади барча тузилмаларни прокуратура олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратишдир.

Белгиланган мажбуриятлар тақсимога мувофиқ бўлиб прокурори унинг предметида тегишли статистик ва бошқа маълумотларни умумлаштиради; тегишли материалларни таҳлил қилади (докладлар, тақдимнома, протестлар, умумлашмалар, услубий ҳолатлар, хайъат қарорлари ва бошқалар); норматив актларнинг қамчилиги бўйича топшириқлар тайёрлашда иштирок этадилар; хайъатда ва координацион кенгашга тақлифлар киритади. Булиб прокурорлари - прокурорлик назоратини тақсил этиш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар киритади.

Бундан ташқари **ҳудудий- предметлилик** принципи мавжуд. Бунда ҳудудий прокурорларга уларга қонун билан белгиланган ваколатларини амалга оширилиши лозим предмет ҳам қўшилади.

Бу ҳозирда муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни асослашга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ихтисослашган прокуратуралар вужудга келишига олиб келади.

қоида бўйича, амалга ошириш предмети белгилайдиган қатор масалалар вужудга келди: бу қонунчиликнинг аҳоли тугрисида комплекс анализ утқизиш, жиноятларни тергов қилишни умумлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувоқлаштирувчи, ишни режалаштириш қўйи турувчи органларга топшириқлар юбриш, уларнинг ижроси устидан назорат. Муайян давр мобайнида ишни умумлаштирилиши тегишли ҳудудда ихтисос бўйича ишнинг қелгусида самарали олиб боришини таъминлайди.

Бундай ишлар булим бошлиғининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйрукда белгиланган ҳудуд ва предметлардан ташқари, белгиланган доирадаги объектлар (вилоят, туман, шаҳар), яъни конкрет органлар кўрсатилиши мумкин.

Прокуратура органларининг давлат органлари системасидан ўрни ва ролини ҳамда ҳокимиятининг булимининг функциялар таркибини бемисали билан аниқланди.

Прокуратура фаолиятининг мазмунини, таркиби ва ҳажмини ифодаловчи ва очиқ берувчи тушунча, унинг функциялари ҳисобланади.

конун прокуратура тушунчасини берар экан, авваламбор, унинг асосий вазифаси конунларни ижро этиш устидан назорат ҳисобланади.

Бошқа нормада прокуратура конунда белгиланмаган функцияларни бажаришга йўл кўйилмайди.

Шундай қилиб, прокуратура органларининг функциялари деганда улар ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида қўллайдиган усул ва воситалар мазмуни тушунилади.

Прокуратура фаолиятининг максимал даражада белгиланган аниқ шароити бўлиб, функцияларнинг ички ўзаро боғлиқлиги ва белгиланиши ҳисобланади.

Прокуратура органларини ташкил этишга сабаб булган муҳим функция - бу конунларнинг бажарилиши устидан назорат ҳисобланади.

Прокуратура ўз фаолиятини амалга оширишда назорат функциясидан ва функция ости вазифасидан фойдаланади. Функция ости вазифаларига қуйидагилар киради:

- Вазирликлар, кўмиталар, идоралар, давлат бошқарув ва ҳокимият органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг конунларни ижро этиши ва конун асосида қарорлар қабул қилинишини назорат қилади.

- Вазирликлар, кўмиталар, идоралар, давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг бошқарув ва бошлиғи томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини таъминлашлари устидан назорат.

- Тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов органлари томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назорат.

- Жазоларни ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ва муассасалар, қамокда сақлаш ва ушлаб туриш жойларининг маъмурияти томонидан конунларни ижро этилиши устидан назорат қилиш.

- Барча суд иш юритув боскичлари ва инстанцияларида катнашиш хукуки.

Бунда у судлар устидан назоратни амалга оширмайди, балки суд томонидан чиқарилган қарорларнинг қонунга мувофиқлигини текшириб, зарур ҳолларда протест киритади. Судларнинг қонуний ва асосланган қарор қабул қилишига қўмақлашади.

Бу функциялар ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириб туради.

Уларнинг мажмуи-прокурорлик назоратини ташкил этади.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари деб номланган ушбу функциялар Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 4-моддасида белгилаб қўйилган. **Прокуратура идоралари ўз фаолиятларини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борадилар:**

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қуроли Қучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

- тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

- судларда жиноят ишлари қўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тугрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қуришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- ушлаб турилганларни, қамолда бўлганларни қўлга олиш жойларида, жинойт жазоларни ва жинойт-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа қораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Шунингдек, конунда кўрсатилганидан ташкари, прокуратура органлари ўз фаолиятларининг асосий йўналиши сифатида вояга етмаганларга доир конунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ҳам амалга оширадilar.

Булардан ташкари, прокуратура ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида содир этилган жиноятларни жиноий таъкиб килиш функцияси ҳам мавжуд.

Бунинг асосий мазмуни прокурорнинг куйидаги ваколатларида ифодаланади:

- ҳар қандай жиноят юзасидан иш кузгатиш;
- тегишли терговчига уни иш юритувига қабул килишни топшириш;
- терговга тегишлиликдан қатъий назар уни ўз иш юритувига олиш;
- терговга тегишлиликдан қатъий назар ишни тергов килишни прокуратура терговчисига топшириш.

Бундан ташкари, прокуратура томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мустақил функция ҳисобланади. Бунда у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамжихатликда ҳамда уларнинг вазифа мақсадлари, ваколатлари ва уларни амалга ошириш усулларига мувофиқ фаолиятини таъминлаш қиради.

Яна бир мустақил функцияси бу конун ижодкорлиги функциясидир. Бунда прокурор ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида конунлардаги қамчиликлар ёки уларга ўзгартириш қиритиш ёки янгисини қабул килиш масаласи юзасидан конунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар ёки шундай ҳуқуқларни амалга оширадиган қуйи ҳокимият ва бошқарув органига шундай таклиф ва лойиҳалар тақдим этади.

Функциядан ташкари, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тушунчаси мавжуд. Булар ўзаро боғлиқ бўлсада, бир-биридан аниқ фарқланади.

Бунда прокуратура жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ҳамда давлат-ҳуқуқий тузилмаларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда назоратни амалга ошира олмайди. Шунинг учун конун давр талабидан қелиб қиқиб, қонунийлик ва ҳуқуқбузарликни мамлакатда қасимал даражада таъминлаш йўналишини белгилайди.

**қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат** – ўзининг моҳияти ва мазмуни жиҳатидан ўта мураккаб фаолият ҳисобланади. қонун бўйича назорат фаолиятининг турли доираларда тарқалганлиги, ҳар бир доирада у ўзига хос хусусиятларни қасб этади. Бундан ташкари, турли хил ҳуқуқий воситалар қўлланилади. Бир хил вақтларда прокурорнинг таъсир этувчи қораси информацион қарактерга эга.

Мисол: Давлат бошқарув органининг ноқонуний актига протест киритганда шу орган ёки юқори турувчи орган моҳият жихатдан тўғри қарор қабул қилишни тавсия этади.

Лекин протест юзасидан ёки тақдимнома юзасидан қарор қабул қилиш, фақат бошқарув органи ёки суд томонидан амалга оширилади.

Бир хил вазиятда прокурорлик ваколатлари ҳокимият-ижро характериға эға.

Мисол: Суриштирув ва дастлабки тергов даврида, суднинг жазони ёки суд тиббий йўналишдаги мажбурлов чорасини куллаш борасидаги қарорларини ижроси юзасидан. Прокурор назорати давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг, давлат ва жамият манфаатларини бузувчи қарорига таъсир этиш, қонунда белгиланган тартиб ва усулда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уни олиб келган шароит ва сабабларни бартараф этиш, ҳуқуқларни тиклаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, ҳар бир йўналишда унинг ўзига хос предмети бўлиб, у қонунчилиқда кўрсатилган.

Суд иш юритувида унинг предмети ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК билан белгиланади.

Прокурорлар Конституция, қонунларнинг ҳамда қонуности ҳужжатларининг ижроси устидан назорат қилади.

***Назоратнинг умумий предметиға қуйидаги умуммажбурий норматив актлар кирмайди:***

***- Президент Фармонлари;***

***- Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонлари.***

Буларнинг ижросини президент апаратининг назорат органлари амалга оширади.

Лекин шундай қонунлар борки, уларда бевосита Президент Фармонлари ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорига ҳавола қилинади, яъни ҳавола ва бланкет нормалар, булар бевосита прокурор назоратиға қиради. ***Прокурор Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг қонунларни қандай ижро этаётганлиги устидан назорат қилиш эмас, балки улар томонидан қабул қилинган қонун, Фармон, Фармойиш ва қарорларни ижросини таъминлаш вазифасини амалга оширади.***

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган, Ўзбекистон қонунчилиги нормаларидан устун бўлган халқаро нормаларнинг ҳам ижросини таъминлайди.

Мисол килиб: 1993 йилдан талабларни бажариш юзасидан ҳукукий ёрдам тугрисидаги Конвенция (Минск)да талаб килувчи томонлар ўртасида текширув мавжуд бўлса, унинг давлатчилигининг моддий ва процессуал нормалари қўлланилади. Буларнинг ижроси бевосита прокуратурага тегишли бўлади.

**Содир этилган жиноятлар учун жиноий таъкиб килиш** – функциясини бошқа ҳукукни муҳофаза килувчи органлар терговни тегишли шакл ва тартибида амалга оширадилар.

Ҳар кайси давлат-ҳукукий тизим дастлабки тергов олиб бориш борасида ўзининг махсус аппаратига (МХХ, ИИВ) эга бўлиб, бу борадаги ўз фаолиятини жиноят процессуал қонунчилик асосида олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигида терговга тегишлилик тушунчаси мавжуд бўлиб, прокуратура ҳам шундай тегишлилик асосида терговни амалга оширади. Унинг таркибида назорат фаолияти билан унинг таркиби ва характериға боғлиқ жиноятлар белгиланган.

Бу борадаги прокурорнинг бошқа давлат органларидан фарқ килувчи томони шундан иборатки, у ҳар қандай жиноятни, терговга тегишлилигидан қатъий назар бўйсунувчи терговчи ёки прокурорға бериши мумкин.

Прокурор фаолиятининг асосий мезони қонунийлик ҳолати ҳисобланади; тегишли ҳукукни муҳофаза килувчи орган ходимларининг квалификацияси ва бошқа ҳолатлар.

Бу функцияларнинг асосий хусусиятлари:

- Субъектларнинг чегараланганлиги.
- Фаолиятининг фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши.
- ЖПКға асосан тегишли восита ва усулларни қуллаш.

Бу функцияни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари универсал характерға эга бўлиб, у мустакил ҳисобланади. Жиноят ишини ўз иш юритувига олганда терговчи ваколатлари билан бирға ўзининг прокурорлик ваколатларини ҳам саклаб қолади.

**Ҳукук ижодқорлиги фаолиятида иштирок этиш** – бу прокуратура органларига юклатилган вазифа, жамиятнинг жуда кенг доирасини қамраб олади. Бу фақат қонунда белгиланган доирада амалга оширилиши сабабли, улар нафақат қонунларнинг ижроси ҳақида, балки ҳукукий тартибға солиш ҳақида хабардор бўладилар.

Бу ўз навбатида жамият ва давлат эҳтиёжларига мувофиқ ҳукукни қуллашни назарда тутди.

Прокуратура органларининг маркази ривожланишининг турли босқичларида ҳукукижодқорлигининг фаолиятида турли шаклларда

катнашган. 1992 йил 8 декабр Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Бош прокурор ва конунчилик ташаббусига эга булган куйи турувчи прокурорлар ҳукукий актларни ўзгартириш, тўлдириш, бекор қилиш ёки бошқа конун ва ҳукукий актларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқишлар мумкин.

Барча прокурорлар систематик тарзда у ёки бу доирада ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи амалдаги конунларнинг амал қилиш ҳақида, бу конунларнинг камчиликлари ёки муаммолари тугрисида, конунларга ёки уларнинг алоҳида нормаларига шарҳ бериш масаласини ҳамда бу тугрисидаги ахборотларни тегишли орган ҳамда Бош прокурорга берилади.

Бу ишлар билан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасидаги «қонунларни мужассамлаштириш ва ҳукук тарғибот» булими шуғулланади.

Лойиҳани киритишда – бу лойиҳанинг киритилишига сабаб ва шароитлар, ундан кутиладиган ижтимоий-иқтисодий натижалар, уни амалга оширишда моддий ва бошқа ҳаракатлар ва асослари кўрсатилади.

«Прокуратура тугрисида»ги конун прокуратура фаолиятининг бутун йўналишларини тўртта прокурорлик назорати тармоғига ажратади:

1. қонунлар ижроси устидан назорат.

2. Фуқаронинг ҳукук ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат.

3. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи идоралар томонидан конунларга риоя қилиниши устидан назорат.

4. Ушлаб турилганларни, қамокка олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят–ҳукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида конунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Прокурор назорати тармоқларидан ташқари, прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишлари ҳам ажратиб берилади:

- жиноятлар юзасидан дастлабки терговни олиб бориш;

- жиноятчиликка қарши курашувчи ҳукукни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- конун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Бундан ташқари, конуншунос, прокуратура фаолиятининг судларда жиноят ишларини кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳукукбузарлик тугрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қуришда иштирок этиш, конунларга зид булган суд ҳужжатларига протест келтириш қаби муҳим йўналишини ҳам белгилаб берган. Прокуратура фаолиятининг янги йўналиши қилиб, солиқ

интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иктисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишни белгилаб берди. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура фаолиятининг энг биринчи ҳамда жуда ҳам кенг булган тармоғи ҳисобланади.

### **Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги**

Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунини 6-моддасида белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича «Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар утказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар ҳусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, қонунга риоя этиш тугрисидаги ўз ваколатлари доирасида кўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур булган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

Прокуратура органларида ҳар ярим йилда фуқароларнинг муурожаатлари таҳлил қилиниб, умумлаштирилиб, унинг натижалари хайъат мажлислари ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилади. Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди».

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш.

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора-тадбирлар қуриши ҳамда ўз қарори тугрисида аризага маълум қилиши шарт (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунини 32-моддаси). Ҳокимиятни тақсимланишини ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши мунособати билан, шунингдек, суд ҳокимиятини амалга оширувчи органларнинг ўз фаолиятларидаги мустақиллиги, уларнинг бошқа ҳеч қандай давлат органлари назоратида эмасликлари оқибатида прокурорнинг назорат

фаолияти ушбу соҳада ўз аҳамиятини йукотди ва прокуратура фаолиятининг судларда ишларни кўрилишида иштирок этиши тарикасидаги махсус йўналиши деб эътироф этила бошлади.

Фукарларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш конунинг 7-моддасида белгиланган. Унда кайд этилишича, «Прокуратура органлари фукарларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фукарларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фукарларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фукаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир».

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифани бажара бориб, фукаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тугрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади; аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради; фукаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, конунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги конунини 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фукаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши кўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар конунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фукаронинг ҳуқук ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқукбузарлик хусусиятига эга булган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқукбузарлик тугрисида иш кўзғатади ёки зудлик билан ҳуқукбузарлик тугрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқукбузарликлар тугрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга булган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Прокурорнинг ушбу соҳадаги ваколатлари жинойт процессуал қонунчилиги билан (382-388мм.), “Прокуратура тугрисида”ги қонун (28 м.) ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ, прокурор суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни олиб борар экан қуйидаги ваколатларга эга бўлади: содир этилган ёки тайёрланаётган жинойтлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан утқишиш ва ҳал этиш тугрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой қаида бир марта текширади; суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга ҳилоф ҳамда асосиз қарорларини бекор қилади; жинойтларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жинойт тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тарқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жинойт содир этган шахсларни қидириш тугрисида ёзма қурсатмалар беради; тергов юритиш ва эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қамоқда сақлаш муддатини узайтиради; ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов утқишиш тугрисидаги ўз қурсатмалари билан қайтаради.

Прокурор ушбу соҳадаги ўз зиммасига юклатилган вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 28 сентябрь қунги “Фуқароларнинг муқожаатлари тугрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг бажарилиши юзасидан прокурорлик назоратини янада қучайтириш тугрисидаги 17-сонли буйруғи талабларига қатъий риоя қилиши шарт ҳисобланади. Ушбу буйруқда қўрсатилишича, фуқароларнинг муқожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини муқофаза этишга Ўзбекистон Республикаси прокуратураси марказий девони ва барча тобе прокуратура ходимлари фаолиятининг муҳим тарқибий қисми сифатида қаралиши лозимлиги, ариза ва шикоятларни кўриб қикилишига виждонан мунособатда бўлиш лозимлиги, ушбу масалада ҳар бир ходимнинг масъулияти оширилиши қерақлиги қайд этилган.

Шунингдек, ушбу буйруқнинг 2-бандида қиддий қонунбузарликлар, жумладан, маҳаллийчилик ва вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ, фуқароларнинг турар-қой, меҳнат, дам олиш ҳуқукларига тақовузлар,

хаётига суикасд килиш ҳақидаги ариза ва шикоятларга жиддий мунособатда бўлиш таъминланиши лозимлиги, ариза ва шикоятларни жойларга чикиб, мустахассислар ва муаллифлар иштирокида текшириш амалиёти кенг кўлланиши лозимлиги таъкидланган.

Худди шундай, 3-бандда Меҳнат ва турар жой конунларининг бузилиши, кўп болали оилалар, аёллар, ногиронлар ва нафақадорларнинг конуний ҳуқуқларини таъминланмаганлик ҳақидаги мурожаатларига алоҳида эътибор берилиши кераклиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг бажарилиши юзасидан шикоятларда кўтарилган масалаларга алоҳида мунособатда бўлиш талаб этилган.

Буйруқда тергов ва суд мобайнидаги конунбузилишлар ҳақидаги аризаларга нисбатан эътиборли бўлиш, жиноят ишларини ўрганиб чикиб, махсус хулоса тузилган ҳолда жавоб кайтарилиши лозимлиги таъкидланган.

Фукаралар томонидан прокуратура органларига килинган мурожаат 1 ойлик муддат ичида, кўшимча текширув утказиш ва ўрганишни талаб қилмайдиган ҳолларда 15 кунгача булган муҳлат ичида ҳал этилиши лозимлиги белгиланган. Ҳал этилиши прокуратура органларига тааллуқли бўлмаган шикоят ва аризалар 5 кундан кўп бўлмаган муҳлатда тегишли идораларга юборилиб, бу ҳақда муаллифларга хабар килиниши керак.

Прокуратура органларида ҳар ярим йилда фукараларнинг мурожаатлари таҳлил килиниб, умумлаштирилиб, унинг натижалари хайъат мажлисилари ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилади.

### **Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари:**

➤ вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фукараларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назорат килиш;

➤ фукараларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган конунлар ижроси устидан назорат килиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларида, вазириклар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида конунларга риоя килиниши устидан назорат килиш;

➤ тезкор-кидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан конунларнинг ижро этилиши

устидан назорат килиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка карши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

➤ жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

➤ судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини кувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тугрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини куришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

➤ солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга карши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат килиш;

➤ ушлаб турилганларни, қамокка олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа қораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат килиш;

➤ қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

**4-Мавзу: Прокуратура органларида ишни ташкил этиш.  
Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш.**

**Р Е Ж А :**

- 1. Прокуратура органларида ишни ташкил этиш.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида ишни ташкил этиш юзасидан буйруқлари ва курсатмалари, низомлар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 14.06.95 йилдаги буйруғи “Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларида ёш мутахасисларни ишни ташкил қилиши ҳақида” йўриқномаси**
- 3. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш.**
- 4. Прокуратурада ишларни режалаштириш.**
- 5. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик.**
- 6. Ҳисоб ва ҳисобот.**
- 7. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва мувофиқлаштириш иштирокчилари.**
- 8. Мувофиқлаштиришнинг мазмуни ва аҳамияти.**
- 9. Мувофиқлаштириш принциплари.**
- 10. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари.**

**Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкил этиш** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият курсатиши билан белгиланади.

Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга курсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир. Шунингдек у ўз бўйсунувдаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тулик жавобгардир.

Ҳар бир прокурор ва прокуратура ходимининг қундалик фаолияти давомида бажариши лозим бўлган вазифаларни аниқ ва тўғри амалга оширишлари учун прокурорлар томонидан ўзлари ва қўл

остида ишловчи прокурор-тергов ходимларининг ички меҳнат таксимоти бўйича бўйрук тайёрланади. Ҳар йил сўнгида келаси йил режаси билан бирга ички меҳнат таксимоти бўйича бўйрук тайёрланиб, ходимларнинг барчаси ушбу бўйрук билан таништирилади ва бўйруқдан бир нусха билан таъминланади.

Прокуратура органларида ишни ташкил этиш бевосита

прокуратурада ишларни режалаштириш билан ҳам бевосита боғлиқдир. қонун билан белгиланган ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланган ваколатларини амалга оширишда прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари ( «Прокуратура тугрисида»ги қонуннинг 4-моддаси) да кўрсатилган вазифалар муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан шу прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишда ҳар бир йўналиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг чиқарган бўйрук, курсатма ва Низомлари асосий ролни ўйнайди. Масалан, Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга доир, Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироқи, Судларда фуқаролик ишларини кўрилишида прокурор иштироқи, Судларда хўжалик низоларини куришда прокурор иштироқи ва ҳ.к. йўналишлар бўйича прокурорнинг тутган ўрни ва назорат қилишдаги роли, айнан қандай масалаларга қандай ёндашиши лозимлиги кўрсатиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонуни ҳамда қонун ости ҳужжатлари талаблари ҳамда ҳудудийлик ва предметлилик принциплари асосида ўз фаолиятларини ташкиллаштириб, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкиллаштирадilar. Айнан шу масала бўйича ҳам **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 25 август кунги 8 сонли «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ишни ташкиллаштириш ва ижрони назорат қилишни такомиллаштириш ҳақида»ги бўйруғи** мавжуд. Ушбу бўйруқда кўрсатилишича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон ҳарбий ва транспорт прокурорлари аппаратларининг ташкилий иши прокуратура фаолиятини такомиллаштириш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилишни яхшилаш, прокурорлик назоратининг асосий йўналишларидаги фаолияти ва самарадорлигини юксалтириш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришишга йўналтирилиши лозим.

Предметлилик принципини тиклаш ва тадбик этиш долзарб масала деб хисобланган. Ишни предметлар бўйича ташкил килиш муттасил равишда текшириб борилиши, бу ишдаги сусткашликка нисбатан катъий чоралар кўрилиб, йўл кўйилаётган нуксонларни бартараф килиш юзасидан таклифлар тайёрлаб прокуратура хайъатларига киритилиши кераклиги таъкидланган.

Шунингдек, буйруқда, асослантилган қарорларни ишлаб чиқариш мақсадида масалаларни хайъат муҳокамасига пухта тайёрлаш, тақдим қилинаётган ҳужжатлар сифатини кучайтириш кераклиги, бунда юзакичиликка йўл кўйилмаслиги, қабул қилинган қарорларни бажаришни ташкиллаштириш устидан доимий назорат амалга оширилиши, даврий равишда хайъат иши умумлаштирилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилиши кўрсатилган.

Юқорида қайд этилганидек, буйруқда ҳам асосий эътиборни ишларни режалаштиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланган.

Таркибий тармоқларнинг раҳбарлари қонунлар, республика Президенти фармонларининг талаблари, фуқароларнинг қонунбузарликлар ҳақидаги мурожаат ва хабарларининг мазмуни тергов натижалари ва назорат идораларининг тадбирлари ҳамда жойлардаги ҳақиқий аҳволга асосланган таклифлар киритишлари лозим.

Ташкилий-назорат ва таҳлилоти тармоқларининг ходимлари режавий интизомнинг бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текширувини ўтказиб, раҳбарият олдида айбдор ходимларни жазолаш масалаларини кўйишади.

Ишни ташкил килишни илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг масаласини ошириш Маркази билан Республика прокуратурасининг барча тармоқлари биргаликда аниқлаб, прокуратура идораларига юбориб туришади. Прокурор-тергов ходимларини ушбу масалада малакасини ошириш бўйича ўқишга таклиф қилиб, уларга янгича иш юритиш услублари ва шаклларини ўргатиб турадилар.

Ишни ташкил килиш ва ижро интизомининг аҳволи юқорида баён этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғига асосан муттасил равишда текширилиб турилади. Хизмат мажбуриятларини бажариш, ишни ташкил килиш ва назоратни амалга оширишда аниқланган барча камчиликлар бўйича уларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф килиш чоралари кўриб турилади.

Бундан ташқари прокуратура органларида ишни ташкил килишда 2000 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг № 830–сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон

Республикаси Прокуратураси идораларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат килиш тугрисида»ги Йўриқномада алоҳида урин тутлади. Йўриқномада умумий коидалар, хизмат ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштириш коидалари, ҳужжатларни юбориш, тасдиқлаш, сана ва индексларни кўйиш, сарлавҳа, ракамлаш, иловалар, имзо кўйишга оид талаблар, айрим турдаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, матнга булган талаблар, телеграмма ва телефонограммалар (шошилиночномалар) ни расмийлаштиришга оид булган талаблар, ҳужжатларни қабул килиш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш тартиблари, жиноятлар ҳақидаги хабар ва аризаларни рўйхатдан утказиш ва ҳ.к.лар кайд этилган. Прокуратура органларида иш юритишда фойдаланадиган китоблар шу йўриқномада кўрсатилган тартиб ва коидаларга асосан юритилади. Ҳар бир китобнинг номи, раками, ким томонидан тўлдирилиши, китобнинг реквизитлари, ундан фойдаланиш тартиби ва китобни ким томонидан ва қачонгача саклаш коидалари шу йўриқномага белгилаб берилган.

#### **Кадрларни танлаш, жой-жойига кўйиш ва тарбиялаш.**

Прокуратура органларида барча йўналишлар бўйича назоратни самарали ташкил килиш кадрларга бевосита боғлиқдир. Прокуратура органлари олдида турган муҳим вазифаларни хал килишда яхши касбий тайёргарликка эга булган холда сиёсий тайёргарликка эга булган ходимлар бир қатор вазифаларни хал килишда муҳим роль ўйнайдилар.

Прокуратура органлари ходимлари бирқатор талабларга жавоб беришлари керак:

- олий юридик маълумотга эга бўлишлари керак;
- юксак ахлокий хусусиятларга эга бўлишлари керак;
- амалдаги қонунларни қўллаш била олишлари керак ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тугрисида»ги 2001 йил 29 августдаги қонунда VI-булим 43-моддасида прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўлланиладиган талаблар акс эттирилган бўлиб, ушбу қонунга кўра “Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимида олий юридик маълумотга эга, зарурий касбий фазилатлари булган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимида 25 ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади...”

Прокуратура органларига ишга кабул килинаётган ёш ходимлар тегишлича Ўзбекистон Бош прокурори белгиладиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим. Ёш мутахасисларнинг ишларини пухта ташкил қилиш прокуратура органлари истикболли фаолиятини таъминлашга қаратилади. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 14.06.95 йилдаги буйруғи “Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларида ёш мутахасисларни ишни ташкил қилиши ҳақида” йўриқномасида** бир қатор курсатмалар белгиланган бўлиб, унда кўрсатилган талаблар қуйидагилардир:

1. Олий юридик ўқув юртларининг кундузги булимларини

битирган ёш мутахасисларни тўғри танлаб, прокуратура идораларига ишга кабул қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда прокурор-терговчи лавозимларида мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш прокуратура идораларини етук, маънавий юксак, ўз ишини биладиган ва нуқтаи назарида тура оладиган, касбига садоқатли, ҳалол, виждонли ходимлар билан таъминланишида қатта аҳамиятга эга.

Прокуратура раҳбарлари ҳар бир ёш мутахасисга доимо ғамхўрлик кўрсатиб, уларни прокуратуранинг энг яхши анъаналарига содик, республикамизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларнинг устиворлигини таъминлаш принципларини амалга оширишда ўқув юртларида олган назарий билимларини амалиётда тўғри тадбиқ қилишларига, касб сирларини тезроқ эгаллашларига ҳар томонлама ёрдамлашиб, уларда масъулият, ваколатлилик, қонунбузарларга мурасасизлик, янгиликни сезиш ва ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришга асосий эътиборларини қаратишлари лозим.

2. Прокуратура идоралари тизимидаги мавжуд иш ўрганувчи, шунингдек, шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бўш турган прокурор ёрдамчиси ёки терговчи лавозимларига иш ўрганувчи сифатида ишга кабул қилинган барча ходимлар 3 йилгача ёш мутахасис ҳисобланадилар.

Прокуратура идораларига мутахасисларни тайёрлаш, ишга кабул қилиш ва тарбиялаш.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар бошкармаси марказий маҳкаманинг бошка булим ва бошкармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда ҳар йили ҳарбий хизматни ўтаб келган ва ишлаётган, ўрта мактабни ва коллежларни битирган ҳамда прокуратура идораларида ишлашга иштиёки бўлган ишлар орасидан прокуратура идораларининг келгуси 5 йилда мутахассисларга бўладиган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда танлаб, олий юридик ўқув юртларига ўқишга кириш учун юборади.

4. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси раҳбарияти томонидан масъул этиб тайинланган кадрлар бошкармасининг ходими олий ўқув юртига ўқишга кириш коидаларига амал қилган ҳолда қабул комиссияси фаолиятида иштирок этади, ўқув юрти раҳбарияти билан ҳамкорликда прокурорлик булимига қабул қилинган талабаларнинг шахсини, билим даражасини ўрганиб боради, шу мақсадда ўқув машғулотларида иштирок этиб, фанларни ўзлаштиришларини кузатади, талабаларнинг прокуратура идораларида иш ўрганиш амалиётини режалаштиришда иштирок этади ва жойлардаги прокуратура идоралари томонидан иш ўрганиш амалиётини ташкил этилишини назорат қилади.

5. Ўқув юртлари билан тузилган шартнома асосида бу булим талабаларига ўқув машғулотлари утказиш учун малакали прокурор-тергов ходимлари жалб қилинади.

6. Талабалар иш ўрганиш амалиётини Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида тузилган йўриқнома асосида шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ўтказадилар.

Прокуратура раҳбарияти талабаларга олий ўқув юртларида олган назарий билимларини амалиётга тўғри тадбик этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб беради, иш ўрганиш амалиётини йўриқнома асосида ташкил этилишини таъминлайди, уларга тажрибали раҳбар ходимлардан мураббийлар тайинлайдилар, шу билан бирга талабаларнинг шахсий ҳислат, ишчанлик қобилиятлари, танлаган касбларига муносабатларини ўрганиб, бу ҳақда иш ўрганиш амалиёти тугагандан кейин 5 кун ичида тавсиянома тузиб, уни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича (катта) ёрдамчилари орқали республика прокуратураси кадрлар бошкармасига юборади.

7. прокурорларнинг кадрлар бўйича (катта) ёрдамчилари ҳар йили иш ўрганиш амалиётини умумлаштириб, уни аттестация комиссияси ёки прокуратура раҳбарияти ҳузуридаги тезкор йиғилиш муҳокамасига киритади.

8. Охириги ўқув йилининг бошида республика прокуратураси кадрлар бошкармаси томонидан талабаларнинг шахсий ҳислат, назарий билим, ишчанлик қобилиятлари ва прокуратура идораларида ишлашга булган кизикишлари ҳисобга олинган ҳолда прокуратура идораларига ишга қабул қилиш учун танлаб олинади.

9. Бу талабалар республика прокуратураси кадрлар бошкармаси томонидан бериладиган йўлланмага асосан тегишли тиббий муассасадан кўриқдан ўтказилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган, тиббий муассаса томонидан прокуратура идораларида ишлашга нолойик деб топилган, муқаддам судланган ёки жиноий жавобгарликка тортилган ҳамда бошқача тарзда шаънига доғ тушганлиги ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд булган ёхуд амалдаги қонунларда кўрсатилган яқин қариндошлари оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланган талабалар прокуратура идораларига ишга қабул қилинмайди.

11. Олий юридик ўқув юртини битирувчилари «Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлирини тамомлаган ёш мутахасисларни алоҳида тақсимлаш» Низомида кўрсатилган тартибда ишга юборилади.

12. Республика прокуратураси кадрлар бошкармасининг масъул ходими битирувчиларни ишга тақсимлаш комиссияси фаолиятида иштирок этади, талабаларнинг шахсий ҳислат, назарий билим ва бошқа хусусиятларини белгиловчи ҳужжатлар билан танишиб, улар билан суҳбатлашади, битирувчини прокуратура идораларига ишга қабул қилиш мумкин деган фикрга келса, бу ҳақидаги хулоса билан тегишли ҳужжатларни республика прокуратураси раҳбариятига тақдим этади.

13. Прокуратура идораларида ишлаш учун танлаб олинган талабалар ҳақида қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт:

- ўз кўли билан тўлдирилган сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 6x4, 3x4 ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- олий ўқув юрти раҳбарияти томонидан берилган тавсиянома;
- ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган жойдаги шаҳар, туман ва уларга тенглиштирилган прокурорларнинг тавсифномаси;
- соғлиғи тугрисида тиббий хулоса;

- кадрлар бошкармаси томонидан ўтказилган текшириш ҳақидаги хулоса.

14. Республика прокуратураси раҳбарияти битирувчиларга оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, улар орасидан прокуратура идораларига ишга қабул қилинувчиларни танлаб, уларни прокуратура идораларига ишга тақсимлаш ҳақида комиссияга тақдимнома киритади.

15. Прокуратура идораларига ишга тақсимланган битирувчилар бу ҳақдаги гувоҳнома (йўлланма) ва диплом билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар бошкармасига юборилади.

16. Дипломни олмаган ёш мутахассислар фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан прокуратура идораларига ишга қабул қилинади.

17. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар бошкармаси прокуратура идораларига ишга тақсимланган ёш мутахассисларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглиштирилган прокурорлар ихтиёрига ишга жойлаштириш учун юборилади.

18. Ёш мутахассисларни иш жойларига етиб боришлари билан боғлиқ ҳаражатлар амалдаги қонун талабларига мувофиқ тўланади.

19. Йўлланмада юқоридаги прокурорлар ихтиёрига ёш мутахассисларнинг етиб бориш ва ишга тайинлаш муддатлари аниқ кўрсатилади.

Ёш мутахассислар йўлланмада кўрсатилган муддатда узрсиз сабабларга кўра белгиланган прокуратураларга ишга жойлашиш учун бормасалар, бу проғул ҳисобланиб, прокуратура раҳбарияти ёш мутахассисни республика Бош прокурорининг розилиги билан ишга қабул қилишни рад этиши мумкин.

20. Ёш мутахассис ишга тайинлангандан сўнг тегишли прокуратура раҳбари бу ҳақида 10 кун муддат ичида республика прокуратураси кадрлар бошкармасига тақдимнома юборади.

21. Олий юридик ўқув юртининг қундузги бўлимини битирган ва ўз хоҳишига кўра ишга жойлашиш ҳуқуқи булган ёш мутахассислар прокуратура идораларига 3 йилгача фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан ишга қабул қилинади.

Олий юридик ўқув юртининг кечки ва сиртки бўлимларини тамомлаганлар эса прокуратура идораларига «Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тугрисида»ги Низомига мувофиқ ишга қабул қилинадилар.

Уларга иш ўрганиш ҳам йўлланма билан ишга қабул қилинган ёш мутахассисларга иш ўргатиш дастури асосида ташкил этилади.

22. Ёш мутахассислар фақат шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бир йил (айрим ҳолларда аттестация комиссиясининг ҳулосасига асосан белгиланган 6 ойдан 1 йилгача булган кўшимча муддат) давомида иш ўрганадилар.

23. Ёшга мутахассисларга иш ўрганиш улар ишга тайинланганларидан бошлаб 10 кун муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари томонидан ҳар бир ёш мутахассиснинг билимини, қобилиятини ва кизикишини эътиборга олган ҳолда тузиладиган дастур асосида амалга оширилади.

24. Йўлланма билан ишга юборилган ёш мутахассиснинг ишга тайинланганлиги ҳақидаги тасдиқнома билан дастурнинг бир нусхаси маълумот учун республика прокуратураси кадрлар бошқармасига юборилади.

25. Шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги бўш турган прокурор ёрдамчиси ва терговси лавозимлари иш ўрганувчилар билан тўлдирилиши мумкин.

Бу ёш мутахассисларга ҳам белгиланган дастур асосида прокуратуранинг барча йўналишлари бўйича иш ўргатилади.

26. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитлари яратиб берилиши ва уларга иш ўрганиш дастур асосида ташкил этилишини назорат қилиб борадилар.

27. Прокурорларнинг кадрлар бўйича (катта) ёрдамчилари бир йилда камида 3 марта жойлардаги прокуратураларга бориб бевосита ёш мутахассислар (биринчи навбатда иш ўрганувчилар) билан суҳбат ўтказди, юқоридаги масалаларнинг бажарилишини ўрганади ва шар бир текшириш натижаси бўйича ўзлари бўйсунадиган прокурорларга ёзма равишда ахборот беради, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

28. Ёш мутахассисларга яшаш, ишлаш шароитларини яратиб берилишига ва иш ўрганишни дастур асосида ташкил этилишига, шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар шахсан масъулдир, уларнинг бу борадаги ҳисоботлари бир йилда камида бир марта тегишли прокуратураларнинг хайъат ёки аттестация комиссияси йиғилишларида эшитилиб, муҳокама қилинади.

29. Ёш мутахассисларга улар иш ўрганаётган прокуратура раҳбарининг ўзи мураббийлик килиши ёки у томонидан прокуратуранинг бошка тажрибали ходимларидан бири мураббий этиб тайинланиши мумкин.

Мураббий иш ўрганувчи ёш мутахассис билан бирга дастурда кўрсатилган прокуратура йўналишлари бўйича ҳар ойда аниқ бажарилиши лозим булган тадбирлар режасини тузади, режа мураббий ва иш ўрганувчи томонидан имзоланади, шу асосда иш ўрганувчи мустикал ишлашга ўрганиб борилади.

Режа мураббий ва иш ўрганувчи ёш мутахассис томонидан мураббий ва иш ўрганувчи шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кўриб чикиб тасдикланади ва унинг бажарилиши доимий равишда назорат килиб турилади.

30. ёш мутахассис иш ўрганиш бўйича тузилган режа асосида ҳар куни бажарган ишларини кундаликка ёзиб боради.

Иш ўрганиш муддати тугаши билан эса дастур юзасидан бажарган ишлари ҳақида ҳисобот тайёрлаб, уни ўзи иш ўрганган прокуратура раҳбарига такдим этади.

31. иш ўрганувчи ёш мутахассислар прокурор-тергов ходимлари билан ўтказиладиган конференция ўқув ва амалий машғулотларга тўла жалб килинади.

32. Иш ўрганувчилар аттестациядан ўтиб, мустикал лавозимга тайинланганларидан кейин ҳам тегишли шаҳар, туман прокурорларининг бевосита раҳбарлигида уларга ўзлари хизмат килаётган прокуратура йўналишини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг малакасини ошириб бориш юзасидан чоралар кўрилади.

Шу мақсадда ҳар 3 ойда бир марта уларга алоҳида топшириқлар берилади, бир йилда камида 2 марта эса улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратура маҳкамаларига иш ўрганиш учун чакирилади.

Бундан ташқари қорақалпоғиятон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва улрга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича (катта) ёрдамчилари бошка булим (бошқарма) бошликлари, криминалист прокурорлар билан ҳамкорликда ёш мутахассисларга (шу жумладан иш ўрганувчиларни жалб килган холда) бир йилда камида 3 марта прокуратуранинг асосий йўналишлари бўйича алоҳида ўқув машғулотлари ўтказилишини ташкил этади.

III. Бошка коидалар.

33. ёш мутахассислар прокуратура идоралари ходимларининг барча ҳуқуқ, имтиёзларидан фойдаланади ва бурчларини бажаришга мажбур.

Улар амалдаги конун талабларига мувофик уй-жой билан таъминланади.

34. Ёш мутахассислар иш ўрганиш даврида бир прокуратурадан бошқа прокуратурага, 3 йилгача эса прокуратура идоралари маҳкамаларига факат (катта) терговчи лавозимидан бошқа вазифага ўтказилмайди.

35. Ёш мутахассислар “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тугрисида”ги Низомга асосан рағбатлантирилади ва интизомий жавобгарликка тортилади.

36. Йўлланма билан прокуратура идораларига ишга қабул килинган ёш мутахассисларни прокуратура идораларидан бўшатиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан амалга оширилади.

37. Бир йиллик иш ўрганиш муддати тугагандан сўнг ёш мутахассислар “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Олий аттестация комиссияси, аттестация комиссиялари ва прокурор-тергов ходимларини аттестациядан утказиш тартиби тугрисида”ги Низомда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади.

Иш ўрганувчи ёш мутахассисларга аттестация лойиҳасини тегишли шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тақдим этади.

Комиссия мажлисида мураббий иштирок этиб, ёш мутахассиснинг шахсий ҳислат, ишчанлик қобилиятлари ҳақида фикрини баён қилиши мумкин.

Аттестация комиссияси ёш мутахассиснинг лойиҳа юзасидан фикрини ва иш ўрганиш дастурининг бажарилиши бўйича ҳисоботини эшитиб, унинг билиминини, дунёқараши ва берилган саволларга жавобини баҳолайди.

38. Комиссия ёш мутахассис иш ўрганиш дастурини қоникарли бажарган, мустақил ишлашга тайёр дастлабки даражали маҳсулот унвонга муносиб деган хулосага келса, ёш мутахассис шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ёрдамчи ёки шу прокуратураларнинг терговчиси лавозимига тайинланади ва у тантанали равишда прокурор-тергов ходимларининг қасамёдини қабул қилади ҳамда унга берилган дастлабки даражали маҳсус уновн топширилади.

39. Агар аттестация комиссияси ёш мутахассис иш ўрганиш дастурини тулик бажармаган ва мустақил ишлашга тайёр эмас деган хулосага келса, ёш мутахассисга 6 ойдан 1 йилгача кўшимча синов муддати беради, бу муддат тугагач, у қайтадан аттестациядан ўтказилади, комиссия яна юқоридаги хулосага келса, бу ҳақида прокуратура раҳбари Ўзбекистон Республикаси

Бош прокурорини хабардор қилиб, унинг розилиги билан ёш мутахассисни ишдан бўшатади.

40. Ёш мутахассиснинг иш ўрганиш даври меҳнат стажига қиради.

41. Ёш мутахассиснинг хомиладорлик, туғиш, болани парваришлаш таътилларига чиқиши, ҳарбий хизматга чақирилиши, касаллиги ва бошқа узрли сабабларга кўра узок муддат ишда бўлмаган даври иш ўрганиш муддатига қирмайди.

42. Ёш мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тугрисида»ги қонунига мувофиқ ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

43. Хизматни ўтаб қайтганларидан сўнг ёш мутахассислар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан аввал эгаллаб турган лавозимларидан паст бўлмаган иш билан таъминланишлари шарт.

44. Ёш мутахассиснинг ҳарбий хизматда булган даври меҳнат стажига қиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг **1993 йил 30 апрел 3-сонли «Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш тугрисида»ги буйруғи** билан прокуратура органларида ишга қабул қилиш ва улар ўз хизмат фаолиятини амалга оширишларини тартибга солади. Мазкур буйруқга биноан прокуратура органларига ишга қирган ёш ходимлар 3 йил мобайнида (1 йил стажёр) ёш мутахассис бўлиб ҳисобланади ва унга тажрибали прокурор ходим мураббийлик қилади.

Ушбу буйруқда яна қуйидагилар мустаҳкамланган:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси хайъатининг аъзолари бошқарма ва булим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси қуролли қучларидаги ҳарбий, Ўзбекистон транспорт, шаҳар, район прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар республикада инсонпарвар демократик ҳукукий давлат барпо этишда, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларнинг устиворлигини таъминлаш принципларини амалга ошира бориб, иктисоднинг янгича бошқариш усуллари, бозор муносабатларига ўтишда прокурор назорати ва тергов фаолиятининг барча йўналишларида туб ўзгаришлар утқизиш.

Прокуратуранинг барча тармоқларига «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ва номенклатура ҳақидаги буйруқдан қелиб қикқан ҳолда етук, ўз нуқтаи назарида тура оладиган, ҳалол ва виждонли, қонунчилик ва ҳукукий

тартибни мустаҳкамлаш дастурларини ҳаётга тадбиқ қила оладиган ходимлар тайинлашга эришиш.

1.1. Кадрларни ўз хизмат бурчига садоқат ва сидқидиллик, маънавий юксаклик руҳида тарбиялаш борасида ғамхўрлик қилиш. Уларни касбига фидойилиги, амҳорати амалий ишда синалсин ва баҳолансин. Ўз хизмат бурчини бажаришга ижодий ёндашиш ҳислатлари уйғотиш муҳитини яратиш. Ҳар бир жамоада талабчанлик, ўзаро ҳурмат, байналминалчилик, кўллаб-қувватлаш, юксак маданиятчилик ва унумли меҳнат учун шароит яратилсин. Ходимларнинг куч-ғайрати конун бузилишининг олдини олиш ва уни бартараф қилишга алб қилиш.

Касб маҳоратларини ошириб бориш, амалий масалаларни хал қилишда катъийятлик курсатиш, маҳаллийчилик таъсирини кескин енгиб, конунни ҳар қандай бузилишларга нисбатан муросасизлик билдириш қобилиятлари ходимларга баҳо бериш мезони деб белгилаш.

Виждонан меҳнат қилаётган ходимларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш. Даражали унвонлар бериш хизмат бурчини бажаришда эришган ҳақиқий ижобий натижаларга қараб амалга ошириш. Интизомий чоралар а алодатли куллаш.

Прокуратура ходими деган юксак номни бадном қиладиган хатти-ҳаракат ва конунчиликни бузиш прокуратура органларида ишлашга лойиқ келмайдиган ҳолат деб ҳисобланиб, жазосиз қолмаслик.

1.2. Кадрларни тарбиялаш ва прокурорлик назоратининг унумдорлигини оширишда аттестация комиссиясининг тутган ўрни, аҳамияти кучайтирилсин, аттестация комиссиясининг диққат маркази ходимлар фаолиятида аниқланган ижобий тажрибани оммалаштиришга, камчиликларни ҳаққоний бартараф қилиш.

1.3. Раҳбар кадрлар билан ишлашда асосий эътибор район ва шаҳар прокурорларига қаратиш. Уларнинг таркиби, сифатининг яхшиланишига эришиш, янги тайинланган раҳбарларга доимий равишда ёрдам бериб бориш.

Раҳбарнинг давлат тилини етарли даражада билмаслиги, республикамиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга бепарволиги, меҳнатни янгича ташкил қилиш ва уни самарадорлигини оширишда, ижобий натижаларга эришиш учун иш услуби ва шаклини ўзгартиришдаги қобилиятсизлиги-эгаллаб турган лавозимига нолайиқ деб баҳолаш.

1.4. Заҳира ишлари кескин яхшилансин. Шу мақсадда кадрлар доимо ўрганиб бориши, бу борада аттестация комиссияларининг фаолиятларидан кенг фойдаланиш. Заҳирага энг қобилиятли, серғайрат ходимларни киритиш, уларнинг билимдонлик ва ишчанлик малакаси доимо ошириб борилиб, раҳбарлик ва ташкилотчилик маҳоратига ўрганишни амалга ошириш. Заҳира

ҳаёт мажлисларида тасдиқлаиб, жонли ва доимо ҳаракатда олиб бориш. Нолойик ҳаракатлар содир этганлар ундан чиқарилиши йўлга қўйилсин ва ҳаққоний тарзда тадбир этиш.

Ходимларни лавозимларга тайинлашда тажрибага эга булган ҳамда ёш кадрлар мутаносиб тарзда танлаш.

Шахар ва район прокурорлари лавозимларига, коида тарикасида, прокуратура органларида камида беш йил ишлаётган муносиб ходимлар тайинлаш. Бу ишда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралари маҳкамаларида хизмат килаётган ходимларга имтиёз бериш.

Конституциявий прокурорларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш Республика Бош прокурорининг конун билан белгиланган ваколоти доирасида амалга оширилиб, уларни бир жойда 2 муддатдан ошиқ ишлашга, маҳаллий ҳокимиятларнинг аралашувига йўл қўйилмалик.

1.5. Раҳбарларни лавозимларидан озод қилиш, коида сифатида, бир вақтда шу лавозимга бошқа ходимни тайинлаш билан амалга ошириш. Узок вақт лавозимлар бўш қолиш ҳолларига барҳам бериш.

Ходимларни ишга қабул қилиш, юкори лавозимга тайинлаш, вазифасидан озод қилиш ва прокуратура органларидан бўшатишда синчковлик билан конун асосида иш тутиш.

Прокуратура ходимларига улар фаолият кўрсатадиган ҳудудда оила аъзолари билан яшаш учун шарт-шароитлар яратиб бериш.

Оилавий ахволи ёки бошқа узрли сабаблар билан бошқа жойга кўчиб кетиш зарурати туфайли ишдан бўшатиш тугрисида ариза берган ходимларни прокуратура органларидан бўшатмасдан ёрдам бериш чораларини куриш.

1.6. Кадрлар билан ишлашнинг ахволи, аввало конун бузилиши ва жинойтчиликка қарши кураш зарур даражада таъминланмаётган прокуратураларда ўрганиш. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун зарур тадбирлар куриш.

Хайъат мажлислари ва тезкор кенгашларда кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялашга оид масалаларни доимий равишда конунчилик ва ҳуқуқий тарғиботни мустаҳкамлашда кўлга киритилган ҳақиқий натижалар билан боғланган ҳолда кўриб чиқишни йўлга қўйиш.

2. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг раҳбарлари ходимларнинг касб маҳоратини ошириш ишларини тубдан янгилаш. Бу ишда уларнинг ўзлари шахсан раҳбарлик қилишларига эришиш.

2.1. конунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази кадрларни қайта тайёрлашнинг

самарадорлигини оширишга катта эътибор бериш. Ўқитиш ишлари прокурор-тергов амалиётидан келиб чиқадиган вазифалар билан боғлаб, фан ва илғор ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолга олиб бориш.

3. Вилоят прокурорлари ёш мутахассислар билан ишлашга алоҳида эътибор бериш. Уларга тажрибали ходимлардан мураббийлар тайинланиб, прокурорлик фаолиятининг барча тармоклари бўйича мустақил ишга ўрганишларини таъминлаш. Иш ўрганиш даврида бир прокуратурадан бошқасига утказиш ва 3 йилгача маҳкамага ишга қабул қилишга чек қўйиш.

3.1. Прокуратура идораларида лавозимга биринчи марта тайинланган ходимларнинг касамёд қабул қилишлари ва прокурор-тергов ходимлари иш вақтида хизмат қийимида юришларини таъминлаш.

3.2. Юридик олий ўқув юрти билан ижобий алоқалари янада мустаҳкамлаш, прокуратура органлари учун мутахассислар тайёрлашга таъсир кескин ошириш.

3.3. Прокуратура органларига ишга қабул қилишда жамоатчи-ёрдамчиларнинг тутган ўрни ва мавқеини ошириш.

4. Прокурор-тергов фаолиятининг ижобий тажрибаси мунтазам ўрганилсин ва ҳаётга тадбиқ қилиш, энг яхши прокурор ва терговчиларнинг иш фаолияти оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.

5. Прокуратура органлари тармоқларининг кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бошқарма, булимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси қуроллик кучларидаги ҳарбий, Ўзбекистон транспорт прокуратуралари раҳбарларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланиб, уларга мазкур буйруқнинг бажарилишини таъминлашни юклатиш.

6. Буйруқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, барча ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган, шаҳар ва район прокуратураларига юбориш.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг кадрлар бошқармасига юклатиш

Прокуратура органларида хизмат қилаётган ходимлар ўз касбий фаолиятлари давомида ўз хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганлиги, ташаббускорлиги ва ишдаги эпчиллиги учун рағбатлантириладилар. Рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тугрисида» Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Рағбатлантириш: ташаккурнома, пул мукофоти, совға, кимматбаҳо совға белгиланган муддат тугамасдан навбатдаги даражали

унвон бериш, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишонини бериш каби турлари мавжуд.

Интизомий жазолар эса: ўртача ойлик иш ҳақининг 40 % дан бўлмаган миқдорда жарима солиш, хавфсан, меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ушбу интизомий жазолар прокуратура-тергов ходимларига шунингдек прокурор, прокуратурага қаршли ўқув, илмий ва бошқа муассасаларнинг ходимлариг нисбатан ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд прокуратура ходими деган номга доғ туширадиган ноҳўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ишни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2000-йил 25 декабрь куни қабул қилинган 830-сонли

«Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идораларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тугрисида»ги Буйруғи асосида тасдиқланган «Йўриқнома» қатта аҳамиятга эгадир. Ушбу йўриқномада умумий қоидалар, хизмат ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштириш қоидалари, ҳужжатларни юбориш, тасдиқлаш, сана, индекс, рақам, сарлавҳа, рақамлаш, иловалар, имзо, айрим турдаги ҳужжатларни расмийлаштириш, матнга булган талаблар, телеграмма ва телефонограммаларни (шошилиночномаларни) расмийлаштириш, ҳужжатларни қабул қилиш, уларни рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиблари, жўнатиладиган ҳужжатларни ишлаш тартиби, ҳужжатни ижрога бериш тартиби, ҳужжатларни рўйхатдан утқазининг умумий қоидалари, фуқароларнинг мурожаатларини рўйхатдан утқазиш, жиноятлар ҳақидаги хабар ва аризаларни рўйхатдан утқазиш, ўрганиш учун чақириб олинган фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий ишларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш тартиби, бошқа ҳужжатларни рўйхатдан утқазиш, ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил қилиш, ҳужжатларни машинкада босиш қоидалари, ҳужжатларни кўпайтириш ва нусха кўчириш тартиби ҳақида, ҳужжатлар йиғма жилдлари номенклатурасини тузиш ва ҳужжатлар йиғма жилдларини шакллантириш тартиби ҳақида, ариза, шикоятлар, шунингдек, фуқаролик, хўжалик ишлари ва махсус хабарлар юзасидан назорат ишларини шакллантириш ва расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларни идоравий архивга топшириш тартиби, ҳужжатларни сақланишини таъминлаш, ҳужжатларнинг муҳимлик қийматини экспертиза қилиш ва уни ташкил қилиш тартиби, муҳр ва штамплардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва ҳисобини юритиш тартиби тугрисида, прокурор ва терговчиларнинг ишини ҳисобини юритиш тартиблари берилган бўлиб, бутун прокуратура идоралари тизими ушбу Йўриқнома асосида ўз ишларини юритадилар.

## **Прокуратурада ишларни режалаштириш.**

Прокуратура органлари олдида турган конунларнинг аниқ ва бир ҳолда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда ишларни замонавий ва сифатли режалаштириш асосий аҳамиятга эга.

Режалаштириш - конунчиликнинг бугунги ҳолатини ва келгусини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Режалаштириш прокуратура фаолиятини аниқ ва равшан ҳолда аниқ бир мақсадга мувофиқ бўлиши учун қўлланилади. Режалаштириш ишнинг аниқ куринишларини белгилашда, кучларнинг тўғри таксимланиши ҳамда, имкониятлардан максимал даражада фойдаланишда ва конунийликни ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Назорат қилувчи органлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ҳоказолардан талаб қилиб олинган ахборот материаллари режалаштириш учун база бўлиб хизмат қилади. Режалаштириш ишлари аниқ бир туман, вилоят ва республика миқёсида уларнинг шарт-шароитларига қараб амалга оширилади.

Айтиб ўтганимиздек режалаштириш аниқ бир ҳудудда тузилади, бироқ туманда тузилган режалаштиришдан вилоят прокуратурасида тузилган режалаштириш фарқ қилади, масалан, агар туман прокуратурасининг режасида конуннинг ижросини текшириш вазифаси қўйилса, вилоят прокуратурасининг режасида эса, ижрони ташкил этиш йўллари ифода этилади. Прокуратура органларида ишларни ташкил қилиш режали тартибда амалга оширилади. Ишни режали тартибда амалга ошириш юқори турувчи прокуратура томонидан қўйи турувчи прокуратура органлари фаолиятини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга бунинг учун эса Республика Бош прокурори томонидан тасдиқланган режа асос бўлади.

Курииб турибдики режалаштириш юқоридан пастга қараб боради, яъни вилоят прокуратурасида тузилган режалаштириш туман прокуратураси учун мажбурий характер касб этади. Ҳозирги вақтда туман прокуратураларида режалаштиришнинг аксарият қисми вилоят ва республика прокуратурасида тузилган режаларнинг қелиб тушганидан кейин амалга оширилади. Юқори органларнинг режаларида, қўпинча, аниқ бир туман (шаҳар) прокуратураси амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар баён этилган бўлади.

Режалаштиришда бир қатор масалалар, йўللар белгилаб олинади, чунончи:

- биринчи навбатда ҳал қилинадиган муаммолар ҳамда маълум бир вақт давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

- Мазкур муаммоларни хал килиш учун керакли бўладиган дастур ишлаб чиқилади ва ана шу дастур асосида назорат олиб борилади.

- Белгиланган режа асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турилади.

- Амалга ошириладиган ишларни ва белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши устидан жавобгарликни белгилайди.

- Прокуратура органларида ишни ташкилий режали асосда ташкил қилади.

Куришиб турибдики, режалаштиришда хал этилиши зарур булган прокурор назоратига дахлдор масалаларгина эмас, балки белгиланган мақсадларни бажариш бўйича чора-тадбирлар дастурини аниқлаш, прокуратуранинг бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамжихатлик қилиш шакллари, ишлаб чиқилган чора-тадбирларни белгиланган муддатда бажариш учун шахсан масъул шахсларни белгилаш ҳам кўзда тутилади.

**Прокуратура органларида режалаштириш 2-хилда бўлади:**

**Жорий режалаштириш** - бунда ҳар ой, ҳар чорак, 6 ойда ёки бир йил давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

**Истикболли режалаштириш**- бу 3-5 йилга мўлжалланган режалаштириш бўлиб прокуратура органларининг келгуси фаолият йўналишлари олдиндан белгилаб олинади.

Режалаштиришни тузувчи масъул шахслар ушбу ҳаракатни амалга ошираётган вақтларида шаҳардаги вилоятдаги, Республикадаги жиноятчиликнинг ва қонунчиликнинг ахволини чуқур таҳлил этиб, ҳолда ўша ҳудуддаги шарт-шароитларни инобатга олиб ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим. Режалаштиришни тузишдан мақсад фақат амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб олишдан иборат бўлиб қолмасдан балки, режалаштириш асосида эришиладиган натижаларни ҳам ўз ичига олади.

Бош прокуратурада режалаштириш тузилаётган вақтда ҳудуддаги прокуратура органлари амалга ошириладиган тадбирлар тугрисида ўзларининг таклифлари билан чиқадилар. Бу таклифлар коллегиял орган томонидан кўриб чиқилиб кейинчалик аниқ бир жорий ёки истикболли режалаштириш тузилади, ҳамда ушбу режалаштириш вилоят ва туман прокурорлари томонидан бажарилиши лозим бўлади. Бундан ташқари вилоят ва туман прокурорлари ўз режаларида, яъни ишларни режалаштиришда ўша ҳудуд учун мақбул булган чора-тадбирларни ҳам киритишлари мумкин.

Прокурорлар режалаштиришни тузаётган вақтларида асосий эътиборни жамиятнинг «заиф» нуқталарига қаратишлари керак, мисол қилиб, маълум бир туманда вояга етмаганлар томонидан жиноятчиликнинг содир

этилишининг ўсиб бориши; . . . бундай ҳолларда прокурор режалаштиришда вояга етмаганлар билан ишлаш чора-тадбирларини кучайтиришлари лозим.

Режалаштириш прокуратура органларининг факатгина бир булимига эмас, балки бир неча булимининг зиммасига юклатилади, мисол килиб, 3-4 булимнинг хукукбузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиётини умумлаштириш-прокурорлик назорати булими-корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ташки муҳитни ҳимоя қилиш тугрисидаги қонунларнинг ижроси устидан прокурорлик назорати амалиётини умумлаштириш; тергов булими – экология тугрисидаги қонунлар қўпол равишда бузилганлиги муносабати билан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тергов ва суриштирув устидан прокурорлик назорати амалиётини умумлаштириш; жиноят ишларини судларда қўриб чиқишда иштирок этиш булими – экология тугрисидаги қонунларнинг бузилганлигига доир жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг қай даражада қонуний эканлигини таъминлаш амалиётини умумлаштириш . . .

қўйи турувчи прокуратураларда, асосан туман, шаҳар прокуратураларида режалаштиришнинг сифатли бўлишлиги ва мақбул бўлиши ҳамда ижро этилганда қийинчиликларсиз бажарилиши учун режалаштириш А.П.Сафановнинг фикрига қўра юқори поғонада турувчи прокуратура органи режа тузишдан олдин қўйи прокуратура органларининг муайян масала юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини сўраб олиши, сўнгра қўйдан келган таклифлар асосида юқоридан пастга қараб режалаштириш лозим. Режалаштиришнинг муваффақиятли бўлиши прокуратура органи раҳбарлари режалаштиришда қўзланган масалалар ва амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг устидан доимий назорат олиб боришларидадир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 25 август кунги 8 сонли «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ишни ташкиллаштириш ва ижрони назорат қилишни такомиллаштириш ҳақида»ги бўйруқнинг бўйруқнинг 4-бандида «Алоҳида эътиборни ишни режалаштиришга қаратилсин. Бу жабҳага қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан қўчларни бирлаштириш, хукукубузарликлар билан курашни такомиллаштиришнинг самарали воситаси деб қаралсин. Хукукий давлатнинг барпо этилиши, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шаротида қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётни ислоҳот қилиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳукукларини турли тажовулардан муҳофаза қилишга йўнатилтирилган фармон ва қарорларнинг ижроси устидан назорат қилиш асосий йўналиш деб ҳисоблансин.

Режа лойихаларини тайёрлашда республика ва вилоят прокуратуралари аппаратларининг диққати бўйсунувчи органлар устидан раҳбарликни такомиллаштиришга, прокуратура органларининг иктисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан кураш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриклаш борасидаги имкониятларини бирлаштиришга қаратилсин» дейилган.

**Ижро устидан назорат ва раҳбарлик** бевосита прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишлардан бири ҳисобланади. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик доимий ва ҳаракатланувчи бўлиши керак. Бунинг учун эса раҳбар ходимлар-прокурорлар масъулдирлар. Ижро устидан назорат мамлакатдаги қонунчилик устидан аниқ ва бир ҳамда прокурорлик назоратини олиб боришни таъминлайди. Бунда Бош прокурор томонидан чиқарилган буйруқлар асосий урин тутати. Буйруқлардаги ҳарактурли томон шундаки, амалга ошириладиган тадбирлар устидан назорат олиб бориш аниқ бир бўлим раҳбариятига юклатилиши.

Бош прокуратура ижро устидан назоратни олиб боришда ҳамма бўлим ва бошқармалар жалб қилинган, бу уринда прокуратура органларининг бўлим бошқарма бошлиқлари асосий рол ўйнайдилар, чунки уларнинг ўзи назорат тизимини бошқариб борадилар. Ижро устидан назоратни мувофиқлаштиришда мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилади.

Ижро устидан назорат қилишнинг энг мақбул шакли бу ёзма ҳисоботлар ёки оғзаки докладлар қайсики бажарилиши лозим бўлган ишлар ва топширик қай даражада бажарилганлигини ақс эттирмоғи лозим.

Назорат қилишнинг яна бир шакли ижронини жойида текшириш. Ушбу шаклнинг ижобий тарафлари шундаки, ижронини жойида текширилганда ижронини кечиктирган ёки унинг бажарилишига тўсиқлик қилган ҳолатларни аниқлаб қолмай, балки уларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўрсатади.

Назорат қилишдан асосий мақсад-прокуратура идоралари томонидан олиб бориладиган ижро устидан назорат ва раҳбарлик қилишда қонунлар ва Бош прокурорнинг буйруқ ва қўрсатмаларини ижросини яхлит амалга ошириш, ҳамда уларнинг қўғозда қолиб қетмаслигини таъминлаш.

1. Қўрақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон ҳарбий ва транспорт прокурорлари аппаратларининг ташкилий иши прокуратура фаолиятини такомиллаштириш, қўйи органлар устидан раҳбарлик қилишни яхшилаш, прокурорлик назоратининг асосий йўналиқларидаги фаолияти ва самарадорлигини юксалтириш, қўнунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришишга йўналтириш.

Ташкилий-назорат тармоқларининг аппарат ва қуйи органлар ишини тубдан янада такомиллаштиришда янги часига раҳбарлик қилиш усулларини ишлаб чиқариш, прокурор-тергов ходимларнинг касб маҳорати ва маданиятини яхшилаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасидаги иштироки ва таъсирини ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва ҳарбий прокуратуралари хайъатларининг таркибига прокурорларнинг ташкилий-назорат ва таҳлилоти бўйича катта ёрдамчиларини киритиши ҳарар деб ҳисоблаш.

2. Ташкилий-назорат хизматчилари асосий эътиборни тармоқлар орасидаги ҳамжихатликни ўрнатишга, бошқарма ва бўлимларнинг қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботнинг долзарб муаммоларини ҳал этишдаги соҳалараро тарқоқлик ва тор доирадаги иш юритишни бартараф этишга қаратиш.

Предметлилик принципини тиклаш ва тадбиқ этиш долзарб масала деб ҳисоблансин. Ишни предметлар бўйича ташкил қилиш муттасил равишда текшириб бориш, бу ишдаги сустқашликка нисбатан қатъий чоралар қўрилиб, йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан тақлифлар тайёрлаб прокуратура хайъатларига киритиш.

Таркибий тармоқларнинг қомплекc ёндашувини талаб қилган бошқа масалалар борасидаги ҳамжихатликни доимий назорат остига олиш.

3. Асослангирилган қарорларни ишлаб чиқариш мақсадида масалаларни хайъат муҳоқамасига пухта тайёрлашга, тақдим этилаётган ҳужжатларнинг сифатига талабни қучайтириш, юзақи тайёрланган ҳужжатларни қайтадан тайёрлаш учун юбориш. Ижроқилардан қарорларнинг лойиҳалари ишларининг аҳволига, мансабдор шахсларнинг фаолиятига берилган баҳоқларнинг мужассамлиги, аниқ вазиқаларни, уларни бақариш услублари ва муҳлатларини белгилаши талаб қилиш.

қабул қилинган қарорларни бақаришни ташкиллаштириш устидан доимий назоратни амалга ошириш, натижалари ҳақида хайъатга даврий равишда аҳборот бериб бориш. Зарур бўлганда аппаратдаги тармоқлар ва қуйи прокурорлар фаолиятида мавжуд бўлган қамчиликларни бартараф қилиш масаласини қўйиш. Даврий равишда хайъат иши умумлаштирилиб, уни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритиш.

4. Алоҳида эътиборни ишни режалаштиришга қаратиш. Бу жабҳага қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан қучларни бирлаштириш, ҳуқуқбузарлар билан қурашни такомиллаштиришнинг самарали воситаси деб қаралсин. Ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси

Президенти, вазирлар Маҳкамасининг иктисодиётни ислоҳот килиш, ижтимоий-сиёсий вазифтни барқарорлаштириш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини турли тажовузлардан муҳофаза килишга йўналтирилган фармон ва қарорларининг ижроси устидан назорат килиш асосий йўналиши деб ҳисоблаш.

5. Режа лойиҳаларини тайёрлашда Республика ва вилоятлар прокуратуралари аппаратларининг диққатига бўйсунувчи органлар устидан раҳбарликни такомиллаштиришга, прокуратура органларининг иктисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан кураш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриклаш борасидаги имкониятларини бирлаштиришга қаратиш. қонунчилик ахволдан келиб чиқмайдиган умумлаштирув ва текширувларга йўл кўймаслик.

Таркибий тармоқларнинг раҳбарлари қонунлар, республика Президенти фармонларининг талаблари, фуқароларнинг қонунбузарликлар ҳақидаги мурожаат ва хабарларининг мазмуни тергов натижалари ва назорат идораларининг тадбирлари ҳамда жойлардаги ҳақиқий аҳволга асосланган таклифлар киритиш.

Ташкилий-назорат ва таҳлиллот тармоқларининг ходимлари режавий интизомий бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текширувини ўтказиб, раҳбарият олдига айбдор ходимларни жазолаш масалаларини кўйишлари лозим.

6. қуйи прокуратураларнинг иш доирасини чегаралаб кўйиш ва қўғозбозликка қарши курашни кучайтириш. қуйи прокуратураларга бўйруқ, қўрсатма, режалардан ташқари топшириқлар, хат ва хабарларни юбориш юзасидан республика Бош прокурори томонидан ўрнатилган тартибга оғишмай риоя килиш. Мазкур ҳужжатларни юбориш ҳайъат муҳокамасидан ўтган бўлиши ёхуд прокуратура раҳбарияти билан келишилган бўлиши шарт.

7. Республика прокуратурасининг барча тармоқларини қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малақасини ошириш маркази билан биргаликда ишни ташкил килишнинг илғор тажрибаларини аниқлаб жойларга тарқатиш.

8. Аппарат тармоқлари ва қуйи прокуратураларда ишни ташкил килиш ва ижро интизомининг ахволи муттасил равишда текшириб бориш. Хизмат мажбуриятларини бажариш, ишни ташкил килиш ва назоратни амалга оширишда аниқланган барча камчиликлар бўйича уларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф килиш чораларини куриш. Ташкилий-назорат тармоқларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш, ишни ташкил килиш ва назоратни амалга оширишда аниқланган барча камчиликлар бўйича уларнинг сабабларини аниқлаб, бартараф килиш

чораларини куриш. Зарур ҳолларда тегишли ходимлардан прокуратура раҳбарлари номига ёзма тушунтириш талаб этиш.

9. куйи прокуратураларни текширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг талабларига катъий риоя килиш. Текширув гуруҳларига малакали вазиятни, давлат тилини биладиган ходимларни киритиш. Бу гуруҳларга прокуратура раҳбарлари, хайъат аъзолари ва тармок бошликларининг раҳбарлик килиш. коида тарикасида прокуратура фаолияти тулик ҳажмда ялпи текширилиб, натижалари мукаддам аниқланган нуксонлар юзасидан қабул килинган қарорларни ҳисобга олган ҳолда ҳолисона кўриб чиқиш.

куйи прокуратураларга чиқишда алоҳида эътибор мураккаб шароитда ишни ташкил килишда ёрдам беришга, қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал килишга янгича ёндошишга, уларни бошқа прокуратураларга ҳам тадбиқ этишга қаратиш. Ишни ташкил килиш, республика Бош прокурорининг асосий буйруқларини ижро этиш масалалари юзасидан ўтказиладиган текширувларда фаолиштирок этиш, ташаббускор ходимлар аниқланиб, қўллаб қувватланиш ва бошқалар назарда тутилган.

**Ҳисоб ва ҳисобот.** Прокуратура идораларида ҳисоб ва ҳисобот масаласи ҳам прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари билан бевосита боғлиқдир. Прокуратура органлари ягона марказлашган тизимни ташкил этиши мунсообати билан кўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият курсатиши принципини амал килиши прокуратура идораларидаги ҳисоб ва ҳисоботни юритилиш мезони айнан қандай бўлиши кераклиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда куйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият курсатиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўзларига юклатилган вазифа ва ваколатларни қандай амалга ошираётганликлари тугрисида доимий ва мунтазам равишда ҳар ойлик, ҳар чорак, ҳар ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни куйидан юқорига тақдим этиб турадилар. Юқори турувчи прокурор куйи турувчи прокурорга курсатмалар беришга ёҳуд унинг ҳар

кандай, шу жумладан процессуал карорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли эканлиги, ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тулик жавобгарлик принципини амал қилиши ҳисоб ва ҳисоботни тулик ва тўғри олиб борилишини кафолати ҳисобланади. Прокуратура фаолиятининг ҳар бир йўналиши ва фаолият тармоқлари бўйича туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳисобот берадилар. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар эса, ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ҳисобот берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 14-моддасида белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тугрисида - мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва ғавқулодда ҳодисалар тугрисида зудлик билан; прокуратура органлари амалга оширган ишлар тугрисида- ҳар олти ойда ахборот такдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 15-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ, Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар ва улар юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тугрисида ҳар йили ахборот берадилар.

**Жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.**

**Координация** ( лотинча coordinacio-сўзидан олинган) деганда «**мувофиқлик**», «келишувчилик», (координациялаш) мувофиқлаштириш деганда- иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрнатиш тушунилади. Бошқача қилиб, айтганда, лотинча –со- биргаликдаги, ordinacio- тартибга солиш деган маънони билдиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишувчилик асосида таъминланиши мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади жиноятга қарши курашувчи структураларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларини олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Предмети- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини енгиллаштириш, уларнинг умумий вазифалари, уларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳуқуқий, ташкилий, инфорацион ва бошқа восита, шакл ва услубларни таҳлил қилишдан иборат.

Координация натижаси жиноятчиликка қарши кураш борасида юқори чўккиларга эришиш ҳисобланади.

Бундай ваколатни қонун Бош Прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорларга беради.

Бу борада: Прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилади, туриш доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ўрганган ҳолад уларни бирлаштириш масаласини кўриб чиқади.

**Асосий йўналишлари:**

1. **Ўзаро таҳлил**- жиноятчилик ахволи унинг статик ва динамик ҳолати, тенденцияларнинг башарти (прогнози), жиноятларни аниқлаш,

тергов килиш, очиш, уни аниклаштириш ва олдини олиш борасидаги фаолиятлар. Бунда дастурлар ишлаб чикилади.

2. Жиноятчиликка карши кураш масаласи юзасидан информация хукукни муҳофаза килувчи органлар томонидан Президент, Олий мажлис ва ҳукуматга берилади.

3. **Умумлаштириш**-хукукни муҳофаза килувчи органлар томонидан хукукий тартибга солиш фаолияти юзасидан амалиётни бирлаштириб, таклифлар киритиш.

Унда куйидагилар иштирок этадилар:

Прокуратура органлари, ички ишлар, миллий хавфсизлик, солиқ, божхона, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга карши курашиш департаменти ва бошка хукукни муҳофаза килиш функцияси (суриштирув, дастлабки тергов, тезкор-кидирув, жиний судловда процессуал назоратни амалга оширувчи) мавжуд булган органлар катнашадилар.

**Координация куйидаги шаклларда амалга оширилади:**

- Хукукни муҳофаза килувчи органлар раҳбарлари иштирокида координацион кенгаш мажлислари утказиш.

- Жиноятга карши кураш бўйича жорий ахборот алмашуви;

- Ижобий тажрибани ривожлантириш мақсадида жойларга ўзаро ҳаракат килиш, текширув ва куйи турувчи органларга жиноятчиликка карши кураш юзасидан ёрдам бериш.

- Аник жиноятларни тергов килиш учун тергов-оператив гуруҳлар тузиш.

- Аник мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш, семинарлар, конференциялар утказиш, хавфсизлик чораларини куриш.

- Ўзаро қарорлар, буйруқлар, информация хат ва оинтировка ва бошка ташкилий ижро ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тўпламлар тузиш, ярим йиллик ва истикболли режалар тузиш. Бу мақсадга эришиш учун судлар билан ҳамкорлик килинади.

Ўзининг аҳамияти юзасидан йўналишлар-доимий ва динамикка бўлинади. Асос- ҳар бир ҳудуд, мамлакатдаги хукукий ҳолат.

Доимийга мисол килиб: Тегишли давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ хукукий актларини назорат килиши. Чунки улар фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига беовсита таъсир кўрсатади. Динамикка эса маълум давр ичида қонунчиликка таъсир килувчи муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ижро этиши устидан назорат. Масалан: меҳнат, уй-жой, пенсия ва фуқароларнинг бошка хуқуқлари.

Ижтимоий-иқтисодий, криминал ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб йўналишлар белгиланиши мумкин. Бу кўпинча Бош Прокурор буйруқлари ва йўриқномалари ва тасдиқланган низомларида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунини 8-моддаси Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш деб номлади. Унда баён қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор- кидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш- барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларида ташкил топади ва у бўлажак мажлисда тасдиқланади. Котибият таркибининг ўзгариши билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари янги номзод тақдим этади. Котибият жорий ташкилий ишларни амалга оширади; иш юритишнинг маҳфийлиги қоидаларига риоя этган ҳолда мувофиқлаштирув кенгаши ҳужжатларни расмийлаштирилишини олиб боради.

Котибият:

- мувофиқлаштирув кенгаши аъзолари ва тақлиф этилаётган шахсларни ўтказилажак мажлис ва унда кўриладиган ҳужжатлар лойиҳалари ҳақида хабар беради;

- мувофиқлаштирув кенгаши иши режаларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақлифларини йиғиш ва тайёрлашни ташкиллаштиради;

- режа лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

- мувофиқлаштирув кенгаши қарорлари ва режаларини бажарилишини умумлаштириш ва даврий таҳлил қилишни амалга оширади ва натижалари ҳақида мувофиқлаштирув кенгаши раисини хабардор қилади;

- кенгаш раисининг бошқа топшириқларини бажаради.

Агар ҳужжатлар лойиҳалари материалларни тайёрлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча ёки баъзи вакилларида биргаликдаги иштирокини талаб қилса, мувофиқлаштирув кенгаши раиси ёки унинг уринбосари қарори билан ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Бундай гуруҳ раҳбари этиб, тегишли прокуратура органининг вакили ҳисобланади.

конунчиликда жиноятчиликка карши курашда хукукни мухофаза килувчи орган тушунчаси туғридан-туғри белгиланмаган. Назария ва амалиётда тегишли давлат-хукукий структуралари фаолиятининг функционал тахлили асосида бундай органлар доирасини белгилашнинг йўли ишлаб чикилган.

Ушбу тахлилга асосланган холда жиноятчиликка карши курашувчи хукукни мухофаза килувчи органлар доирасига жиноятчиликка карши курашга йўналтирилган, бир ёки бир канча хукукни мухофаза килишга йўналтирилган функцияларни бажариш ваколатига эга булган тузилмаларни киритиш мумкин.

Жиноятчиликка карши курашда хукукни мухофаза килишга йўналтирилган функцияларга куйидагилар киради:

- оператив-кидирув фаолияти;
- жиноят ишлари бўйича суриштирув;
- дастлабки тергов;
- жиноят-процессуал ва оператив-кидирув фаолиятида конунларга риоя этилиши устидан прокурор ва суд назорати;
- жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш.

Хукукни мухофаза килиш функцияларига жиноий тажовузлардан ҳимоя килинадиган объектларни махсус ҳимоя килиш, бундай тажовузлар олдини олиш, жиноятларни содир килганлиги учун судланган, камокка олинган ёки ушлаб турилган шахсларни кўриклаш мақсадида махсус ташкил этилган махсус ҳарбий ва бошқа тузилмалар фаолиятини киритиш мумкин. Жиноятчиликка карши курашни мувофиқлаштиришда иштирок этувчи, хукукни мухофаза килиш функцияларни бажарувчи давлат органлари турлича номланиши мумкин. Баъзида улар қайта ташкил этилиши ва бундай функцияларни бирор-биридан махрум этилиши ёки қайта эга бўлиши мумкин.

Баъзи давлат хукукий тузулмалари учун хукукни мухофаза килиш функциялари асосий ҳисобланади. Бундай органлар одатда бир канча хукукни мухофаза килиш функцияларига эга бўлади. Масалан: ИИВ органлари оператив-кидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов функцияларни бажаришдан ташқари турли объектларни жиноий тажовузлардан ҳимоя килиш, жиноятчиларни ушлаш функцияларини бажаради. Хукукни мухофаза килиш функциялари баъзи органларнинг асосий фаолият турига кўшимча ҳисобланади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Давлат Чегараларини мухофаза килиш хизмати органлари оператив-кидирув фаолияти ва уларнинг юритувига кирувчи жиноят ишлари бўйича суриштирув ваколатларига эга. Бу органда хукукни мухофаза килиш

ваколатлари ёрдамчи бўлсада, вазифаларни лозим даярада бажарилишининг ажралмас элементи, шартидир.

Бундай органлар ваколатлари муайян соҳадаги ҳукукий мунособатларга ( солиқ, божхона) нисбатан амал қилади.

Жиноятчиликка қарши қурашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ҳамкорлиги суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниш тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Мувофиқлаштирувчи қенгашнинг адлия органлари ва судлар билан ҳамкорлиги қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- жиноятчилик ва судланганлик ҳолати ҳақида ўзаро хабардор этиш;
- суд статистикаси ва суд амалиёти материаллари маълумотларидан фойдаланиш;
- қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш;
- биргаликда семинарлар ва конференциялар утқазиш ва бундай тадбирларга юқори савияли мутахассисларни жалб қилиш;
- биргаликдаги ахборот хатлари, маълумотларни йўналтириш;
- Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумлари қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирув қенгаши мажлисларида суд вакиллари ва адлия органлари раҳбарларини иштирок этиши.

**Мувофиқлаштириш тамойиллари.** Жиноятчиликка қарши қурашиш органларининг фаолияти, мувофиқлаштиришда иштирок этувчи барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун мажбурий , меъёрий белгилаган асос манбаларга таянган ҳолда прокурорлар томонидан мувофиқлаштирилади.

Жиноятчиликка қарши қурашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш асосан **қонунийлик** тамойилига асосан амалга оширилади. Бу тамойил авваламбор прокуратуранинг ҳар бир органи, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва ҳар бир ходим жиноятга қарши қурашиш фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнини қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ва қонун асосида амалга оширилишини билдиради.

Мувофиқлаштиришнинг кейинги бир тамойили бу- **ўзаро ҳамкорлик** бўлиб, жиноятчиликка қарши қурашувчи органлар томонидан доимий равишда жиноятчиликка қарши қураш бўйича ўзаро тадбирлар утқазиш ва

биргаликда фаолият курсатиш ва самарали натижаларга эришиш ҳисобланади. Бу тамойилга асосан мувофиқлаштириш фаолиятининг барча иштирокчилари кенгашда кўриб чиқиш учун таклифлар киритиши, тадбирлар ишлаб чиқишда ва маслаҳатда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишади.

**Мустакиллик тамойилига** асосан ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мувофиқлаштириш кенгашининг қарори ва тадбирларини бажаришда мустакилдир. Бунда у ўз ваколатларини қонунда белгиланган ҳуқуқий мақоми бўйича, яъни тергов ва суриштирувига таалукли булган қонунлар, фаолиятини белгиловчи қоида ва низом, курсатма ва йўриқномалар асосида амалга оширади. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорининг ижроси учун ўзларига тегишли қисми бўйича мустақил жавобгар ҳисобланишади.

#### **Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари-**

- бу жинойтчилик ҳолатининг биргаликдаги таҳлили;
- унинг тизими ва динамикаси;
- жинойтчиликнинг ривожланиш суръатини белгилаш;
- жинойтни аниқлаш, тергаш, фош этиш, огоҳлантириш ва олдини олиш тажрибасини ўрганиш;
- жинойтчиликка қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва чет мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан битимлар тузиш ва келиб чиқадиган таклифларни ишлаб чиқиш тажрибасини умумлаштириш;
- чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ижобий тажрибаларини ўрганиш ва фаолиятда тадбиқ этишда ифодаланади.

#### **Прокуратура органларида ишни ташкил этиш.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонуни; қонун ости ҳужжатлари талаблари; Худудийлик ва Предметлилик принциплари асосида ўз фаолиятларини ташкиллаштириб, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкиллаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 25 август кунги 8 сонли «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ишни ташкиллаштириш ва ижронини назорат қилишни такомиллаштириш ҳақида»ги бўйруғи ишни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга.

### **Прокуратура органларида режалаштириш:**

**Жорий режалаштириш** – Ҳар бир ой, чорак ва ҳар 6 ойда ёки ярим йил давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

**Истикболли режалаштириш** - 3-5 йилга мўлжалланган режалаштириш бўлиб прокуратура органларининг келгуси фаолият йўналишлари олдиндан белгилаб олинади.

### **Режалаштириш оркали хал килинадиган масалалар:**

биринчи навбатда хал килинадиган муаммолар ҳамда маълум бир вақт давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

-

- Мазкур муаммоларни хал қилиш учун керакли бўладиган дастур ишлаб чиқилади ва ана шу дастур асосида назорат олиб борилади.

-

- Белгиланган режа асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турилади.

-

- Амалга ошириладиган ишларни ва белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши устидан жавобгарликни белгилайди.

Прокуратура органларида ишни ташкилий режали асосда ташкил қилади.

### **Жиноятчиликка қарши қурашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.**

Координация (лотинча *cjrdinacio*-сўзидан олинган) деганда «мувофиқлик», «қелишувчилик», (координациялаш) мувофиқлаштириш деганда - иштирокчилар ўртасидаги ўзаро мунособатни ўрнатиш тушунилади.

### **Мувофиқлаштириш мақсади:**

жиноятга қарши қурашувчи структураларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш;

жиноятларни тез, тўла ҳар томонлама аниқлаш;

жиноятларни очиш жиноятчиларни аниклаш;

жиноят содир этган шахсларни ўз вақтида жавобгарликка тортиш чораларни куриш;

ваколатли органларга жиноятларнинг юзага келиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда олдини олишга каратилган чора ва тадбирларни ишлаб чиқишни топшириш;

тергов олиб бориш.

**Мувофиқлаштириш иштирокчилари :**

Жиноятчиликка карши кураш фаолиятини  мувофиқлаштирувчи  
Кенгаш Раиси-Прокурор

***Прокуратура***                      ***Ички ишлар***                      ***Миллий хавфсизлик***

***органлари***                                      органлари                      хизмати ,

Солик органлари                      Божхона органлари,

Ўзбекистон Республикаси

прокуратураси ҳузуридаги

солик ва валютага оид жиноятларга

карши курашиш департаменти

хукукни муҳофаза қилиш функцияси (суриштирув, дастлабки тергов, тезкор-қидирув, жиний судловда процессуал назоратни амалга оширувчи) мавжуд булган бошка органлар

**Мувофиқлаштиришни (Координацияни) амалга ошириш шакллари:**

- Хукукни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирокида координацион кенгаш мажлислари утқизиш.


- Жиноятга карши кураш бўйича жорий ахборот алмашуви;

- Ижобий тажрибани ривожлантириш мақсадида жойларга ўзаро ҳаракат қилиш, текширув ва қуйи турувчи органларга жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ёрдам бериш.

- Аниқ жиноятларни тергов қилиш учун тергов-оператив гуруҳлар тузиш.

- Аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш, семинарлар, конференциялар утказиш, хавфсизлик чораларини қуриш.

**Мувофиқлаштириш тамойиллари.**



**қонунийлик**

**Ўзаро ҳамкорлик**

**Мустақиллик тамойили**

**5- Мавзу: Ўзбекистон Республикаси прокуратура  
органларининг тизими.**

**Р Е Ж А :**

- 1. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари.**
- 4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги.**
- 5. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси.**
- 6. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар.**
- 7. Туман, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар.**
- 8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари.**
- 9. Прокуратура органларининг хайъатлари.**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими қонуннинг 10–моддасида қайд этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;  
туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;

вилоят прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолият кўрсатади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи уринбосарига, уринбосарларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор ҳамда унинг уринбосарларини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тугрисидаги фармонларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдикланади. (Ўз-н Республикасининг «Прокуратура тугрисида» ги қонунини 12-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 80-моддаси 9-банди талабларига асосан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг уринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тугрисидаги фармонларини тасдиклаш» - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 93-моддаси 12-банди талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг уринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва булимлар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар булимларнинг бошликлари, уларнинг уринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2004 йилнинг 11 март куни «қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тугрисида» Фармон қабул қилинган бўлиб, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш булимлари ташкил қилинган бўлиб, жами 48 та штат бирлиги, шу жумладан, марказий маҳкама учун 3 та штат бирлиги ажратилган.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоят, туман ва шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар тузилмалари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратураларда қандай бошқарма, булим ва ходимлар бўлишлиги, штат бирлиги бўйича қанча

ходимлар ишлаши мумкинлиги кўрсатиб берилган. Хусусан олганда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ҳам тузилмаси берилган бўлиб, унда бошкармалар, булимлар номлари ва канча ходим ишлаши мумкинлиги кўрсатиб берилган. Ушбу Фармон бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тузилмасига назар ташласак:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2004 йил 11 мартдаги ПФ –3406 сон Фармониغا 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тузилмаси**

**Бош прокурор**

Бош прокурорнинг биринчи уринбосари – 1

Бош прокурорнинг уринбосари - 3

Бош прокурорнинг ёрдамчиси - 1

Биринчи булим - 2

Ташкилий назорат ва тахлилоти бошкармаси - 7

Кадрлар бошкармаси - 8

Ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси - 4

Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат булими - 7

Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошкармаси - 11

қуролли қучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошкармаси - 8

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат булими - 6

Молия иқтисод булими

Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий-услубий таъминлаш булими - 6

Иктисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси - 14

Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси - 14

Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси -11

Навбатчилик қисми - 4

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси - 22

қонунчилик тарғиботи булими - 3

Халқаро ҳуқуқий булим - 7

Фуқаролар муурожаатлари ва хатлар булими - 5

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш булими - 7

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси - 16

Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш булими - 7

Суд қарорларини ижро этишда ва қамолқа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси - 8

Прокурор – тергов ходимларининг жами штат бирлиги - 183

## **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек, унинг органлари мажлисларида иштирок этишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган;

## **Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими:**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси

вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари

туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари

вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси

Туман ва шаҳар прокуратураларига тенглаштирилган округлар, ҳудудий ҳарбий, ҳудудий транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

2004 йил 11 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг № 730-сонли Прокуратура идораларида ишни ташкил этиш юзасидан чиқарган буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тузилмаси қуйидагича бўлган:

1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
2	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи уринбосари
3	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори уринбосарлари
4	Бош прокурорнинг уринбосари котибияти
5	Бош прокурорнинг уринбосари котибияти
6	Кадрлар бошкармаси
7	Умумий назорат бошкармаси
8	Судларда фукаролик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш булими
9	Девонхона
10	Ҳисобга олиш, ҳисобот ва ички идоравий назорат булими
11	Ишлар бошкармаси
12	Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошкармаси
13	Миллий хавфсизлик хизмати идораларида конунларни ижроси устидан назорат булими
14	куролли кучлар, махсус тартибли корхоналар ва транспортда конунларга риоя килиниши устидан назорат килиш булими
15	Прокуратура идораларида терговни назорат килиш бошкармаси
16	Ички Ишлар Вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бошкармаси
17	қамокка олинганларни саклаш ва жазони ижро этиш жойларида конунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати булими
18	Жиноятларни тергов килиш бошкармаси
19	Бош тергов бошкармасининг ташкилий-услугий булими
20	Ташкилий-назорат ва тахлилот бошкармаси
21	Вояга етмаганлар ҳақидаги конунларни ижро этиш устидан назорат килиш булими
22	қонунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи булими
23	Фукарларни қабул килиш ва аризаларни кўриб чиқиш булими
24	Биринчи булим
25	Криминалистика булими
26	Миллатлараро ва халқаро ҳуқуқий мунособатларда конунларни ижроси устидан назорат булими

27	Жиноятларни тергов килиш устидан назорат булими
28	«қонун ҳимоясида» журнали таҳририяти
29	Судларда хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш булими
30	Ташки иктисодий фаолиятда коррупция, талон-тарож ва бошка суиистеъмолчиликларга карши кураш бошкармаси, Иктисодий жиноятчилик ва коррупцияга карши кураш Бош бошкармаси
31	Ички хавфсизлини таъминлаш инспекцияси
32	Давлат божхона ва солик кўмиталари идораларида суриштирув ҳамда тергов устидан назорат килиш булими.

**6-Мавзу: Прокурор назорати фанининг махсус қисми  
тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.**

**Р Е Ж А :**

- 1. Прокурор назорати фанининг махсус қисми тушунчаси, предмети ва тизими.**
- 2. Прокурор назорати фанининг махсус қисм мақсади ва вазифалари.**
- 3. Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.**
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида.**
- 5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чакирик олтинчи сессиясида сўзлаган «Адолат-қонун устиворлигида» маърузасида кўйилган вазифалар.**

**Махсус қисм қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:**

- қонунлар ижроси устидан назорат (Умумий назорат);
- фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларга риоя этилиши устидан назорат;
- жиноятчиликка қарши қурашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;
- жиноят ишини қузғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов қоралари қуллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов ҳулосаси билан қелган ишлар бўйича прокурор қал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар, прокурор вақолатлари;
- ушлаб турилганларни, қамокка олинганларни сақлаш жойларида, жиной қазоларни ва жинойт-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа қораларини ижро этиш қоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор вақолатлари;
- вояга етмаганлар тугрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати;
- қонунларни қамиллаштириш ва ташвиқот қилишда прокурор иштироки. Прокуратура органларида ариза, шиқоят ва тақлифлар бўйича ишлаш;
- жиноят, фуқаролик, ҳўжалиқ судларида ишларни қуришда прокурор иштироки;
- жиноятчиликка қарши қурашда ҳуқуқни муқофаза қилувчи органлар фаолиятини мувоқиллаштириш;

-прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби;

-прокуратура органлари ходимлари;

-МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.

Прокурор назоратининг махсус кисмида юқорида кайд этилган мавзулар бўйича прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари, прокурор назоратининг предмети айнан нималардан иборат эканлиги ҳамда прокурорнинг ушбу борадаги ваколатлари баён килинади.

### **Прокурор назорати фанининг махсус кисм мақсади ва вазифалари.**

Прокурор назорати фанининг махсус кисмида куйидагилар урганилади:

-конунлар ижроси устидан назорат бўйича назорат предмети прокурорлар томонидан кандай ваколатлар воситасида амалга оширилиши;

-фукаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурорлар айнан қайси конунларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириши лозимлиги ҳамда фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири айнан шу йўналиш бўлиб қолиши кераклиги, ушбу вазифани бажариш учун кандай талабларга эътибор берилиши лозимлиги;

-жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан прокуратуранинг ўзаро муносабати, улар фаолиятига прокурорнинг процессуал раҳбарлиги ва ҳар бир қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини таъминлашда прокурорнинг тутган ўрни нималардан иборат бўлиши кераклиги;

-жиноят ишини қузгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қуллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруқлари ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг талаблари ҳамда айни масалада назария билан амалиёт ўртасида пайдо бўлаётган муаммолар ҳақида батафсил тўхталиб, бундай ҳолатларда прокурорлар томонидан кандай қарорни қабул қилишлари лозимлиги;

-айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор хал килиши лозим булган ҳаракатлар, прокурор ваколатлари;

-ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари ҳамда айти масалада Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруғи талаблари қандай эканлиги, жумладан;

➤ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 31 мартдаги 6-сонли “қамокка олинганларни саклаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тугрисида”ги буйруғи;

➤ шу буйруқ билан тасдиқланган “Жазони ижро этиш жойларида қонунларга рио қилиниши устидан назорат прокуратураси тугрисидаги Низом” урганилади.

-вояга етмаганлар тугрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу масалани хал қилишда прокурорлар томонидан эътиборга олиниши лозим булган ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган буйруғи талаблари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарори ва прокурорларнинг тутган ўрни ва улар олдиға қўйиладиган талаблар нималардан иборат эканлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Вояга етмаганларни ҳукукий ҳимоясини таъминлашға қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини янада ошириш чоралари тугрисида”ги 1997 йил 5-сонли буйруғи;

-қонунларни такомиллаштириш ва ташвиқот қилишда прокурор иштироки. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 1-сонли “Прокуратура органларининг ҳуқуқ тарғиботи, қонунларни тушунтириш ва ўз фаолиятиға ошқоралиқ бериш юзасидан вазифалари ҳақида”ги буйруғи;

-прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 17-сонли “Фуқароларнинг мурожаатлари тугрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг бажарилиши юзасидан прокурорлик назоратини янада қучайтириш тугрисидаги буйруғи;

-жиноят, фуқаролик, хўжалиқ судларида ишларни қуришда прокурор иштироки, ушбу масалаларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилинган буйруқлари талаблари ҳамда прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан;

➤ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 7-сонли “Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи;

➤ 1998 йил 16-сонли “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи;

➤ 1998 йил 27-сонли “Хўжалик судларида ишларни кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари ҳақида”ги буйруғи;

-жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда прокурорларнинг тугган ўрни, улар фаолиятининг ушбу масалани ҳал қилишдаги муаммолари ва услуб, шакл ва тамойиллари;

-прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби, прокуратура фаолиятининг ҳар бир йўналиши бўйича прокурорлар томонидан қабул қилинадиган прокурор назорати ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари;

-прокуратура органлари ходимлари, уларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш асослари ва тартиби;

-МДХ ва ҳорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти тушунчаси ва прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги прокуратура фаолиятига киёсий тақослаш орқали прокуратура фаолиятини такомиллаштириш услуб ва шакллари билан талабаларни чуқур таништириш ҳисобланади.

**Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.**

Прокурор назорати фанининг махсус қисмида урганиладиган мавзулар бўйича фаннинг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ўрганиб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК, ФПК, ХПК, ЖИКларига алоҳида эътибор берилса, унда прокурорнинг ваколатлари қонуннинг тегишли модда ва булимларларида баён қилинган. Прокурор назорати фани бошқа бир қатор юридик фанлар билан яқиндан алоқадордир.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида прокуратуранинг қонунийлик ва тартибни сақловчилик ролининг муҳимлиги кўрилса, прокурор назоратига эса давлат фаолиятининг бир тури сифатида қаралади.

Конституциявий ҳуқуқда прокуратуранинг ташкил этишни белгиловчи асосий ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва прокурорларнинг тайинлаш тартибини ҳамда бошқа давлат органлари тизимида прокуратуранинг тугган ўрни ва ўзаро алоқаси урганилади.

Хукукни муҳофаза килувчи органлар фанининг битта мавзуси прокуратура органи, унинг вазифалари, функциялари, тизимига бағишланган. Бу фанда прокуратура тугрисида умумий тушунча берилди.

Жиноят процесси, фуқаролик процесси, хўжалик процесси фанларида прокурорнинг суддаги ваколатлари ёритилган.

Маъмурий ҳуқуқ фани прокурорнинг қонуний талабларини бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган оқибатларни ўрганади.

**7-Мавзу: қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари.**

**Р Е Ж А:**

- 1. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари.**
- 2. Қонунлар ижроси устидан (Умумий) назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари. қонунлар ижросини текшириш.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 4-сонли буйруғи талаблари.**
- 4. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкиллаштириш.**
- 5. Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашшига йўл қўйилмаслиги.**

**Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари.** Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фукарларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қилиш прокуратура органларининг фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳа назария ва амалиётда "умумий назорат" деган номга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг янги таҳрири қабул қилингунга қадар «Умумий назорат» деб юритилиб келган ҳозирда «қонунлар ижроси устидан назорат» йўналиши катта ва кенг камровли йўналишдир.

Ушбу прокурорлик назорати соҳасида Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга ошириладиган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг моҳияти ва мақсадлари нисбатан яққол ифодаланади.

Умумий назоратнинг моҳияти ва мақсада энг аввало, давлат бошқаруви органлари ва соҳасида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини

устидан прокуратура органларининг назорати ташкил этади. Бу соҳада кўпинча маҳаллийчилик, қонунбузилишларни бартараф этишда прокуратура органларига қаршилик қурсатиш, уларнинг фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилади. Давлат бошқарувнинг айнан шу соҳасида қонунларни ҳақиқатдан аниқ ва бир хилда тушуниш билан бирга ижро этилиши ҳам таъминлаш керак. Қонун чиқарувчининг қўрсатмалари ҳаётга қатъийлик билан татбиқ қилиниши керак ва бунда ҳеч қандай маҳаллий ва идоравий таъсирларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратини амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига шароит яратадилар. Бошқача қилиб айтганда, прокурор умумий назорат соҳасида ўз ваколатларини амалга ошира бориб, бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда сиёсий, давлат, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва маданий қурилиш масалаларини ҳал қиладилар.

Умумий назорат бутун давлат ҳудудида қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилишини таъминлаш, қонунийликнинг бир хил тушунилишини таъминлаш билан бирга жиноий ҳодисалар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳам бажаради.

Умумий маънода *прокурорларнинг умумий назорат бўйича фаолиятининг предмети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратдир.* Умумий назорат бўйича прокурорлик назоратининг предмети ва доираси 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тугрисида"ги қонуни, шунингдек, 1997 йил 28 майдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 7-сонли буйруғида нисбатан аниқ ва тулиқ белгиланган.

Назорат предмети борасида бир муҳим ўзгаришни қўрсатиб ўтиш керак. 1992 йил 9 декабрдаги "Прокуроратура тугрисида"ги қонундан фарқли равишда 2001 йил 29 августдаги қонунда "фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари" устидан назорат қўзда тутилмаган. Яъни, прокуратура органларини фуқароларнинг таъқиб-таъқиб остига олувчи орган сифатида эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида жамиятда ролини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш" йўлидаги муҳим қадам деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тугрисида”ги қонунининг 20-моддасига биноан “вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги “назорат предмети ҳисобланади”.

қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тугрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлатимиздаги қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунбузилиш ҳолларини аниқлаш, уларни ва вужудга келишига сабаб булган шарт-шароитларни бартараф этиш масалалари айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган прокурор ходимларига кўп жихатдан боғлиқ десак адашмаган бўламиз. Чунки қонун билан зиммалаларига юклатилган вазифаларни амалга ошира бора туриб айнан прокурорлар биринчи бўлиб бундай ҳолатлар билан тўқнаш бўладилар ёки ўз ваколатлари доираларига кўра бошқа назорат этувчи идоралардан келиб тушган ҳужжатлар бўйича қарор қабул қиладилар, бу идоралар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигига баҳо берадилар.

қуйи прокурорларга ташкилий-услубий ёрдам қурсатиш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- умумий назоратни маълумотлар билан ҳамда услубий тавсиялар билан таъминлаш;
- жойларда услубий ва амалий ёрдам бериш йўли билан текширишлар ўтказиш;
- қуйи прокурорларга умумий назоратни ташкил этиш масалаларига бағишланган умумлаштиришлар, таҳлиллар, ахборотнома ва тавсияномалар ишлаб чиқариш ва йўллаш, критилаётган тақдимнома, протест, ариза ва огоҳлантирувларнинг сифатини кўтариш, ходимларга ўз вазифаларни бажаришда амалий ёрдам бериш;

- бошка бўлинмалар билан биргаликда прокуратура ходимларининг касб маҳоратини ошириш ва кайта тайёрлаш.

Вилоят прокуратураларида умумий назорат булимлари мавжуд бўлиб, бевосита вилоят прокурорига бўйсунди. Туман, шаҳар прокуратураларида прокурор ёрдамчиси томонидан конунлар ижроси устидан назорат вазифасини амалга оширилади. Прокурор ёрдамчиси томонидан амалга ошириладиган прокурор ваколатлари бевосита тегишли прокурор раҳбарлиги асосида бажарилади.

**Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошка фаолиятга аралашшига йўл кўйилмаслиги.** Тан олиш керак, мустакилликнинг дастлабки йилларида прокурорлик назоратининг муҳим қисми бўлмиш умумий назорат конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ислохотларни кўллаб-қувватлаш борасида етарли ва тўғри усулда ташкил этилишига қарамасдан бозор иктисодиётига ўтилиши ҳамда мулкчилик шаклларининг кўпайиши мунособати билан умумий назоратни янги сифат даражасига кўтариш зарурати пайдо бўлди.

Шунинг учун 2001 йилда қабул қилинган "Прокуратура тугрисида"ги конуннинг 23-моддасида "Хўжалик фаолиятига ва бошка фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашшига, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришга йўл кўйилмайди", - деган норма кўзда тутилди. Бунинг асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг мустакиллиги таъминланиб, бозор иктисодиёти шароитида ўзларининг эркин фаолият курсатиш имконияти кенгайтирилди. Бунга кўра прокурорлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига фақатгина конунда белгиланган тартиб ва асослардагина аралаша олишлари мумкин. Масалан: Меҳнат конунчилиги бўйича ишчи ва хизматчиларни соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган конун талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида вояга етмаган шахсларни ёки аёлларни зарарли ишларда ишлашига йўл кўймаслик, вояга етмаган шахсларни тунги ишларда ишлашига йўл кўймаслик ва шунингдек, иш ҳақини ўз вақтида берилишини назорат қилиши мумкин, аммо хўжалик субъектларининг ишни ташкил қилиш фаолиятига, яъни ишни бир сменада ташкил этиш керакми икки сменада ташкил этиш керакми ёхуд айнан қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш зарур, ёинки қанча микдорда ишлаб чиқариш керак, деган масалалар бевосита хўжалик субъектларининг ваколатига таалуклидир. Худди шундай прокурор хўжалик субъектининг банкдан мақсадли ишлатиш учун олинган кредитни мақсадли равишда ишлатилаётганини конун бўйича назорат қилиши мумкин бўлсада, лекин хўжаликнинг ўзини пул маблағларини қанчасини қанча микдорда қайси

жойларга ишлатиши кераклиги хакида топширик бера олмайди ёки бу масалада унинг фаолиятига аралаша олмайди.

## **8-Мавзу: Фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.**

### **Р Е Ж А :**

- 1. Фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари.**
- 2. Прокурорнинг ваколатлари.**
- 3. Фукарларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.**
- 4. Инсон ва фукарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.**

**Фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган иккинчи чакирик олтинчи сессиясида Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузасида «Демократик жамиятда алоҳида фукарлар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади, деб таъкидлаган эди.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий муҳофаза функцияси – махсус ҳуқуқий институт билан реализация қилинадиган давлатдаги ҳуқуқий муҳофаза механизмнинг звеноларидан биридир. Кўп йиллик статистик кузатишлар шуни кўрсатадики, фукарларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда сўзсиз прокуратура органларининг роли фаол(актив)лигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда фукарларнинг ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун прокуратура органларига мурожаатларининг сони судга мурожаат қилишдан 10 баробар кўпдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонунинг 2-боби Фукаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат деб номланиб, 24-моддада назорат предмети қайд қилинган. Унга кўра, Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фукарларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фукаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

**Прокурорнинг ваколатлари.** Прокурор ўз зиммасига юқланган вазифаларни бажара бориб:

- Фукаронинг ҳуқук ва эркинликлари бузилганлиги тугрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

- Аризачиларга уларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

- Фукаронинг ҳуқук ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;

- Фукаронинг ҳуқук ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши кўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир қораларни кўради;

- Фукаронинг ҳуқук ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқукбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқукбузарлик тугрисида иш кўзғатади ёки зудлик билан ҳуқукбузарлик тугрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқукбузарликлар тугрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради (25-модда).

Прокуратура тугрисидаги қонунда прокуратуранинг барча ҳуқуқий муҳофаза потенциали бош вазифани ечишга қаратилган: қонун устиворлигини таъминлаш, бирлик, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро ва инсонларнинг ҳуқук ва эркинликларини, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаро ва шахсларнинг ҳуқук ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат функцияси қонуннинг маҳсулоти бобига қиритилган. Бу назорат фаолиятини умум аҳамиятли манфаатларини ҳимоясига қарши қўйилганлигини билдирмайди. қонунчилик ижтимоий амалиёт фуқароларнинг ва уларнинг жамоасини ҳуқук ва мажбуриятлари бирлигидан келиб чиқди.

Ўзбекистон Республикасида республика фуқароларидан ташқари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам яшайди.

Фуқаролик қонунчилиги билан ўрнатилган, ФК даги моддага асосан, қоидалар чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштирокидаги муносабатларга қўлланади. Бу субъектлар хўжалик оборотининг иштирокчисидир; улар Ўзбекистон қорхоналари билан тенг ҳуқук ва мажбуриятларга, айрим ҳолларда қонун билан ўрнатилган (масалан, «Чет эл инвенторлари тугрисида»ги қонун) белгилаган мулкка ҳам эгадирлар.

Конституцияга кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг асосда

хуқуқларидан фойдаланадилар ва мажбуриятларга эга бўладилар. Ҳозирги вақтда бошқа мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича, Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ҳамда, Ўзбекистон ва ўша чет эл давлати ўртасида тузилган халқаро шартномаларга кўра, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг баъзи хуқуқларидан фойдаланмайдилар, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг анологик хуқуқ ва мажбуриятлари: масалан, сайлов хуқуқи, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув аппаратларида хизмат қила олмаслиги ҳамда, уларга ҳарбий мажбурият таалукли эмаслиги ва бошқалар. Чунки, чет эл фуқаролари бу хуқуқ ва мажбуриятларга ўзларининг давлатлари томонидан ўрнатилган қонунларга асосан эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг шу ҳақидаги қонунлари бутун дунёнинг қаерида бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли булгани қаби, чет эл фуқароларига нисбатан ҳам уларнинг давлатлари томонидан қабул қилинган қонунлар бутун дунё бўйлаб ўз фуқароларига нисбатан қатъий этилади (масалан, бошқа давлатларда жойлашган элчихона, қонсуликларда ишловчи фуқаролар ўз давлатлари қонунларида қўрсатилган хуқуқ ва бурчлардан қатъий фойдаланадилар, шу билан бирга анологик хуқуқ ва бурчлардан ҳам фойдаланадилар).

Фуқаро ва инсонларнинг хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат предметини аниқлаш (белгилаш) жуда ҳам муҳим бўлиб, конституцияда белгиланганидек, фуқаро ва инсонларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қақат қонун билан қуйидаги ҳолларда қегараланиши мумкин, агар конституциявий тизим асосини қимоя қилиш мақсадида бошқа шахсларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари, соғлигини қимоя қилиш мақсадида, давлат ва халқнинг муҳофазасини таъминлаш мақсадида. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларининг бошқа қеклашлари қонунга асосланмаган ва прокурор томонидан қолдириб бўлмайдиган эътиборни талаб қилади.

Фуқаро ва инсонларнинг хуқуқ ва эркинликлари қимояси истисносиз барча назорат қора тақбирларида инобатга олинади.

Назорат фаолиятини белгиловчи асосий тамойил хуқуқ ва мажбуриятларда қонун ва суд олдида тенглик тамойилини ўзида ифода этувчи расмий юридик тенглик тамойили хизмат қилади. Юридик маънода хуқуқ ва мажбурият тенглиги қамиятдаги индивиднинг фактик ҳолатига мос қелмайди. Бундай ёндашиш прокурорнинг назорат қилишдаги қатоларидан қафолат беради. Бировларнинг хуқуқи бузилиши ва бошқа фуқароларнинг имқониятларининг ноқонуний қенгайтириш назорат фаолиятида одатий қолдир.

Фукаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан прокурор назорат предметиға, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари қиради, яъни ҳар қайси фукаро вва инсонларға тегишли булган ҳуқуқ. Бу ҳуқуқлар барча учун тенг ва бирдир, улар конституция билан белгиланади.

Конституцияда баён қилинган фукарларнинг конкрет ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ мантикий асосға эға. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларига асосан анъанавий конституциявий ҳуқуқлар 3 гуруҳға бўлинади: шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий. Бу классификация фукарлар ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тугрисидаги декларацияда келтириб ўтилган – яшашға булган ҳуқуқ, шахс кадр-қимматининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши, шахсий дахлсизлик прокурор назоратининг барча соҳалари (асосий фаолият йўналишлари) томонидан ҳимоя қилинадиган шахсий ҳуқуқни яратади. кадр–қиммати, соғлиғига зарар, тан жароҳати етказиш қуринишидаги фукарларнинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз жиноий жавобгарлик ҳаракатлари элементини ташкил қилади.

Фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишға қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалға оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг шу соҳадаги бўйруғи ва Низоми алоҳида урин тутуди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрель қунги 3-сонли Буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг **«Фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тугрисида»**ги Низомда кўрсатилишича, **Бошқарманинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари** қуйидагича:

**2.1.** Бошқарманинг асосий вазифалари- фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, республиканинг конституциявий тузуми, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Шу мақсадда бошқарма қуйидаги асосий йўналишларда фаолият олиб боради:

**2.2.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, давлат назорати(контроль) идоралари, фукарларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган

хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

**2.3.** Фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳимояланишини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб боради.

**2.4.** Иқтисодий мунособатлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади (ички ишлар вазирлиги, солиқ, божхона қўмиталари органлари ва суднинг маъмурий фаолияти бундан мустасно).

**2.5.** қонунларнинг бузилаётганлиги тугрисидаги шикоятлар, бошқа маълумотлар, мониторинг ва таҳлиллар асосида, шунингдек, прокурор томонидан чора кўрилиши талаб қилинадиган ҳолларда текширишлар ўтказилади, текширишларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлайди, қонунбузилишларни тулик аниқлашнинг чораларини кўради.

**2.6.** қонунбузилишлар юзасидан сифатли ва самарали прокуровр назорати ҳужжатлари қўлланишини таъминлайди.

**2.7.** қонунларни такомиллаштириш ишларида қатнашади, қонунлар ижроси ва қўлланиши тажрибаси асосида Республика Бош прокурорига қонунчилик ташаббусини амалга ошириш юзасидан таклифлар киритади, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этади.

**2.8.** қўйи бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилади, уларга амалий-услубий ёрдамлар кўрсатади, мазкур тармок ходимларини иш ўрганишга чақиради, уларнинг касб-маҳоратини ошириш чораларини кўради.

**2.9.** қонунийлик ҳолати, прокурор назоратининг ахволини мунтазам роавишда таҳлил қилади, унинг самараси ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган вазифаларни белгилаб боради, долзарб масалаларни идоралараро йиғилишлар ва хайъат мажлислар муҳокамасига киритади.

**2.10.** Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, қонунларни тарғиб қилишда иштирок этади.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам айнан шу вазифа ва мақсадлардан келиб чиқади.

**Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.**

Фукарларнинг сиёсий ҳуқук ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси фукаролиги билан боғлиқ ва амалда булган конунчилик билан ўрнатилган доирада реализация қилинади. Назорат фаолиятининг мазмуни қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

1) Ўзбекистон Республикасида ягона ҳокимият манбаи ва суверенитет ташувчиси бўлиб, унинг кўп миллатли халқи ҳисобланади;

2) Халқ ўз ҳуқуқини, бошқарувда умумий ишлар бўйича иштирок этиб, шунингдек, ўз вакиллари орқали иштирок этиб, реализация қилади. Бошқарувда фукарларнинг бевосита иштирокининг шакли бўлиб, тегишли ҳудудда истикомат қиладиган фукарларнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга булган, турли хил масалалар бўйича ўтказиладиган референдумлар хизмат қилади.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи - сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида фукарларнинг митинглар, йиғилишлар, намойишлар утказиш ҳуқуқини, шунингдек, сиёсий ҳуқуқлардан муҳимларини утказишни мустаҳкамлаб қўйган.

Сайлов конунчилиги ва жамоат ташкилотлари тугрисидаги конунчилик қайта ишлаб чиқилганлиги катта аҳамиятга эгадир. Ушбу икки конун устидан назорат – прокурорлик фаолиятининг янги йўналишидир.

Сайлов ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим ролни сайлов тугрисидаги конунлар ўйнайди. Бу конунлар фукарларнинг сайлов ҳуқуқларини асосий қафолатлари ҳисобланади.

Сайлов конунчилигини ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътиборни бериш лозим:

- жойларда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига сайлов утказишда, норматив актларни чиқарилишида сайлов тугрисида Ўзбекистон Республикаси конунига зид келмаслигига;

- фукарларнинг алоҳида категорияларининг сайлов ҳуқуқларини чеклаш ҳолларига йўл қўймаслик (тегишли ҳудудда узок муддатга доимий яшашни талаб қилиш, доимий яшаш жойини вақтинча ташлаб кетганларни сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш);

- депутатликка номзодларни (регистрация) қайд қилиш учун қўшимча шартларни киритилишига (туб аҳоли сўзлашадиган тилни билиш, гаров қўйиш ва бошқалар);

- жамоат бирлашмаларини сайлов жараёнидаги катнашиш ҳуқуқини чеклашга;

- фукароларнинг сайлов ҳуқуқларини асосий қафолатлари тугрисидаги қонунда кўрсатилган битта сайлов органига сайловчилар вакилларини ўрта меъёрини оширишга;

- номзод сифатида рўйхатдан ўтказилган давлат ёки ҳокимият тизимида хизмат килувчи мансабдор шахсларни сайловолди ташвиқотини ўтказишда ўз манфаатларини кўзлаб, мансаб ваколатларини суиистеъмом қилишларига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлигига сайлов бўйича сайловолди компанияларида содир қилиниши мумкин бўлган қуйидаги қонунбузилишларига нисбатан эътиборни (прокурорлик назоратини) қучайтириш зарур:

- депутатликка номзодларни тақдим қилиш ва уларни қайд қилишда имзо варақаларини сохталаштирилишига;

- депутатликка номзодликни қайд қилишни қонунсиз равишда рад қилиш (ўзлари учун зарур бўлган депутатни қўллаб-қувватлаш учун, атайин ўйлаб чиқарилган асосларга кўра, имзолар сонини пасайтириш);

- депутатликка номзодликни қайд қилиш учун топширилаётган ҳужжатларни асоссиз равишда рад қилишга;

- сайловолди ташвиқоти мобайнида ҳуқуқларни бузилишига (асосан сайловолди ташвиқотида тақикланган услубларни қуллашда ифодаланиши мумкин);

- сайлов ва сайлов якунини ўтказишда сайловлар ўтказиш тугрисидаги қонунчилик талабларидан чеқиниш ва бошқаларга.

- қонунда белгиланган тартибда тегишли рўйхатдан ўтганлик ҳақида гувоҳномага эга бўлган сайлов бирлашмаларининг (блоклар, ташаббускор гуруҳлар) ваколатли вакиллари томонидан имзолар йиғилишининг ўрнига, маъмуриятнинг мансабдор шахслари томонидан айрим номзодни қўллаб-қувватлаш учун имзо йиғилиши ҳоллари қузатилиши мумкин;

- ижро ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан айрим номзоднинг сайланиши учун махсус штаблар, кенгашлар ташкил қилиш, ўз ваколатларига тегишли бўлган, мансаб нуктаи-назаридан хизмат бўйсунувидаги оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиб, шундай усуллар ёрдамида сайлов компанияларида устунликка эга бўлиш хатти-ҳаракатларини амалга оширганлар.

Россия ва Ўзбекистон Республикаси сайлов тугрисидаги қонунларнинг ўхшашлигидан келиб чиқиб, шу қаби қонунбузилиш ҳоллари содир

бўлмаслиги учун, шу ҳақдаги амалда булган конунчилигимиздан келиб чикиб, конунлар ижроси устидан назоратни тўғри йўналтирилиши лозим.

Фукароларнинг сиёсий сайлов ҳукукини ҳимоя қилиш соҳасида прокурорлик назоратининг вазифалари икки йўналиш бўйича йўналтирилган бўлиши керак:

- сайлов комиссиялари томонидан чиқариладиган норматив актларни (меъёрий ҳужжатлар) Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқлиги устидан прокурор назорати;

- сайлов комиссиялари фаолиятида конунийлик устидан назорат.

Сусайтирилмаган диккатни сайлов фондининг молиявий маблағларига қаратиш лозим. Сайлов фонди маблағларининг ташкил топиши ва уларнинг сарфланиши тугрисидаги конунлар ижроси қандай амалга оширилмоқда аниқланиши ва албатта молиявий ҳаражатлар ҳисоботи қилиниши зарур. Молиявий ҳисоботлар тақдим қилинмаса, жавобгар шахс тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Охириги вақтда жамоат бирлашмаларининг фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Уларнинг таъсири ташкилотларда сайлов утқизишда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий янгилашниларни амалга оширишда сезиларлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Жамоат бирлашмалари» тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси конуни фукароларимизга Низомларда кўрсатилган мақсадларни ҳал қилиш учун умумманфаат белгиси бўйича эркин жамоа бирлашишини қафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фукаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳукукига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва кадр–қимматини ҳеч қим қамситиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг ва ташкилланишининг асосини эркинлик, тенг ҳуқуқлик, ўз-ўзини бошқариш, ошқоралик ва конунийлик принциплари ташкил этади.

Қонуншунос жамоат бирлашмаларини мажбурий давлат рўйхатидан ўтишни назарда тутди, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасида конунда белгиланган тартибда руйхатдан ўтқазилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар

ташкiлотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фукароларнинг бошка уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкiлотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир (Конституциянинг 59-моддаси).

Сиёсий партиялар турли табака ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари оркали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Давлат ва жамоат бирлашмалари ўз мунособатларини ўзаро аралашмаслик асосида тузадилар. Бу билан, давлат органлари жамоат бирлашмаларида таъсисчи бўлиб иштирок этишлари ман этилганлиги тушунилади.

Конституциямизнинг 58-моддасида давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имқониятлар яратиб беришлиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслик тамойили мустаҳкамлаб қўйилган.

Жамоат бирлашмалари аъзоси ёки иштирокчиси бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар қатнашадилар. Давлат жамоат ташкiлотларининг эркин ривожланишига қанолат беради, алоҳида (ёшлар, болалар, қариялар, ногиронлар) ташкiлотларга эса моддий қўмақ беради.

Қонунда жамоат бирлашмаларининг турли хил ташкiлий- ҳуқуқий шакли қўрсатилган, яъни жамоат ҳаракатлари, жамоат фонди, жамоат ташкiлотлари, жамоат муассасалари.

Уларни бир-биридан мажбурий белгиси сифатида аъзолар сони ажратиб туради. Конституцияга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, Ўзбекистон Республикаси давлат тузулишини, Конституциявий тузум асосини ўзгартиришга (яъни салбий маънода) қаратилган, давлат ҳавфсизлигига путур етказувчи ижтимоий, ирқий, миллий ва диний келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи жамоат бирлашмаларини ташкiл этиш ва улар фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. қонун тили билан айтганда, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фукароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий

партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъкикланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъкикланади.

Прокурорлик назорати амалиёти конунчиликни қуйидаги бузилишларини кўрсатиб ўтади:

- фуқароларни сиёсий партияларга киришга мажбурлаш;
- жамоат ҳаракатларининг, сиёсий партияларнинг таъсис ҳужжатларини рўйхатга олишни белгиланган тартибни бузиш;
- конун билан белгиланган тартибда сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш принципига риоя этмасдан, ташкилотларда партиянинг бошланғич уяларини ташкил қилиш мақсадида, ишлаб чиқариш ташкилотларига кириб бориш;
- жамоат бирлашмаларининг фаолиятларига конунга асосланмаган ҳолда давлат органларини аралашуви;
- курулли–ҳарбий тузилмалар ташкил этиш;
- конституцион тузумни зўравонлик билан ўзгартириш ғоясини тарғибот қилиш;
- шовинистик ғояларни тарғибот қилиш;

Сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари томонидан эркинликни суиистеъмол қилиб, конун билан таъкикланган ғояларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш хатти-ҳаракатлари прокурор назоратининг аралашувини сўзсиз асоси ҳисобланади. Прокурорлар шу каби жамоат ҳаракатлари ва сиёсий партияларнинг фаолиятига нисбатан аёвсиз чоралар қўришлари, улар фаолиятининг зудлик билан мажбурий тўхтатилиши тугрисидаги масалани оммавий ахборот воситалари фаолиятини назорат қилувчи давлат органлари олдида қўйишлари лозим. Шунингдек, уларнинг фаолияти учун берилган махсус рухсатнома (лицензия)ларини «Оммавий ахборот воситалари» ҳақидаги конун талабларини бузганликлари учун бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш чораларини қўриши шарт.

**9-Мавзу: қонунларнинг жиноятчиликка қарши қурашни  
амалга оширадиган органлар томонидан ижро  
этилиши устидан прокурор назорати.**

**Р Е Ж А :**

- 1. Жиноятчиликка қарши қурашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этишлари устидан прокурор назоратининг тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари.**
- 2. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари.**
- 3. Прокурор ваколатлари, шакллари ва усуллари.**
- 4. Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тугрисидаги аризалар ва мажбуриятлар юзасидан ўз вақтида чора тадбирлар қуриш ва уларни қонунийлиги.**
- 5. Жиноят ишларини тергов қилишда фуқаролар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.**
- 6. Суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор қидирув фаолиятида қонун бузилиш ҳолларини аниқлаш ва прокурор таъсир чораларини қуллашдаги ҳуқуқий ҳужжатлар.**
- 7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йилги 13-сон буйруғининг мазмуни.**

**Жиноятчиликка қарши қурашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этишлари устидан прокурор назоратининг тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари.**

Жиноятчиликка қарши қураш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, суриштирув утқазиш, дастлабки терговда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини таъминлаш жараёнида прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорлиги натижасида жиноятчилик илдизига болта урилади ва жамиятда фуқаро ва инсонларнинг тинч-хотиржам яшаб, ишлашлари учун замин яратилади, жиноятчилик динамикасида барқарорлик вужудга келади.

қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши қурашни, фуқароларни конституциявий ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш, жиноятчиликнинг оғир ва ўта оғир турларига қарши қураш, айниқса, унинг уюшган шаклига нисбатан муросасиз қураш учун прокурор томонидан жиноятчиликка қарши қураш фаолиятини самарали бажариш учун жиноятчиликка қарши қурашувчи органлар томонидан

конунларнинг аник ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш, бу борада прокурор назоратини сусайтирмаслик жуда муҳимдир.

Прокурорнинг жиноят-процессуал конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган терговолди текшируви утказиш, жиноят ишлари кузгатиш ва тергов килиш билан боғлиқ курсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

Жиноятлар тугрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда хал килиш ва терговни олиб боришнинг конун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан **назорат предмети** ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга ошириш мақсади республикамизда янги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар юзага келганлиги сабабли ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қабил долзарб вазифаларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу ҳолат прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятига тубдан янгича ёндашиш лозимлигини ҳаётий зарурат сифатида келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунини 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан утказиш ҳамда хал этиш тугрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда қаида бир марта текширади, жиноят ишларини кўзгатади ёки уларни кўзгатади ёки уларни кузгатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилиши тўхтатади.

Жиноят ишини кузгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖПқонунчилиги ва Прокуратура тугрисидаги қонунга асосан прокурорларга юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларнинг аник ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов боскичларида конуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан катъи назар, бартараф этиш учун конунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида куриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат конунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори курсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунининг 27-моддасида Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назорат предмети белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноятлар тугрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг конун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторига:

- Жиноят ишларини қузғатиши мумкинлиги;
- Жиноят ишларини қузғатишни рад этиши мумкинлиги;
- Жиноят ишларини тугатиши мумкинлиги;
- Жиноят ишлари юзасидан иш юритилишини тўхтатиши мумкинлиги;
- конунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик бериши;
- Айблов ҳулосасини ёки қарорини тасдиқлаши, ишни судга юбориши ваколатлари белгиланган.

Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг юраги тергов фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади. Шунинг учун тергов фаолиятини бошқаришни тўғри ташкил этиш асосий мезондир. Бу борада тергов бошқармаси (булими)да ишни ташкил этиш бўйича **асосий вазифалар** кўйидагилардир:

- Тузилиши ва штатлар бўйича оптимал булган малакали ходимлар билан тўлдирилган тергов аппаратини шакллантириш;
- Фуқароларнинг (жиноят процессининг барча иштирокчиларининг) ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизми муштараклигида тергов фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий тавсияларни амалиётга жорий қилиш;

➤ Жиноятчиликка карши кураш фаолиятини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар, чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг илғор тажрибаларини ёйиш;

➤ Тергов фаолиятида жиноятларни аниқлаш, фош қилиш, далилларни топиш, олиш, процессуал мустаҳкамлаш, исботлашга қаратилган хатти-ҳаракатларни амалга оширишда замонавий техникаларни қуллаш орқали ишнинг ташкилий даражасини такомиллаштириш;

➤ Прокурор ва терговчиларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, иш вақтини, кучини, модий воситалар ва имкониятларни бекорга сарфламаслик ва бу борадаги кераксиз йўқотишни бартараф этиш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш бошқарма(булим) бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг уринбосарлари бўйруқлари, курсатмалари, хайъат ва **мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари асосида уч асосий йўналиш** бўйича амалга оширилиши мумкин:

1. Жиноятларни тергов қилишда қонунийликни назорат қилиш бўйича ишни ташкил этиш;

2. Жиноятчиликка карши кураш бўйича ишни ташкил этиш;

3. Прокуратура идоралари терговчиларининг ўзлари хизмат қиладиган ҳудудлардаги иши устидан раҳбарликни таъминлаш.

Прокурор ушбу фаолиятларни қонунийлик, бирлик, марказлашганлик, мустақиллик ва ошқоралик каби принципларга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тергов Бош бошқармаси, бошқарма ва булимлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, транспорт, ҳарбий прокурорлари барча имкониятларини ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳар бир жиноятни очиш, терговни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўтказилиши ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш, жиноятни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар сабабларни аниқлашга, уларни бартараф қилиш чораларини кўрадилар.

Иш самарадорлигини ошириш мақсадида: Тергов Бош бошқармаси, бошқарма ва булимлари жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турларига, айниқса, унинг уюшган гуруҳлар ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши ҳолларига, ўқ отар қуроллар ва портловчи моддаларни ишлатиш, шахсни гаров сифатида тутқинликга олиш, босқинчилик, бандитлик жиноий уюшма ташкил этиш, терроризм, оммавий тартибсизликлар, гиёҳқандлик воситалари ва психотроп моддаларини қонунга ҳилоф равишда ўтказиш каби жиноятларга карши курашни кучайтириш чораларини кўрадилар.

Жиноятчилик ахволини чуқур ўрганиб, тахлил этиб, дастлабки тергов ва суриштирув утказиш боскичларида, конунларни куллаш амалиётидан келиб чиккан холда, тергов бошкармаси, булимлари ишларини лозим даражада ташкиллаштирадилар. Бошка таркибий тармоқлардаги булим ва бошкармалар билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга зарур булган ташкилий-услубий курсатиш билан бирга, уларни тахлилий ахборот жихатдан таъминлаш ва иш юритишни соҳа-минтака услубида олиб боришни такомиллаштириш зарур.

**Суриштирув ва тергов органлари томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари.** Қонунчиликка мувофиқ жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тугрисидаги ишларни куришда охириги хал килувчи қарор суд томонидан амалга оширилса ҳам, лекин мана шу ишлар юзасидан адолатли ҳукм чиқаришда суриштирув ва дастлабки тергов органлари муҳим урин тутати.

1. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органлари қуйидаги вазифани амалга оширишади, яъни:

2. Фуқароларнинг, жамият ва давлат манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан саклаш;

3. Фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш;

4. Жиноятларнинг олдини олиш, жиноят иши қузгатиш ва жиноятни очиш;

5. Судларга етарли ва керакли булган далилларни қиритиш, жиноятчиларни қидириб топиш;

6. Дастлабки терговни тулик ва объектив олиб бориш.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ўз фаолиятларини қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик, демократизм, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги қаби принципларга асосланиб амалга оширади.

Ҳар бир терговчи жиноят ишларини тез ва тулик очиши, жиноят содир этишда айбланаётган шахслар, албатта, жавобгарликка тортилишларини ва айби бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинишлари шартлиги ҳақидаги масалаларни хал қилиши керак.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг асосий мақсади, мана шу органлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг қанчалик қонунга мувофиқлиги, терговнинг объективлиги, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ

ва эркинликларини таъминлаш каби масалаларни тўғри хал килишдан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт прокурорлари томонидан, давлат солиқ ва божхона кўмиталари идораларида суриштирув устидан лозим даражада прокурор назоратини ўрнатишга қаратилган ташкилий ва амалий чоралар қуриш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

**Прокурор жиноятчиликка қарши қурашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:**

➤ суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилади;

➤ содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан утқазиб ҳамда хал этиш тугрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда қаида бир марта текширади;

➤ терговчилар ва суриштирувчиларнинг қонуний ҳамда асосиз қарорларини бекор қилади;

➤ жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тугрисида ёзма қурсатмалар беради;

➤ суриштирув органларига фуқароларни ушлаш, мажбурий қелтириш, қамолқа олиш, қидириш, тинтув утқазиб, олиб қўйиб ва бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тугрисидаги, шу жумладан, прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувида булган ишлар юзасидан қарорларни ижро этишни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар қуриш тугрисида қурсатмалар беради;

➤ суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмда амалга оширади;

➤ тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамолқа сақлаш муддатини узайтиради;

➤ жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов утқазиб тугрисидаги ўз қурсатмалари билан қайтиради;

➤ ҳар қандай жиноят ишини суриштирув органидан олиб терговчига беради, шунингдек, уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтқазди;



**10-Мавзу: Жиноят ишини кузгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари куллашнинг конунийлиги устидан назорат. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор хал килиши лозим булган масалалар, прокурор ваколатлари.**

**Р Е Ж А :**

**1. Жиноят ишини кузгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, конунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари.**

**2. Процессуал мажбурлов чоралари куллашнинг конунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари.**

**3. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор хал килиши лозим булган масалалар, прокурор карори.**

**4. Жиноят ишини судга юбориш.**

**Жиноят ишини кузгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, конунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунини 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан утқиши ҳамда хал этиш тугрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда қамида бир марта текширади, жиноят ишларини қўзғатади ёки уларни қўзғатади ёки уларни қузгатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилиши тўхтатади.

**Жиноят ишини кузгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг конунийлиги устидан назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси ЖП қонунчилиги ва Прокуратура тугрисидаги қонунга асосан прокурорларга юқлатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, қим томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф

этиш учун конунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида куриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, факат конунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори курсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунининг 27-моддасида Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назорат предмети белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноятлар тугрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг конун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторига:

- жиноят ишларини қузгатиши мумкинлиги;
- жиноят ишларини қузгатишни рад этиши мумкинлиги;
- жиноят ишларини тугатиши мумкинлиги;
- жиноят ишлари юзасидан иш юритилишини тўхтатиши мумкинлиги;
- конунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик бериши;
- айблов ҳулосасини ёки қарорини тасдиқлаши, ишни судга юбориши ваколатлари белгиланган.

Шунингдек, прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган терговолди текшируви утқизиш, жиноят ишлари қузгатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ курсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 майдаги 13-сонли “Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув утқизишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тулик таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида”ги 13-сонли буйруғида вилоят, шаҳар, туман прокурорлари ўз ҳудудларида содир этилган оғир жиноятлар, жиддий ҳодисалар ва муҳим ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича юқори турувчи прокуратураларга хабар беришлари тартиби белгиланган.

Буйрукнинг 1.4. бандида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, транспорт, ҳарбий, прокуратура, шаҳар-туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар:

- тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноят иши кузгатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш, терговни тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг асослилигига ўз вақтида текшириб боришлари лозимлиги;
- айбланувчиларнинг тергов ва суддан яшириш ҳолларини олдини олиш;
- яширинганларни топиш ҳақидаги қонун талабларининг бажарилиши;
- ҳар бир жиноят иши бўйича терговнинг фаол ва малакали ўтказилиши таъминланиши кераклиги;
- қасддан одам ўлдириш, инсонларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган оммавий тартибсизлик, емирилиш, авария, портлашлар ва ўтқетишлар, шунингдек, оғир оқибатларга олиб келган бошқа ҳолатлар бўйича воқеа жойига шахсан прокурор ўзи чиқиб, дастлабки босқичда бажарилиши лозим бўлган барча муҳим тергов–тезкор ҳаракатларининг бажарилишини тезкорлик билан амалга оширишни таъминлаши лозимлиги;
- қайд этилган ҳолатлар, шунингдек, номусга тегиш, товламачилик, вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ва бедарак йўқолиши, кўп ва жуда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатларни амалга ошириш, валюта ва бошқа моддий бойликларни жуда кўп миқдорда талон-тарож қилиш, чет эл фуқаросига, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимларига нисбатан уларнинг хизмат фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда содир қилинган жиноятлар юзбасидан айбдорлар аниқланмаганлиги асослари билан тергов ҳаракатлари тўхтатилган ҳолларда қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш учун бундай жиноят ишлари зудлик билан вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга юборилиши лозимлиги белгиланган.

Шу буйрукнинг 1.5. бандида жиноятлар тугрисидаги ариза ва хабарларнинг кўриб чиқилишининг қонунийлиги, ўз вақтида жиноят иши кўзгатилиши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлиги оширилиши, ойида қаида бир марта жиноятлар тугрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан утказиш ҳамда ҳал қилишнинг қонунийлиги кўшимча манбалардан маълумот олган ҳолда солиштириш йўли билан текшириш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, шу буйрукнинг 2.4 бандида барча прокурорлар жиноят ишлари юзасидан айблаш хулосасини тасдиқлашда терговни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўтказилганлигини, эълон қилинган айбнинг қанчалик асослангилганлигини, процессуал қонун талабларига тулик риоя қилинганлигини ниҳоятда диққат билан текшириш ҳамда буйрукнинг 3.4 бандида жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарорлар биринчи марта бекор қилинганда, назорат олиб боровчи прокурорлар томонидан қўшимча тергов муддати бир ой давомида белгиланиши, шу жиноят ишлари бўйича яна тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарорлар бекор қилинган тақдирда, ЖПКнинг 351-моддаси талабларига қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланган.

Прокурор жиноят ишини қузгатишнинг асослиги ва қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ишини қузгатиш асослари содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноятни тасдиқловчи фактик маълумотларда ўз аксини топганлигини ҳисобга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 337-моддасига мувофиқ **жиноят ишини қузгатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган** прокурор:

1. Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишини қузгатиш тугрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қузгатишни рад қилишга;

2. Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишини қузгатишни рад қилиш тугрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қузгатишга;

3. Иш қузгатиш тугрисидаги ёки иш қузгатишни рад қилиш тугрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 331-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи жиноят ишини қузгатиш тугрисидаги қарор нусхаси ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. Жиноят ишини қузгатишни қонунийлиги билан биргаликда жиноят иши қузгатишни рад этишни қонунийлиги устидан ҳам назоратни прокурор юксак савияда амалга оширади.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурор Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддасида белгиланган ваколатлардан фойдаланади.

қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назорати суриштирув ва дастлабки тергов органларининг барча фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал конун хужжатларига катъиян ва аник мувофик келиши лозим.

Жиноят ишини кузгатиш боскичи-жиноят процессининг мустакил боскичи бўлиб, бир томондан, жиноий ҳодисага нисбатан дарҳол таъсир кўрсатилишини таъминласа, иккинчи томондан, жиноят аломатлари булган фактларни аниклайди.

Жиноят ишини кўзгатилиши устидан назорат ўрнатилиши ўз вақтида жиноят ишини кўзгатилиши, жиноий фаолиятни давом эттиришни тўхтатиш, жиноятни тез ва тўла очиш, айби булган шахсларни жавобгарликка тортилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслиги, ҳамда жиноят судлов ишларининг бошка масалаларини хал килишга ёрдам беради. Жиноят ишини кузгатишни етарли асосларсиз рад килиш, коидага кўра фукароларнинг ҳуқуқ ва конуний манфаатларини бузилишига олиб келади. Шунинг учун жиноят ишини кузгатишни етарли асосларсиз рад килишга йўл кўймаслик учун жиноят иши кўзгатишдан бошлаб эмас, балки жиноят тугрисидаги хаабар келиб тушган вақтдан бошлаб амалга оширилиши лозим.

ЖПКнинг 382-моддаси талабларига кўра, прокурор жиноятларни тергов килиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор килиш тугрисида ёзма курсатмалар беради, тергов юритиш ҳамда эҳтиёт чораси сифатида камокда саклаш муддатини узайтиради.

### **Жиноят ишини тугатиш тушунчаси, асослари ва тартиби.**

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ўз қарорини терговчи асослангилган тарзда расмийлаштириш йўли билан амалга оширади. Терговчининг бундай қарори одатда прокурор томонидан тасдиқланмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 374-моддасига биноан жиноят ишини тугатиш тугрисидаги қарор белгиланган коидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади. қарор тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисми юқорисида қарорнинг номи, қаерда ва қачон чиқарилаётганлиги, қим томонидан қайси жиноят иши бўйича чиқарилаётганлиги кўрсатилади.

қарорнинг тавсиф қисмида эса:

1) жиноят ишини кузгатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жиноят ишини тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек, манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тугрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос килинган бўлса;

6) фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари баён килинади.

Қарорнинг хулоса қисмида :

1) жинойт ишини тугатиш тугрисидаги;

2) гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тугрисидаги;

3) эҳтиёт чораларини, шунингдек, фуқаровий даъвои таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тугрисидаги;

4) ашёвий далиллар тугрисидаги қарорлар баён килинади.

Агарда жинойт иши бўйича бир неча шахслар айбланувчи тарикасида жинойт ишига жалб килинган бўлсалар, уларнинг фақатгина баъзи бирига нисбатан жинойт ишини тугатиш асослари мавжуд бўлса, унда тугатиш асослари мавжуд бўлган айбланувчиларнинг қисмини тугатилади, қолган айбланувчиларнинг қисми эса умумий иш юритув тартибида айблов хулосаси билан прокурорга юборилади. Ишни тугатиш ҳақидаги қарорда ашёвий далиллар тақдири белгилаб кўйилиши лозим. Агарда иш юритуви тугатилаётган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси кўлланган бўлса, эҳтиёт чораси бекор қилиниши керак. Рўйхатга олинган ва олиб кўйилган мулк рўйхатдан чиқарилиб, эгасига қайтарилиши лозим.

**11-Мавзу: Ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида конунларга риоя килиниши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари.**

**Р Е Ж А :**

**1. Ушлаб турилганларни, камокка олинганларни саклаш жойларида, прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари.**

**2. Жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошка чораларини ижро этиш чоғида конунларга риоя килиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари. Прокурор ваколатлари.**

**3. Шикоят ва аризалар билан мурожаат килиш хукукини таъминлашда прокурорнинг вазифалари.**

**4. Прокурорнинг хукукий хужжатлари.**

**5. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки камок жойларида (СИЗОда) конунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш.**

**6. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида саклашнинг конунийлиги устидан назорат.**

**7. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жазоларини ижро этиш жойларида жазони ижро этиш колониясини ўзгартириш (бошка режимга утказиш)нинг конунийлиги устидан прокурори назорати.**

**8. Муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод килиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг конунийлигини таъминлаш устидан прокурор назорати.**

**9. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошка мажбурлов чораларини ижро этишнинг конунийлиги ва асослилиги устидан назорат килиш.**

**10. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг "Суд хужжатлари ва бошка хужжатларни ижро этишда ҳамда камокка олинганларни саклашда конунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тугрисида»ги 2004 йил 11 май кунги 24-сонли буйруғи мазмуни ва мохияти жазони ижро этиш жойларида конунларига риоя килиниши устидан назорат прокуратура тугрисидаги Низом мазмуни ва мохияти.**

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси демократия ва ижтимоий адолатга тўла асосланган хукукий демократик давлат ва фукаролик жамият

куриш учун зарур ислохотларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасининг қабул қилиниши давлат ҳаётида улкан сиёсий ўзгариш мустақил Ўзбекистон давлатини қарор топганлигини қонуний мустаҳкамланганини намойиш этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримов "қонуннинг устуворлиги- ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳуқумронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалиқ юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан ҳалос бўлиши мумкин эмас, қонун олдида ҳамма баробардир", - деб таъкидлаган.

Жамиятни демократик ривожлантиришни стратегик мақсад ва вазифаларига мос қелувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан бири прокуратура органи ҳисобланади. Конституциявий асосда давлат ҳудудида қонунларни аниқ ва бир ҳилда бажарилишини назорат қилиш Бош Прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юқлатилган.

Прокуратура идораларининг фаолияти қонуннинг устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси билан мустаҳкамланган, олий қадрият даражасида қўтарилган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини ижтимоий давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларини, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузулмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

"Прокуратура тугрисида"ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органи фаолиятининг асосий йўналишларидан бири қилиб ушлаб турилганларни, қамолқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий қазоларни ва жиноий-ҳуқуқий таъсирининг бошқа соҳаларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги сессиясида янги Жиноят ижроия қодекси қабул қилинди. Ушбу Қодекс ҳалқаро ҳуқуқнинг маҳқумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки қамситувчи муомала турларидан ҳимоя қилишни қўзда тутган ўта муҳим нормаларини ўз ичига олган ва қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, қазони ижро этишда дифференциациялаш ва индивидуаллаштиришга риоя қилиш, мажбурилов воситаларини оқилона қуллаш ҳамда маҳқумларнинг қонунга итоатқор ҳулқ атворини рағбатлантириш принципларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Суд ҳужжатлари ва бошка органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда камокка олинганларни сақлашда конунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тугрисида”ги 2004 йил 11 май кунги 24-сонли буйруғининг 1-бандида: фуқароларни камокда сақланашида конунийликни таъминловчи, жиноий жазоларнинг ижросини тартибга солувчи конунчиликни аниқ ва бир хилда қўлланиши устидан доимий ва самарали назорат ўрнатсинлар, деб кайд этилган. 2-бандида эса Прокурорлик назоратининг бу борадаги устивор йўналишлари кўрсатиб берилган бўлиб, улар каторида: 2.5-бандида, Халқаро ҳуқуқ нормалари талабларидан келиб чиқиб, маҳбус ва маҳкумларга нисбатан тазйик утказиш, кийнаш ва ғайриинсоний мунособатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқлари ва конун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги конунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар талабларига риоя этилиши устидан назорат ҳам кўрсатилган.

4-бандида Жиноий жазоларни ижро этишда конунларга риоя этилиши устидан назорат соҳасида:

4.1. Тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида конунийлик ахволи, жазоларни ижро этиш конунийлиги масалалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилиги прокурорлар томонидан доимий равишда ўрганилиб, таҳлил қилиб борилсин, аниқланган конунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўз вақтида тегишли чоралар қўрилсин.

4.2. Тергов ҳисобхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳбус ва маҳкумларни сақлаб туришнинг конунийлиги ва белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазоларнинг конунийлиги, вояга етмаганлар ва аёлларнинг жазо ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи конун талабларининг бажарилиши ахволи ойида қаида бир марта текшириб борилсин. Асоссиз равишда камокда сақланаётган шахслар зудлик билан озод этилсин. Аниқланган конунбузарлик ҳолатларига барҳам бериб, айбдор мансабдор шахсларнинг тегишли жавобгарлиги ҳал қилинсин. Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг уринбосарлари бундай текширишларда шахсан қатнашишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

4.3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли тергов хибсхонаси ва жазони ижро этиш муассасаларидаги конунийлик ва жиноятчилик ахволидан келиб чиққан ҳолда тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда режа асосида ялпи текширишлар ўтказилсин. Ушбу текширишларда маҳбус ҳамда

маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини ўрганиш билан биргаликда, уларни иш билан таъминлаш, давлат мулкининг сақланиши, шунингдек, жиноий-ижроия тизимини молиявий таъминлаш масалалари ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши ахволига алоҳида эътибор қаратилсин.

4.4. қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида инсон ҳуқуқларига оид, маҳбус ва маҳкумларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш борасидаги қонунлар ва халқаро шартномаларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишига эришиш таъминлансин. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш чоралари қўрилсин.

4.5. Бошқарма ва жойлардаги прокурорлар ИИВ ва унинг тизимлари томонидан тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкум ва маҳбусларни сақлаш масалалари юзасидан чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатсинлар. Аниқланган қонунга хилоф буйруқ, фармойиш ва қарорларни бекор қилиш юзасидан ўз вақтида протест киритилсин.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тергов хибсхоналарида маҳбус ва маҳкумларни сақланишининг қонунийлиги устидан назорат қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ваколатли прокурорлар зиммасига юклатилсин.

4.7. Республика Ҳарбий прокурори ва жойларда ҳарбий прокурорлар маҳбус ва маҳкумларни қўриқловчи, уларни манзилга кузатиб бориш вазифаларини бажарувчи ички ишлар қўшинлари қисмларида қонунчиликка риоя қилинишини доимий текширсинлар, интизомий батальонлар ва гауптвахталарда ҳарбий хизматчиларнинг сақланиши қонунийлиги устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар. қонунбузилишининг ҳар қандай қуринишларига таъсирчан прокурорлик чораларини қўриб борсинлар.

5. Жазони ижро этиш муассасаларида ҳар ойда бир марта маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш йўлга қўйилсин, маҳбус ва маҳкумларнинг ариза ва шикоятлари қўриб чиқилишининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатилсин. қонунбузилишлар ҳақидаги хабарлар заруратга кўра жойига чиқиб текширилсин.

5.1. Прокурорлар ўз ваколатлари доирасида ҳар қандай қуринишдаги қонунбузилишларни аниқлаш ва дарҳол бартараф этиш, маҳбус ва маҳкумларни таҳқирловчи ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни олдини олишга қаратилган чораларни қўрсинлар.

6. Хибсхоналар ва муассасалар ҳудудида содир этилган жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, одам ўлдириш, оммавий тартибсизликлар,

бўйсунмаслик, куrolли хужум, камок ёки кўриклов остидаги саклаш жойидан кочишлар, оғир окибатларга олиб келувчи, муассасада ўрнатилган тартибни издан чиқарувчи ҳолатлар юзасидан Бош прокуратурага махсус хабарномалар юборилсин.

Бу тоифадаги жиноят ишлари тергови устидан назорат:

Бош прокуратуранинг Суд қарорларини ижро этишда ва камокка олинганларни саклашда қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда жойларда прокурорларга юклатилсин.

Бундай жиноий ишларни судларда кўрилишида прокурорларнинг иштироки таъминланиб, натижалари ҳақида Бош прокуратурага батафсил ахборотлар тақдим этиб борилсин.

7. Вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар муассасалардаги фавқулодда ҳодисалар юзасидан зудлик билан воқеа жойига чиқсинлар, вазиятни ўнглашнинг тезкор чораларини кўрсинлар, деб қайд қилинган.

## **12-Мавзу: Вояга етмаганлар тугрисидаги конунлар ижроси устидан прокурор назорати.**

### **Р Е Ж А :**

**1. Вояга етмаганлар тугрисидаги конунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти.**

**2. Ушбу йўналиш бўйича прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.**

**3. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тугрисидаги конунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари.**

**4. конунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш:**

**А) вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича;**

**Б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қузғатиш ва тергов қилиш;**

**В) вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини судларда қўрилиши бўйича;**

**Г) тарбия муассасаларида.**

**5. Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши.**

**Вояга етмаганлар тугрисидаги конунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти.**

Ҳар қандай давлатнинг келажаги ундаги ёш авлоднинг тарбияси, таълим олиши, салоҳияти, соғлиғи билан боғлиқдир. Шу туфайли Ўзбекистонда ҳам ёш барқамол авлодни тарбия қилишга катта эътибор берилмоқда. Ёшларни соғлом, барқамол бўлиб тарбия олишлари, ўсиб-улғайишларига шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қанча қарорлар, Олий Мажлис томонидан қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар албатта Ўзбекистонда ёш барқамол авлодни тарбиялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож ёшларни давлат ҳимоясига олишига ва уларни жамият учун керакли инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган.

Вояга етмаганлар тугрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати вояга етмаганларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларни тарбиялаш, таълим бериш учун масъул бўлган органлар томонидан қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборатдир.

Ушбу соҳада, яъни вояга етмаганлар тугрисидаги конун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети бўлиб, вазирликлар, идоралар, давлат кўмиталари, корхона, муассаса, ташкилотлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан вояга етмаганлар тугрисидаги конун ҳужжатларининг ижро этилиши, вояга етмаганларни тарбияси, уларни ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи давлат идораларининг, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, профилактика билан шуғулланувчи давлат органлари, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг риоя этилиши ҳисобланади.

Вояга етмаганлар тугрисидаги конунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунининг 4- моддасида алоҳида йўналиш сифатида кўрсатилмаган бўлса ҳам амалиётда куйидан тортиб, юқоригача, яъни туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларидан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасигача ушбу масала юзасидан алоҳида прокуратура ходимлари шуғулланишади. Вояга етмаганлар тугрисидаги конунлар ижроси устидан назорат фаолиятини қандай тарзда амалга оширилаётгани, ҳудуддаги мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, техникумлар, ўрта-махсус таълим ўқув юртларида вояга етмаганларнинг Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, болалар шифохоналари, спорт-соғломлаштириш мактаблари, оромгоҳларида конунларга риоя қилиниши устидан назорат, вояга етмаганларга таалукли бўлган жиноят ишлари юзасидан алоҳида назорат ишларини юритилиши, уларнинг жиноят ишлари бўйича конун талаблари асосида эҳтиёт чораси куллаш масаласи, уларни конунларда белгиланган ҳуқуқлари ва имтиёзларига дастлабки тергов ва суд органлари томонидан қай даражада амал қилинаётганлиги, педагог ва психологлардан фойдаланилаётганлиги, уларга таалукли жиноят ишлари бўйича барча жиноят ишларида прокурорнинг иштирокини тулик таъминланиши, ҳокимиятлар ва туман, шаҳар халқ таълими булимлари ҳузуридаги васийлик ва хомийлик органлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни аниқ ва бир хилда, конунда кўрсатилган муддат ва тартибларда амалга оширилаётганлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вояга етмаганлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларнинг меҳнатида фойдаланилаётганда, уларнинг меҳнат ва бошқа конунчиликларда

белгиланган ҳуқук ва эркинликлари поймол этилмаётганлиги таъминлаш ушбу соҳадаги прокурор назоратининг вазифаси ҳисобланади.

Прокурор назоратини амалга оширишдаги вазифалар эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тугрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тугрисида"ги қонун ҳужжатларининг вазифаларидан келиб чиқади. Бундан келиб чиқадики ушбу соҳада прокурор назоратининг асосий вазифаси вояга етмаганларни ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни таълим ва тарбия олишда ўз ҳуқукларини тўла амалга оширишлари, уларнинг ижтимоий-моддий қўллаб қувватлашга оид қонун ҳужжатларига риоя этишини таъминлаш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш, уларни чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан, ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбия топишига эришишдан иборат.

Вояга етмаганлар тугрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг бир йўналиши сифатида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқукбузарликларга қарши кураш ва бу соҳада масъул давлат органларининг қонунларга риоя этишлари устидан назоратни амалга оширишдир.

Барқамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири. Шу сабабли ушбу соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва қамол топиши, ҳуқуқий манфаатларини қамқолаш учун шарт-шароитларни яратиш давлат фаолиятининг устивор йўналиши эканлиги белгиланган.

Мамлакатда барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, жумладан, вояга етмаганлар муаммолари билан шуғулланувчи идораларнинг амалдаги тузилмалари ўзгартирилиб, янгидан шакллантирилмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқукбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими" ташкил

этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406 сон Фармониغا асосан Бош прокуратура тузилмасида шу бўлимда 6 та шахс ишлашлиги кўрсатилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг намунавий тузилмасида “Прокурорнинг вояга етмаганлар ҳақидаги конунларнинг бажарилиши устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси (ёрдамчиси)” лавозими белгиланган, Тошкент шаҳар прокуратурасининг тузилмасида эса “Вояга етмаганлар ҳақидаги конунлар ижроси устидан назорат бўлими” мавжуд бўлиб, 4 та шахс штат тузилмага кўра, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши билан шуғулланиши лозимлиги кайд этилган. Туман, шаҳар прокуратураларида эса вояга етмаганлар ҳақидаги конунлар ижроси билан бевосита прокурорнинг ички меҳнат таксимотига кўра, зиммасига юклатилган прокуратура ходими (одатда прокурор ёрдамчиси) шуғулланади. Улар томонидан туман, шаҳардаги ҳомиладор аёлларнинг туғилажак фарзандларини конуний ҳуқуқларидан тортиб, мактаб ёшига булган ёш болалар ва мактаб ёшидаги вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшгача булган вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган конунлар ижроси устидан назорат амалга оширилади. Бунинг учун туман(шаҳар)даги ҳомиладор аёллар ва уларнинг ҳомиласини соғлигини, нормал фарзандни дунёга келишини таъминлашга қаратилган конун ва конун ости ҳужжатларида кўрсатилган талаблар тегишли поликлиникалар ва туғрикхоналар, оналар ва болалар уйларида етарли даражада бажарилаяптими, болалар туғилганидан кейин врачлар назорати олиб борилаяптими, болалар поликлиникалари ва шифохоналарида конун талаблари бажарилаяптими, мактабгача булган болалар муассасалари- болалар боғчаси, ясли, интернат, болалар уйларида, мактаблар, лицейлар, коллежлар ва бошқа ўқув муассасаларида, болалар оромгоҳлари ва бошқа турли болалар муассасаларида вояга етмаганлар ҳақидаги конунлар ижроси қандай амалга оширилаяпти доимий назоратда туради. Болалар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг қаровсизлигига қарши кураш ишлари прокурорнинг мунтазам назоратидан бўлиши керак. Туман(шаҳар) прокурори ўз ваколати доирасига қирувчи ҳудудда қанча вояга етмаган шахс борлиги, уларнинг ўқиш ва иш билан бандлиги, ота-онасининг қаровида ёки бошқа шахсларнинг қармоғида қанча вояга етмаган шахс борлиги ҳақидаги маълумотларни аниқ билиши лозим.

### **Вояга етмаганлар туғрисидаги конунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари**

Прокурорлар вояга етмаганлар томонидан конун бузилиш ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш,

уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳукукбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалаларига юзаки ёндошиб, назоратни сусайтириб юбормасликлари лозим.

Вояга етмаганлар ҳуқуқий манфаатларига алоқадор ташкилот ва идоралар, ҳокимликлар ҳузуридаги комиссия ва ички ишлар идоралари таркибидаги нозирликлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳозирги кун талаблари даражасида мувофиқлаштирилиб борилишини ўз эътиборидан четда қолдирмаслиги керак.

Ёш авлоднинг соғлиғи, билим олиши, меҳнат қилиши ва яшаш жойларидаги тарбиявий ишлар устидан етарли назорат олиб борилиши лозим. Ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тугрисидаги қонунлар ижроси устидан, жумладан, ўсмирларни ҳарбий ва муқобил хизматга тайёрлаш борасидаги прокурорлик назорати эса талабга тулик жавоб берилишини таъминлаш лозим.

Вояга етмаганлар орасида оғир, ўта оғир ва айниқса гиёҳвандлик ҳамда ичкиликбозлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган кескин чоралар қўрилишида жойлардаги прокурорлар ўз назоратидаги ички ишлар органлари томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилмаслигини чорасини куришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқадиган вазифалар ушбу соҳада прокурор назоратининг асосий вазифасидир.

### **Вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш**

Вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олишда ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар муҳим роль ўйнайди. Бу комиссия ота-онасиз қолган ёки ота-онаси ўз ота-оналик мажбурият ҳамда бурчларини бажармаётган, уларни тарбиясига бефарқ бўлган ҳолдаги болаларни, вояга етмаганларни, шунингдек, ишга жойлаштиришга, ўқишга муҳтож ва имқонияти йўқ вояга етмаганларни шунингдек, ижтимоий ёрдамнинг бошқача қуранишларига муҳтож вояга етмаганларни қидириб топади ва уларни рўйхатга олади.

Рўйхатга олинган вояга етмаганларни тегишлича ишга жойлаштириш, уларни даволаш, тарбия, ўқув муассасаларига жойлаштириш ҳамда уларни ўзлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш учун мазкур комиссия масъулдир. Комиссия шунингдек, тарбиявий ва маъмурий чора

кўлланилган, ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жавобгарликка тортилган шахслар, вояга етмаганлар устидан назорат олиб боради.

Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари.

Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг қарорларини қонунийлиги прокуратура органлари томонидан назорат қилинади. Прокурор ўз ваколатлари доирасида вояга етмаган шахсга нисбатан ёки унинг ота-онасига нисбатан чиқарилган маъмурий ёки бошқа қораларни қўллаш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текширади.

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 1997 йил 28 майдаги "Вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Буйруғида (1.2 банди) шундай дейилади: "Ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва ички ишлар бўлимлари нозирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан доимий назорат таъминлансин, болалар ва ўсмирларга нисбатан маъмурий ва бошқа таъсир қоралари қўриш ҳамда профилактика рўйхатга олиш тугрисидаги қарорларнинг асослилиги, вояга етмаганларни ички ишлар идораларига олиб келиш ва ҳисобга олинишининг қонунийлиги ҳар қоракда бир марта текширилсин".

Прокурор назоратни амалга ошириш чоғида вояга етмаган шахсга ёки унинг ота-онасига солинган жариманинг қонунийлигини текширади. Бунда у ҳар қандай ғайриқонуний қабул қилинган жарима солиш тугрисидаги қарорни устидан протест келтиради.

Прокурор мазкур йўналишда назоратни амалга ошира бориб "Прокуратура тугрисида"ги қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланиши, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш мақсадида уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишни кўрсатиб тегишли орган, мансабдор шахсга такдимнома киритиши ёки бошқа прокурор таъсир ҳужжатларини қўллаши лозим.

**13-Мавзу. қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш.**

**Р Е Ж А :**

- 1. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштироки.**
- 2. Қонунларни тарғибот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.**
- 3. Ҳукукий тарғибот шакллари.**
- 4. Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаштириш.**
- 5. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашнинг мазмуни ва аҳамияти.**
- 6. Прокуратура органларида шикоятларни қуриш ва ҳал қилиш.**
- 7. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва (таклиф) муурожаатлари бўйича ишлашни ташкил қилиш.**
- 8. Фуқароларни қабул қилиш. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.**

**Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштироки.** Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунининг 4-моддасида белгиланган прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу - қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тугрисида”ги қонунининг 13-моддасида белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан муурожаат этиши мумкинлиги қайд этилган.

Прокуратура идоралари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Прокуратура тугрисида»ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларни аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Ушбу фаолиятни амалга ошириш борасида амалиётда қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қай даражада қонун талабларига жавоб бериши, қонунларнинг қайси жиҳатлари такомиллаштиришга муҳтож эканлиги, қонунларни тулик ва барқамол ижро этилиши учун ушбу қонунларга қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги ва яна мунособатларни ҳукукий тартибга солиш учун қандай қонунларни қабул қилинса мақсадга мувофиқлигини бевосита қўриб борадилар. Ушбу қонунга

Ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ҳамда янги конунлар қабул қилиниши заруриятини реализация қилиш учун эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг конунчилик ташаббусидан фойдаланишади. Бунинг учун улар ўзларидаги таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тегишли тартибда такдим этишади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори эса ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига конунчилик ташаббуси билан мурожаат қилади. Суд фаолияти билан боғлиқ бўлган конунларни куллаш амалиётига оид тушунмовчиликлар бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумига конунларга тушунча бериш учун мурожаат қилиши мумкин.

**Қонунларни тарғибот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.** Хукукий янгилаиш даврида прокуратура ўз вазифасини амалга ошириш, ўз вақтида фуқаро, жамоатчилик, меҳнат ва ўқув жамоалари орасида малкали хуқук тарғиботи ва тушунтириш ишлари олиб бормоғи керак. Чунки, республикамизда яшовчи ҳар бир фуқаромиз ўз давлатимиз конунларини нафакат билмоғи, балки уни мазмун ва моҳиятини тўла-тўқис англамоғи, ҳаётда фойдаланиш ва ундан ўзини ҳимоя қилишда фойдаланиши керак. Шунинг учун **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 2 апрель кунги 1- сонли буйруғи айнан шу масалага бағишланган бўлиб, «Прокуратура органларининг хуқук тарғиботи, конунларни тушунтириш ва ўз фаолиятига ошқоралик бериш юзасидан вазифалари ҳақида»** деб номланади. Ушбу буйруқда кўрсатилишича, хуқук тарғиботи ва конунларни тушунтиришда асосий диққат республика Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган конунлар, республика олий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари ташкил этилиши; прокуратура, суд тизими ва бошқа хуқукни ҳимоя этиш идораларига; иқтисодий ўзгаришлар, бозор мунособатлари, эркин нархга ўтиш ва мулкка; шахсининг ҳаёти, соғлиғи, озодлиғи ва шаъни, мулкий, сиёсий ва ижтимоий хуқуклари муҳофазасига қаратилган миллийлик ва эътиқодларга тегишли конунлар ижросига қаратилиши лозим.

Хукукий янгилаиш даврида прокуратура ўз вазифасини амалга ошириш, ўз вақтида фуқаро, жамоатчилик, меҳнат ва ўқув жамоалари орасида малакали хуқук тарғиботи ва тушунтириш ишлари олиб бормоғи, ўз фаолияти йўналишларида ошқораликни таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширмоғи лозим.

Хукукий давлат шаклланиши, сиёсий тузумдаги янгилаиш хўжаликни юритиш услубига янгича ёндошишлар фуқаро хукукий тарбияси тизимини

хам тубдан ўзгартириш, самара берадиган усулларни куллашни талаб килади. Республикамиз аҳолисига прокуратура ходимлари томонидан умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми булган ҳуқуқ маданиятини, дунёкарашига демократиянинг моҳиятини сингдириб боришлари зарурдир. Фуқароларимиз томонидан давлатимиз қонунларини нафақат билмокликлари, балки унинг мазмун ва моҳиятини чуқур англамокликларини таъминлаш лозим.

Прокурор назорати фаолиятида ошқоралиқни таъминлаш орқали жиноятчилик ва қонунсизликка қарши кураш учун аҳолини фаол жалб этишга эришиш кераклиги қайд этилган.

Ҳуқуқ тарғибот фаолияти жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши кураш чоралари тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу иш жиноятчилик ва қонунчиликнинг аҳоли, ҳудудлар, объектлар, жойлар ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниб, давлат, ҳуқуқни ҳимоя этиш идоралари, ижтимоий ташкилотлар, партия ва ҳаракатлари, ижодий уюшмалари билан ҳамкорликда, режали ва мақсадга тўғри йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши қайд этилган.

Матбуот имкониятларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилиши керак. Матбуот маркази ва гуруҳларининг фаолияти такомиллаштириб борилиши, оммавий ахборот воситаларида прокуратура фаолиятида юз бераётган жараёнлар ва долзарб муаммолар ёритиб борилишига эришиш керак.

Аҳоли, меҳнат ва ўқув жамоалари билан ўтказиладиган учрашув, суҳбат ва савол-жавоб соатларида қонунчилик ва жиноятчилик муаммоларидан ташқари, прокурор ва терговчилар фаолиятида учрайдиган қамчилик ва ҳатолар, уларни бартараф этиш хусусидаги тадбирлар ҳамда прокурор-тергов ходимлари меҳнатининг мураккаблиги, фозиллик ва эзгуликка, адолат тантанасига йўналтирилганлиги мавзуси қамраб олиб борилиши керак.

Ёшлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари мақсадга тўғри йўналтирилиб, уларда ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатларга нисбатан нафрат туйғуси уйғотиб борилиши керак. Ота-оналар, тарбиячилар, жамоатчилик фаоллари ёшларнинг яшаш, ўқиш ва ишлаш жойларидаги турли шаклланишлар орасига ҳамда фаолияти ёшлар тарбиясига қаратилган идора ва маҳкамаларга мунтазам ташриф буюриб, улар билан ҳамкорликда тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Жазо ўташ жойларига борилганда, унда сақланаётган шахслар билан учрашувлар ўтказиш лозим. Асосий эътибор жазо ўтаётган ва тарбияланаётганлар озод бўлгач, белгиланган ҳақ-ҳуқуқлари хусусида батафсил тушунтириб берилиши лозим.

Давлат идоралари, меҳнат жамоалари, мансабдор ва масъул шахслар билан суҳбат ва учрашувларда, жазо ўтаб кайтган шахсларни иш билан таъминлаш, улар ҳақида ғамхўрлик килиш, тарбияланиб жамоатчилик орасидан ўз ўрнини топиб кетиши хусусида конун талаблари ва турмуш тақозосини тушунтириб боришга эришиш керак.

Хукук тарғибот ва конунларни мужассамлаш булими, ушбу тармокнинг жойлардаги бўғинлари, конунларни тушунтириш ва хукук тарғиботи бўйича куйи прокуроратура органлари олиб бораётган ишларни мунтазам текшириб, таҳлил килиб, амалий ёрдам кўрсатиб бориши кайд этилган.

2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «конунчилик тарғиботи булими» мавжуд бўлиб, марказий маҳкамада 3 та ходим, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда 1 тадан ходим ушбу соҳадаги прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши билан бевосита шуғулланади.

**Хукукий тарғибот шакллари.** Прокуратура органлари томонидан хукукий тарғибот асосан матбуотда чиқиш, радио, телевидение, газета ва журналларда конунчилик тарғиботи билан шуғулланиш, бевосита меҳнат жамоалари, ўқув масканлари, олий ва ўрта махсус ҳамда ўрта таълим муассасаларига, корхона, муассаса ва ташкилотларга, фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, турли жамоа ташкилотларига, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг тизимларига, шунингдек, фукаролар йиғинларига бориб учрашувлар утказиш ва тегишли маърузаларни килиш йўли билан амалга оширилади. Республикада амал килаётган турли идораларнинг газеталари ва бевосита хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг матбуоти (конун ҳимоясида журнали, инсон ва конун газетаси) орқали хукук тарғиботини амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси хайъатининг **02.04.93 йилги қарори билан 17-сонли баёни билан қувватланиб, тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси конунларни мужассамлаш ва хукук тарғиботи булими ҳақида Низом»** мавжуд.

Ушбу Низомга кўра булимнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

конунчилик ва хукук тарғиботини мустаҳкамлаш, инсон ва фукаролар хукук ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокуратура органлари фаолиятида кенг қўламли ошқораликни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат бошқарувининг демократик принципларини мустаҳкамлаш, фукароларнинг жамият олдидаги масъулияти ҳамда мажбуриятларини

мавжуд ҳуқук ва эркинликлари билан мувофиқлигига тегишли қонунларни тарғиб қилиш ва тушунтириб бориш;

аҳоли ҳуқуқий онгини шакллантириш, уларни қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий меъёрлар бузилишлари, ҳолларига мурасасизлик руҳида тарбиялаш, ишлаб чиқаришда, жамоат жойларида, турмушда қонун устиворлигини таъминлаш учун курашга жалб этиш;

прокуратура органларининг давлат ҳокимияти, бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза этувчи, ўзини-ўзи бошқариш, назоратчи органлари ҳамда фуқароларнинг жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликдаги фаолиятини мустақамлаш ва такомиллаштириб бориш;

прокуратура органларида қонунларни тегишлича тартибга солиниб борилиши, уларнинг қонунчиликни ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

прокуратура органларининг ҳуқуқий тарғибот фаолиятини яхшилашга ҳар тарафлама таъсир қурсатиш, прокурор-тергов ходимларининг ҳуқуқ маданиятини юксалтириш, мансабдор шахслар ва фуқароларни ўз конституциявий бурч ва мажбуриятларини виждонан бажариш руҳида тарбиялаб бориш ҳисобланади.

Булим ўз ишини прокуратуранинг барча таркибий тармоқлари, жамоат ташкилотлари, ўқув ва илмий муассасалари билан мувофиқлаштирилган ҳолда, республика Адлия ва Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг шундай тармоқлари билан ҳамкорликда юритади.

Булим фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг муқобил ва жорий режалари ҳамда тадбирлари, ўз режа тадбирлари асосида, йўналиш-ҳудуд принципида олиб борилади.

## **14-Мавзу: Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.**

### **Р Е Ж А :**

- 1. Судларда ишларнинг кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар.**
- 2. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки.**
- 3. Судларда жиноят ишларини куришда прокурор ваколатлари.**
- 4. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари.**
- 5. Ишларни судда куриш босқичида прокурор ваколатлари.**
- 6. Биринчи инстанция судида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки.**
- 7. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда прокурор иштироки.**
- 8. Назорат тартибида иш юритишда прокурор иштироки.**

**Судларда ишларнинг кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар.**

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг асосий мақсади - иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, содир этилган жиноят учун жазони муқаррарлигини таъминлаш, айбсиз шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ва адолат ўрнатишдир. Бунинг учун ўз навбатида “Хуқук тартибот органларининг ўзлари қонунларга сўзсиз риоя қилишлари лозим”. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида иштирок этаётган прокурорнинг бутун фаолияти қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тугрисида»ги қонунинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлаш кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 33-моддасида «Судларда ишларни куришда прокурорнинг иштироки» белгиланган бўлиб, унга кўра, Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўриладиётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Прокурор судларда жиноят ишлари кўриладиётганда давлат айбловини қувватлайди. Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши

хусусида ўз фикрини билдиради. Ишлар судларда кўрилатганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тугрисида»ги қонунининг 9-моддасига асосан суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатлари қўллаш амалиёти тугрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилатганда прокурор иштирок этиши шарт қилиб белгиланган.

### **Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки.**

Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонуни (янги таҳрири), Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 май куни 21-сонли «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тугрисида»ги буйруғи билан амалга оширилади. Ушбу норматив ҳужжатлар мазмунида судларда иштирок этаётган прокурорларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш қарорлари сифатида иштирок этиши ҳамда ҳар қандай ҳолда қонунни устиворлигини, қонун олдида барчанинг баробарлиги, қонуннинг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилиш тамойиллари мустаҳкамлангандир.

Судда иштирок этадиган прокурордан юқори касбий малакадан ташқари, юқори ҳуқуқий онгни мавжудлиги, қонунни ҳурмат қилиш, ҳар қандай қонунбузилиш ҳолларига нисбатан муросасизлик, ўз ишончига нисбатан қатъиятлик ва бунинг учун қўриқилиш салоҳияти, ҳар қандай ғайриқонуний ташқи таъсирларга берилмаслик ва уларга қарши қўриқилиш олиш, ўзи ўзининг ҳаракатларига танқидий қарай олиш, ҳақиқатни аниқлаш учун бутун ақл-заковатини ишга сола олиш, судланувчига нисбатан бир томонлама мунособатда бўлмаслик, илгаридан судланувчини айбдорлигига ишониб қўлмаслик, инсонпарварлик, инсоннинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, меъёр ҳиссиёти, қамтарлик, ўзини бошқалардан юқори қўйишдан ҳоли бўлиш каби фазилатларга эга бўлиши керак.

Судларда жиноят ишларини кўрилишида давлат айблови субъектлари доираси Бош прокурорнинг буйруғи билан белгилаб берилган.

Аниқ бир жиноят иши бўйича давлат айбловчиси сифатида маълум бир прокурорни иштирок этишига йўл қўйиш мумкинлиги ва имконияти бунга фактик ва юримдик замин яратилган бўлсагина амалга оширилиши мумкин.

Фактик замин - авваламбор, прокурорнинг тергов ва суд муҳокамасидаги шарт-шароитларни, шунга тегишли қонунчилик талабларини, амалиётни ҳамда шу борадаги ўзига хос хусусиятларни яхши

билиши ва ўзлаштирганлиги, юкори касбий малакани эгаллаганлигида ифодаланади. Факат шундагина прокурор муҳокама килинаётган иш материалларини чуқур ўрганиши ва судга ҳақиқатни аниқлашида кўмаклашиши мумкин.

Прокурорни судда музокара килишининг фактик имкониятини муҳим элементи - бу судланувчини айбдорлиги ҳақида ички ишончни мавжудлигидир. Бунингсиз прокурор давлат айбловчиси сифатида талаб даражасида ўзига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажара олмайди.

Прокурорни судда иштирокининг юридик заминини ўз ўрнида умумий ва махсусга бўлиш мумкин. Умумий замини - прокурор ваколатини амалга оширувчи шахсларни тайинлаш тугрисидаги ҳукукий нормаларда (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тугрисидаги қонун, Кадрларни танлаш ва тайинлаш тугрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг кадрларни танлаш ва тайинлаш тугрисидаги буйруғи, Судлар тугрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси ЖПК) ўз аксини топади. Ушбу ҳукукий нормаларга риоя қилиш (Олий юридик маълумотни мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлиги, жисмонан соғломлиги) ҳақиқатда прокурорларни судларда жинойт ишларини кўрилишида давлат айбловчиси сифатида иштирок этишига имконият яратади.

**Махсус замини** - маълум бир прокурорни аниқ бир жинойт иши бўйича давлат айбловчиси сифатида иштирок этишига монъелик киладиган ҳолатларни - тўскинликни мавжуд эмаслигида ифодаланади. Тўскинликлар(монъелик киладиган ҳолатлар) турлича бўлиши мумкин, масалан, бевосита ёки билвосита ишнинг натижасидан прокурорни шахсий манфаатдорлиги ишни объектив қаришга халакит беради. Бу тўскинликларни бартараф қилиш учун эса қонунчиликда рад этиш (отвод бериш) институти амал қилади. Рад этилган прокурорни ишни қаришда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларини “Суд ҳукми” тугрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг суд ҳукми олдида қўйган (ЖПКнинг 455-моддаси ”ҳукм - қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт”) талабларини қўпол равишда бузилишига олиб келади. Бу эса, ўз-ўзидан жинойт иши бўйича чиқарилган ҳукмни юкори турувчи суд томонидан бекор қилинишига асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт процессуал кодексининг 409-моддасида суд муҳокамасида прокурорнинг иштирок этиш асослари белгилаб берилган. Унда кўрсатилишича, «Прокурор биринчи инстанция судларида жинойтларга доир ишларни қаришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади,

судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошка шахсларга саволлар беради. Жиноят кодексининг нормаларини куллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тугрисида ҳамда суд хал этиши лозим булган бошка масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради».

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август куни қабул қилиниб, 27 октябр куни матбуотда эълон қилиниб, қучга қирган ва ҳозирда амалда булган «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг (янги таҳрири) 33-моддасида судларда жиноят ишларини қўрилишида прокурор иштирок этиши шарт қилиб қўйилган. Унда қўрсатилишича, «Фуқаролар, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар қўрилатганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Прокурор судларда жиноят ишлари қўрилатганда давлат айбловини қувватлайди.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради.

Ишлар судларда қўрилатганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошка иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт».

Жиноят процессуал қонунчилиги ва «Прокуратура тугрисида»ги қонун талабларидан қелиб чиқиб, **судларда жиноят ишларини қўрилишида прокурорлар қуйидаги ваколатларга эгадирлар:**

1. Суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида жиноят ишлари бўйича суд томонидан қабул қилинган қарорларни қонунийлигини қўриб қикади;

2. Судда жиноят ишини қўрилишида қатнашар экан, давлат айбловчиси сифатида иштирок этади;

3. Суд муҳокамаси мобайнида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз ҳулосасини беради;

4. Давлат ва қамият манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш

талаб килинган ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат килади ва уларни судда қувватлайди;

5. /айриконуний ва асоссиз суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан протест киритади;

6. Протестлар ва шикоятлар асосида апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида ҳулосалар беради;

7. Судларни ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини ўз вақтида ва қонуний равишда ижро этилишини текширади;

8. Судларни ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини ўз вақтида ва қонуний равишда ижро этилишини назорат килади;

9. Зарур ҳолларда, суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қонун билан белгиланган тартибда назорат тартибида қайта кўриб чиқилиши учун ҳамда янги очилган ҳолатларда жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини тиклаш учун қарорларни қўради.

Жиноят ишларини барча инстанцияларда судлар томонидан кўрилиши мобайнида йўл қўйилган ҳатоларни прокурорлар томонидан турли услублар билан аниқланиши мумкин:

1. Прокурор иштирокисиз кўрилган жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларни қонунийлиги ва асосланганлигини қонун билан белгиланган 10 кунлик апелляция муддатида кўриб, текшириб чиқиш;

2. Прокурорлар томонидан апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида иштирок этиш;

3. Ҳукмларни ижрога қаратилишини қонунийлигини ва ижрога қаратиш муддатига қандай амал қилинаётганлигини текшириш ҳамда ҳукмларни ижро этишда иштирок этишнинг умумий тартиб ва қоидалари бўйича қонун талабларини бажарилаётганлигини текшириш;

4. Жиноят ишлари юзасидан ёҳуд алоҳида бир тоифа жиноят ишлари юзасидан маълум бир вақт оралиғи бўйича суд амалиётини умумлаштириш.

Судларда жиноят ишларини кўрилишида йўл қўйилган ҳатоларни бартараф қилишга ёрдам берадиган ҳуқуқий норматив актларга қуйидагилар қиради:

- Ариза;
- Илтимоснома;
- Ҳулоса;
- Прокурорнинг протести;
- Прокурорнинг тақдимномаси.

**Апелляция, кассация ёки назорат тартибида иш юртишда прокурор ваколатлари.**

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин. Ишни юкори инстанция суди томонидан қуриш апелляция, кассация ва назорат тартибида берилган шикоят ва билдирилган протестлар асосида амалга оширилади: **Апелляция тартибида:**

1. Суднинг қонуний қучга қирмаган ҳукми устидан **апелляция тартибида шикоят беришга** - маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили ҳақлидир.

2. Суднинг қонуний қучга қирмаган ҳукми устидан **апелляция тартибида протест билдиришга** – прокурор ва унинг уринбосари ҳақлидир.

3. Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

4. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ва протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқига юкори турувчи прокурор ҳам эга.

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Тарафлар (прокурор ҳам) шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир.

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларига кўра ўтказиб юборилган бўлса, суд томонидан бу муддат тикланиши мумкин.

Апелляция тартибида протест билдирилган ёки апелляция тартибида шикоят билдирилган жиноят ишлари улар юзасидан билдирилган эътирозлар ва тақдим этилган қўшимча материаллар билан ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборилиши лозим.

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан юкорида кўрсатилган вақолатли шахслар томонидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда **хусусий шикоят ва хусусий протест** билдирилиши мумкин.

**Апелляция тартибида иш юритиш** биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-бобида

кўрсатилган тартиб ва коидалар бўйича амалга оширилади. Апелляция тартибида ишни куришда прокурорнинг иштироки шарт ҳисобланади.

Апелляция тартибида иш юритишда раислик қилувчи апелляция шикоятни берган шахсга, апелляция шикоятни ва протести қимга нисбатан берилган бўлса, ўша шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Агар берилган апелляция шикоятлари орасида прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Прокурор апелляция протестининг мазмунини ва мақсадини батафсил суд хайъатига тушунтириб бериши лозим. Протест қиритилиш асослари, нима сабабдан прокурор суднинг чиқарган қарорини ғайриқонуний, асосланмаган ёки адолатсиз деб ҳисоблаётганлигини қонун талаблари асосида тушунтириб бериши керак. Суд томонидан айнан қайси қонун нормалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қайси қарорининг қайси талабларини эътиборга олинмаганлиги ёхуд бу қонуний талабларни қай тарзда бузилганлигини баён қилиб бериши лозим.

Суд муҳокамаси ўтказилиб, суд тергови ўтказиладиган бўлса, суд муҳокамаси мобайнидаги қонун билан белгиланган ваколатларидан тулик фойдаланади. Прокурор суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этаётган бошқа шахслар қабил янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб қуриш учун рад этилган ашёлар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тугрисида илтимос қилишга ҳақлидир.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш ҳақида илтимослари бор-йўқлигини суриштиради, суд бу илтимосларни ҳал этади ва суд музокараларига ўтади. Суд музокараси биринчи инстанция судидаги суд музокараси талаблари асосида амалга оширилади ва шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Суд музокаралари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у иштирок этаётган бўлса, охириги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага қиради.

Апелляция инстанцияси суди ишни қуриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ажрим судьяларнинг қўпчилиқ овози билан қабул қилинади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Хусусий шикоят ёки хусусий протест апелляция шикоятлари ва протестлари билан бир вақтда қўриб чиқилади. Хусусий шикоят ёки протест бўйича суд ўша ернинг ўзида ёки маслаҳатхонада ажрим чиқаради. Хусусий шикоят ёки протест бўйича чиқарилган суд ажрими қатъий ҳисобланади.

### **Кассация тартибида:**

1. Суднинг қонуний қучга қирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса **кассация тартибида шикоят беришга** - маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили ҳақлидир.

2. Суднинг қонуний қучга қирган ҳукми, ажрими (қарори) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, **кассация тартибида протест билдириш:**

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний қучга қирган ҳукмлари устидан - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний қучга қирган ҳукмлари устидан - шу судларнинг судлов хайъатларига;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний қучга қирган ҳукмлари устидан - шу суднинг судлов хайъатига;

4) Округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний қучга қирган ҳукмлари устидан - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний қучга қирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг судлов хайъатига кассация тартибида шикоят ва протест билдирилиши мумкин.

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси - барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари(қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг уринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг уринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан:

б) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан кассация тартибида протест киритишлари мумкин.

Суднинг қонуний қучга қирган ҳукми, ажрими (қарори) устидан, агар иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилган бўлмаса, **назорат тартибида протест билдиришга**

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси - барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари(карорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг уринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг уринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми карорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (карорлари) устидан:

б) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан:

в) ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов хайъатларининг ажримлари устидан;

г) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори - округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 480-моддаси «Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурор иштироқи» деб номланиб унда кўрсатилишича, жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор катнашади.

## **15-Мавзу: Судларда фукаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.**

### **Р Е Ж А :**

- 1. Судларда фукаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш.**
- 2. Фукаролик аризалари ва даъвоси билан судга ариза қилиш асоси.**
- 3. Судларда фукаролик ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати.**
- 4. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш.**
- 5. Хўжалик судларида ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати.**
- 6. Судлардан ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш.**
- 7. Суд қарорларига протест қелтириш.**
- 8. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш ва чақириб олиш тартиби.**

Прокурор ёки унинг уринбосари давлат бошқарув органлари ёки мансабдор шахслари томонидан, қонунда кўрсатилган ваколати доирасида бўлса, улар томонидан қабул қилинган актни ғайриҳуқуқий деб топиш тугрисида умумий юрисдикциядаги судга ёки хўжалик судига мурожаат этиш ваколатига эга. Суд прокуратуранинг дастлабки терговда жиноятни очишдаги қўллаган процессуал чораларини қонунийлигини назорат қилса, прокуратура бўлса суд қарорларининг қонунийлигини уларга нисбатан юқори турувчи судга протест қелтириш йўли билан назорат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан прокуратуранинг ўзаро муносабати "Прокуратура тугрисида"ги қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган. Бунга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар қиритиши ва қўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин.

Умумий юрисдикцияли ва хўжалик судларида прокурорнинг роли бир томондан у суд муҳокамасининг субъекти бўлиб қуринса, бошқа бир томондан суд қарорларига нисбатан бир қанча назорат функцияларини амалга оширувчи бўлиб намоён бўлади.

Жиноят ишларининг суд муҳокамасида прокурорнинг роли муҳимроқдир. У ўзига берилган процессуал ҳуқуқ, давлат айбловини қўллаб-қуватлашни амалга оширади. Фуқаролик ишларида ФПКнинг 46-моддаси ва "Прокуратура тугрисида"ги қонуннинг 26-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Давлат прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди. ФПКга мувофиқ фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тугрисидаги ишларда прокурорнинг қатнашиши шарт.

Суд томонидан ғайриқонуний ва асоссиз қарорлар чиқарилганда прокуратура органлари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқини тиклашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилиги прокуратурага судларда ишларни қўришда қатта ваколатлар берган. Прокурор ўз ваколатлари доирасида қонуний ва асоссиз қарори (ҳуқм, ажрим, ҳал қилув қарори) устидан юқори турувчи судга апелляция ёки қассация тартибида протест қўлтириши мумкин. Бундан ташқари, прокурор ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳуқми, ҳал қилувчи қарори, ажрими ва қарори қонуний қўчга қирган ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Агар бу актларнинг ғайриқонуний ва асоссизлигини прокурор аниқласа, назорат тартибида протест қўлтиради ёки протест қўлтириш ваколати доирасидан четга чиқиб қўладиган ҳолларда у протест қўлтириш тугрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокуратурага мурожаат этади.

### **Фуқаролик процессида прокурор ваколати**

Фуқаролик процессида прокурорнинг ваколатлари ифодасини топган ҳуқуқий нормалар қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётда қонун устиворлигини таъминлашга қаратилган.

Фуқаролик процессида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши бўйича прокурор ваколатини амалга ошириш вазифаси прокуратура идоралари тизимида қўйи қоғонадаги прокурорларнинг юқори қоғонадаги прокурорларга бўйсиниш тартибининг ўрнатилиши билан, давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқарув идоралари, мансабдор шахслардан мустақил равишда ташкил қилиниши билан таъминланади.

“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, - дейилади республика Конституциясининг 120-моддасида, - ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсиниб амалга оширадilar.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.”

Прокурор фукаролик процессида ўз ваколатларини фақат қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунга асосан чиқарилган кўргазма ва буйруқларига асосланиб амалга оширади.

Демак, фукаролик процессида прокурор ваколатининг асосий вазифалари қонунчиликни мустаҳкамлаш, фукаролар, жамоат бирлашмалари ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, одил судловни амалга ошириш, суд ишини юритишни такомиллаштириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди.

Фукароларнинг, давлат жамоат ташкилотларининг фукаролик процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан прокурор уларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу сабабдан ҳам прокурорнинг фукаролик процессида ўз ваколатини амалга ошириши қонун устиворлигини таъминлашни қафолатлайди.

Прокурор фукаролик процессининг барча босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш ва ҳар қандай қонунбузарликларни бартараф қилиш учун масъулдир.

Прокурор фукаролик процессида йўл кўйилган ғайриқонуний ҳаракатлар ва ҳаракатсизликларни, у қим томонидан содир қилинмасин, мулк шаклидан қатъи назар, шунингдек, суд томонидан қабул қилинган қарор ва ажримларнинг қонунга тўғри келмаган қисмларини ўз вақтида аниқлаб, ўз ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган прокурор таъсир чораларини қўллаш йўли билан уларни тузатиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини қўриши шарт.

“Прокуратура тугрисида”ги қонуннинг 5-булимида прокурорнинг судларда ишларни қўришда прокурорларнинг ваколатлари белгилаб кўйилган бўлиб уларни қўйидагича тавсифлашимиз мумкин:

1) Судларда ишларни қўришда прокурорнинг иштироки (“Прокуратура тугрисида”ги қонуннинг 33-моддаси)

2) Суд қарорларига нисбатан протест қўлтириш (“Прокуратура тугрисида”ги қонуннинг 35-моддаси)

3) Суд қарорларини текшириш учун ишларни судлардан талаб килиб олиш ва чақириб олиш (“Прокуратура тугрисида”ги қонуннинг 34-моддаси)

4) Фуқаролик ишларига доир суднинг қарорларига нисбатан келтирилган протестларни ўзгартириш, тўлдириш чақириб олиш (“Прокуратура тугрисида”ги қонуннинг 36-моддаси)

5) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини куллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади. (“Прокуратура тугрисида”ги қонуннинг 13-моддаси).

“Прокуратура тугрисида”ги қонунда назарда тутилган фуқаролик процессидаги прокурор ваколати прокурорнинг хизмат вазифаси ва суд юритишнинг босқичига қараб белгиланади. Судларда фуқаролик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик процессида прокурорларнинг ваколат доираси, асосан Ўзбекистон Республикаси ФПК 46-47-моддаларида назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 46-моддасида процессда прокурорнинг иштироки масаласи ёритилган бўлиб унга кўра “Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожат қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни қуришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда фуқаролик ишларини қуришда, шунингдек, прокурорнинг аризаси билан кўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт”.

ФПКсининг 47-моддасида прокурорнинг фуқаролик процессидаги ваколатлари бўйича процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзининг ифодасини топган. Прокурор Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасида назарда тутилган ишда иштирок этувчи тарафларнинг бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги кўрсатилган. Бунга кўра ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тугрисида арз қилиш, далилларни тақдим қилиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим қилиш, судга оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш, ишни суда қуриш давомида туғиладиган ҳамма

масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш, у чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш каби ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Булардан ташқари, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек, ишни қуриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эга.

Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларинининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.

Прокурорнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган ўз аризасидан воз кечиши, бу шахсни судда ФПКнинг 104-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

## **16-Мавзу: Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.**

### **Р Е Ж А :**

- 1. Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.**
- 2. Протест.**
- 3. қарор.**
- 4. Такдимнома.**
- 5. Ариза.**
- 6. Огоҳлантирув.**

**Қонун бузилишининг даражаси(характери)га қараб, прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қилади. Протест, қарор, такдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир.**

қонунийликка риоя этиш устидан прокурорнинг таъсир курсатиш ҳужжатлари сифатида қўлланадиган протест, қарор, такдимнома, ариза ва огоҳлантирувлар маълум талабларга жавоб бериши керак:

1. Улар қонун бузилишига оид долзарб, муҳим ва аҳамиятли ҳолатларга қаратилган бўлиши лозим, бундай ҳолат аниқланганда прокурорнинг процессуал аралашиши зарурияти ва тегишли қарор зарурияти ва тегишли қарор қабул қилинишини тақозо этади.

2. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд хулоса ва тақлифлар асосланган ва қонуний бўлиши керак. Улар аниқ фактларга асосланган бўлиши керак.

Прокурор раҳбарнинг ўзи қонунни бузган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин булган маъмурий ва интизомий чораларни олдиндан қўлламаслиги ва буни раҳбарга қўйиб бериши керак.

4. Прокурорлик назорати ҳужжатларни чиқаришда амалиётда қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга оид тузилиши, шакл ва реквизитларга ҳамда энг асосийси, ҳужжатнинг мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим.

5. Ниҳоят, ҳуқуқий ҳужжат юридик ва услубий жиҳатдан хат-саводлилик билан ёзилиши керак.

қонунга зид булган ҳужжатга нисбатан **п р о т е с т** ни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай қўриб чиқилиши шарт. қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни

кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тугрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тугрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тугрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест қилтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб қўяди.

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тугрисидаги иш қузгатиш ҳақида **қ а р о р** чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Ҳар бир чиқариладиган қарор тегишли (жиноят процессуал, маъмурий, меҳнат ёки шу қаби) қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Агар сўз жиноят ишини қузгатиш борасида борса бу ерда Жиноят процессуал кодекс талабларига риоя этиш керак. қарорда бунда унинг чиқарилган шахснинг исми-шарифи ва мансаби ҳамда унвони, ишни қузгатиш учун сабаб ва асослар жиноят кодексининг моддаси ва жиноят ишининг кейинги йўналиши кўрсатилиши керак.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тугрисидаги ишни қузгатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори қелиб тушган қундан бошлаб ўн беш қун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонун бузилиш ҳоллари унинг қелиб чиқиш сабаблари ва бунга имқоният яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонун бузилиш ҳолларини бартараф этиш ваколатига эга булган орган ёки мансабдор шахс номига **т а қ д и м н о м а** қиритади.

Тақдимнома қоида бўйича қонун билан белгиланган тартибда прокурор ва унинг уринбосари томонидан имзоланиб, қонун бузилишини бартараф этувчи ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини қўрувчи давлат органларига ва мансабдор шахсларига ёҳуд уларнинг юқори турувчи органларига юборилади. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ҳудди шу текширилган қорхона, муассаса ва ташкилотнинг тармок идоралари бўйича

хам аникланиши мумкин булган таркалганлик хусусиятига эга булганда ёки прокурор такдимномаси рад этилганда ёхуд такдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, такдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Такдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тугрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Такдимномада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий ёки моддий жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор талаблари баён этилиши мумкин. Бунинг учун жавобгарликнинг ушбу турларини қузгатиш ҳақидаги махсус қарор чиқарилиши шарт эмас.

Такдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқилган ҳолларда мажлис қуни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Такдимномани тайёрлашда нафақат унинг чиқарилиши учун аниқ сабаблардан, балки ушбу такдимнома юбориланган қорхона, муассаса ёки ташкилотдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолати ҳақидаги ҳулосалардан фойдаланиш керак.

Прокурор ўз такдимномасида йўл қўйилган қонун бузилишлари уларга имқоният яратган сабаб ва шароитлардан ташқари ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олувчи шароитларни яратишга имқон берадиган чора-тадбирлар ҳақида кўрсатиб ўтса мақсадга мувофиқдир.

Такдимнома қоида бўйича қонун бузилишини бартараф этувчи ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрувчи давлат органларига ва мансабдор шахсларига юборилади. қонун бузилиши таркалганлик хусусиятига эга булганда ёки прокурор такдимномаси рад этилганда ёхуд такдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, такдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Такдимнома ўз шаклига кўра маълум талабларга жавоб бериши керак. Такдимномада қуйидаги элементлар мавжуд бўлади:

Такдимнома киритиш учун асос булган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш жиноятни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к.); бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ва шароитлар тавсифи; қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлари; қонун бузилишига йўл қўйган аниқ мансабдор шахсларни қурсатиш; уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги

прокурор таклифлари; такдимномани дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тугрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб; прокурорнинг лавозими ва даражали унвони, такдимномани киритиш санаси, такдимнома муаллифи имзоси.

Умуман, такдимнома нафакат қонун бузилиши ҳолларини бартараф қилишга хизмат қилмасдан, балки қонун бузилишини олдини олишда аҳамияти юқоридир.

Такдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тугрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Такдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқилган ҳолларда мажлис қуни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

**Прокурор назорати ҳужжати сифатида а р и з а.** Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши, қонун бузилиши ҳоллари ва суд тартибда бартараф этилиши лозим бўлган ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасидир.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни қуришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

**Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:**

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) прокурорнинг лавозими ва фамилияси, номи, шарифи ҳамда ариза қилувчининг манфаатини кўзлаб берилганлиги, ўша шахснинг номи (фамилияси, номи ва отасининг исми) ва манзили (даъвогар);
- 3) жавобгарнинг номи ва манзили;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, унинг баҳоси;

б) даъво талабларига асос булган ҳолатлар ва даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;

7) аризага илова килинган ҳужжатлар рўйхати.

Албатта, ишнинг хусусиятига қараб, аризада кўрсатиладиган маълумотлар ва унинг шакли фарқланиши мумкин. Аммо бу прокурор аризасининг мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахслар, қолаверса, давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятига ҳеч қандай таъсир этмайди. У прокурор таъсир ҳужжатларидан бири сифатида самарали восита бўлиб қолаверади.

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг аризаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўриб чиқилади.

Прокурорнинг аризасидан давлат божи олинмайди.

**О г о ҳ л а н т и р у в** муҳим прокурор назорати ҳужжати ҳисобланади. Прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин булган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд булганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тугрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек огоҳлантирувчи эълон қилинган шахснинг иши, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

Огоҳлантирув йўлланган шахс ҳужжатдан норози бўлса, юқори туручи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Огоҳлантирувда кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда, айбдор шахс интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Огоҳлантирилган шахс огоҳлантирув билан таништирилиши ва буни ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

## **17-Мавзу: Прокуратура органлари ходимлари.**

### **Р Е Ж А :**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устиворлигида” маърузасида кўйилган вазифаларни бажариш мақсадида, ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, фан ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари.**

**2. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар.**

**3. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари.**

**4. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат.**

**5. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги.**

**6. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2-чакирик 6-сессиясида «Адолат-қонун устиворлигида» деб номланувчи маърузасида прокуратура идоралари хусусида «Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳатларни ўтказишида, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал этувчи урин тутади» деб берган таърифлари бу идоранинг тутган ўрнини, салоҳиятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил иккинчи чакирик олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Адолат-қонун устиворлигида» деб номланган ўз маърузасида «..прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур»..., «Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари қамситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир», деб алоҳида уқтирган эди. Прокурорлар халқни назорат қилишлари эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилишлари ва ўз фаолият йўналишларини айнан шунга қаратишлари лозим. Авваломбор, дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, прокуратура органининг дастлабки ташкил қилинишини ўзи айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

химоя килиш учун тузулган эди. Лотинчада prokuro - деган сўз, “ғамхўрлик киламан”, “таъминлайман“, “химоя киламан“ деган мазмунни билдиради. Ҳозирги, юртбошимиз кўяётган талаблар ҳам айнан шундан иборатдир. Прокуратура идоралари, авваломбор, конунларларни аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз фаолият йўналишларида асосий мазмунни айнан фукароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, фукароларимиздан ташкил топган давлатимиз манфаатларини ҳимоя килишга қаратишлари лозимлиги талаб килинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган иккинчи чакирик олтинчи сессиясида Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузасида «Демократик жамиятда алоҳида фукаролар эмас, балки уларнинг конуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади, деб 2002 йилнинг 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча қучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча қўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг қуч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама қучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ» деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил иккинчи чакирик олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Адолат-конун устиворлигида» деб номланган ўз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар:

“конун устиворлигини таъминлаш, шахс, оила, жаият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини қучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фукароларнинг конунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш- бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фукаролик жамияти қуришнинг нафакат максоди, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади”

Прокуратура органларининг аттестациядан ўтказилмайдиган моддий-техника таъминоти, молия, ишлар бошқармаси ходимлари ва бошқалар меҳнатда ўзини алоҳида яхши томонидан кўрсатганликлари учун даражали унвон олиш учун тақдим қилинишлари мумкин. Прокуратура органларига бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва бошқа ташкилотлардан

ишга келганларга уларнинг тайинланган лавозимларини, билимлари ва иш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда даражали унвонлар берилади.

Даражали унвонлар берилган прокуратура ходимлари шу унвонларида умрбод қоладилар. Даражали унвондан маҳрум қилиш прокуратура органларидан номига доғ тушурувчи ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга нисбатан қўлланиши мумкин. Прокуратура органлари ходими томонидан ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги ёҳуд ўзини ноҳўйик даражада тутганлиги учун даражали унвони пасайтирилиши мумкин.

Прокуратура органлари ва муассасаларидан хизматдан бўшатилаётган ходим даражали унвонидан ёки ҳарбий унвонидан маҳрум қилиниши мумкин. Прокуратура органлари ходими томонидан ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги ёҳуд ўзини ноҳўйик даражада тутганлиги учун даражали унвони пасайтирилиши мумкин.

Прокуратура органлари ва муассасалари ходимларини олий даражали унвонидан ёки олий даражали ҳарбий унвонидан маҳрум қилиш, шунингдек, олий даражали унвони ва олий даражали ҳарбий унвонидан пастга тушириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлардан маҳрум қилиш ва пастга тушириш мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазири томонидан амалга оширилади.

Прокуратура органлари ва муассасаларининг даражали унвонларга эга бўлган ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтларида ўрнатилган тартибдаги фарклантирувчи белгили форма кийим бошини кийиб юрадилар. Нафақага чиққан олий даражадаги унвон ёки олий даражадаги ҳарбий унвонга, шунингдек, адлия катта маслаҳатчиси ёки юстиция полковниги даражали унвонига эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига ўрнатилган тартибдаги фарклантирувчи белгили форма кийим бошини кийиб юриш ҳукуки қолдирилади.

Прокуратура органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳукукига эга.

### **Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат.**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, транспорт, ҳарбий, маҳсус ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратураларда иш юритиш ягона асосда маҳсус йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий

унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдикланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тугрисидаги низомда белгилаб кўйилади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан хал этилади.

конунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш прокуратуранинг ҳар бир ходимидан эътиқод, масъулият, ваколатлилик, конунбузарликларга муросасизлик, янгиликни сезиш ва ташкилотчилик қобилиятларини ўзида мужассамлашни талаб этади.

Ақсарият прокурор ва терговчилар конунчилиқни мустаҳкамлаш, конун бузилишининг олдини олиш ишларини тадбиркорлик билан амалга ошириб намуна бўлмоқдалар. Кўпчилик ходимлар фидокорона меҳнатлари, кўрсатган ташаббус ва маҳоратлари учун фахрий унвон ва мукофотларга сазовор бўлдилар

Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги.

Прокурорларнинг ва терговчиларнинг мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб, ушбу ходимлар фаолиятининг дахлсизлиги ҳисобланади. Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши кузгатиш ва дастлабки тергов утказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши кузгатиш ва дастлабки тергов утказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ножўя хатти-ҳаракати учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан хал этилади.

**Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш.**

Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган ҳақлардан иборат бўлади. Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга булган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат қийими билан таъминланади. Прокуратура органлари ходимларига муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга булган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан

ортик иш стажига эга булганларга эса ўн календарь кун кўшимча таътил берилади.

Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича конун билан тегишли чоралар белгиланган. Прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурталанади. Прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатиlgанидан кейин халок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши мунособати билан олган тан жароҳатлари ва соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 194-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда тўлаб борилади.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши мунособати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида- унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш қарраси миқдоридан тўланади. Прокуратура органлари ходимига у ўз хизмат вазифаларини бажариши мунособати билан касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятини доимий йўқотишга олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида - унинг ойлик иш ҳақи беш қарраси миқдоридан тўланади. Прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 14.06.95 йилдаги буйруғи “Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларида ёш мутахасисларни ишни ташкил қилиши ҳақида” йўриқномасида бир қатор курсатмалар белгиланган бўлиб, унда кўрсатилган талаблар қуйидагилардир:

1. Олий юридик ўқув юртларининг кундузги булимларини битирган ёш мутахасисларни тўғри танлаб, прокуратура идораларига ишга қабул қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда прокурор-терговчи лавозимларида мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш прокуратура идораларини етук, маънавий юксак, ўз ишини биладиган ва нуқтаи назарида тура оладиган, касбига садоқатли, халол, виждонли ходимлар билан таъминланишида қатта аҳамиятга эга.

Прокуратура раҳбарлари ҳар бир ёш мутахасисга доимо ғамхўрлик кўрсатиб, уларни прокуратуранинг энг яхши анъаналарига содик,

республикамизда инсонпарвар демократик ҳукукий давлат барпо этиш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларнинг устиворлигини таъминлаш принципларини амалга оширишда ўқув юртларида олган назарий билимларини амалиётда тўғри тadbик қилишларига, касб сирларини тезроқ эгаллашларига ҳар томонлама ёрдамлашиб, уларда масъулият, ваколатлилик, қонунбузарларга мурасасизлик, янгиликни сезиш ва ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришга асосий эътиборларини қаратишлари лозим.

Прокуратура идоралари тизимидаги мавжуд иш ўрганувчи, шунингдек, шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бўш турган прокурор ёрдамчиси ёки терговчи лавозимларига иш ўрганувчи сифатида ишга қабул қилинган барча ходимлар 3 йилгача ёш мутахассис ҳисобланадилар.

### **Прокуратура идораларига мутахассисларни тайёрлаш, ишга қабул қилиш ва тарбиялаш.**

2. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар бошқармаси марказий маҳкаманинг бошқа бўлим ва бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда ҳар йили ҳарбий хизматни ўтаб келган ва ишлаётган, ўрта мактабни ва коллежларни битирган ҳамда прокуратура идораларида ишлашга иштиёқи булган шахслар орасидан прокуратура идораларининг келгуси 5 йилда мутахассисларга бўладиган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда танлаб, олий юридик ўқув юртларига ўқишга кириш учун юборади.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси раҳбарияти томонидан масъул этиб тайинланган кадрлар бошқармасининг ходими олий ўқув юртига ўқишга кириш қоидаларига амал қилган ҳолда қабул комиссияси фаолиятида иштирок этади, ўқув юрти раҳбарияти билан ҳамкорликда прокурорлик бўлимига қабул қилинган талабаларнинг шахсини, билим даражасини ўрганиб боради, шу мақсадда ўқув машғулотларида иштирок этиб, фанларни ўзлаштиришларини кузатади, талабаларнинг прокуратура идораларида иш ўрганиш амалиётини режалаштиришда иштирок этади ва жойлардаги прокуратура идоралари томонидан иш ўрганиш амалиётини ташкил этилишини назорат қилади.

4. Ўқув юртлари билан тузилган шартнома асосида бу бўлим талабаларига ўқув машғулотлари утказиш учун малакали прокурор-тергов ходимлари жалб қилинади.

5. Талабалар иш ўрганиш амалиётини Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида тузилган йўриқнома

асосида шахар, туман ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ўтказадилар.

Прокуратура раҳбарияти талабаларга олий ўқув юртларида олган назарий билимларини амалиётга тўғри тадбик этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб беради, иш ўрганиш амалиётини йўриқнома асосида ташкил этилишини таъминлайди, уларга тажрибали раҳбар ходимлардан мураббийлар тайинлайдилар, шу билан бирга талабаларнинг шахсий ҳислат, ишчанлик қобилиятлари, танлаган касбларига муносабатларини ўрганиб, бу ҳақда иш ўрганиш амалиёти тугагандан кейин 5 кун ичида тавсиянома тузиб, уни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шахар, Ўзбекистон транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича (катта) ёрдамчилари орқали республика прокуратураси кадрлар бошқармасига юборади.

6. Прокурорларнинг кадрлар бўйича (катта) ёрдамчилари ҳар йили иш ўрганиш амалиётини умумлаштириб, уни аттестация комиссияси ёки прокуратура раҳбарияти ҳузуридаги тезкор йиғилиш муҳокамасига киритади.

7. Охириги ўқув йилининг бошида республика прокуратураси кадрлар бошқармаси томонидан талабаларнинг шахсий ҳислат, назарий билим, ишчанлик қобилиятлари ва прокуратура идораларида ишлашга булган кизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда прокуратура идораларига ишга қабул қилиш учун танлаб олинади.

8. Бу талабалар республика прокуратураси кадрлар бошқармаси томонидан бериладиган йўлланмага асосан тегишли тиббий муассасадан кўриқдан ўтказилади.

9. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган, тиббий муассаса томонидан прокуратура идораларида ишлашга нолойик деб топилган, муқаддам судланган ёки жиноий жавобгарликка тортилган ҳамда бошқача тарзда шаънига доғ тушганлиги ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд булган ёхуд амалдаги қонунларда кўрсатилган яқин қариндошлари оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланган талабалар прокуратура идораларига ишга қабул қилинмайди.

10. Олий юридик ўқув юртини битирувчилари «Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахасисларни алоҳида тақсимлаш» Низомида кўрсатилган тартибда ишга юборилади.

11. Республика прокуратураси кадрлар бошқармасининг масъул ходими битирувчиларни ишга тақсимлаш комиссияси фаолиятида иштирок этади, талабаларнинг шахсий ҳислат, назарий билим ва бошқа хусусиятларини белгиловчи ҳужжатлар билан танишиб, улар билан

суҳбатлашади, битирувчини прокуратура идораларига ишга қабул қилиш мумкин деган фикрга келса, бу ҳақидаги хулоса билан тегишли ҳужжатларни республика прокуратураси раҳбариятига тақдим этади.

12. Прокуратура идораларида ишлаш учун танлаб олинган талабалар ҳақида қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт:

- ўз кўли билан тўлдирилган сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 6x4, 3x4 ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- олий ўқув юрти раҳбарияти томонидан берилган тавсиянома;
- ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган жойдаги шаҳар, туман ва уларга тенглиштирилган прокурорларнинг тавсифномаси;
- соғлиғи тугрисида тиббий хулоса;
- кадрлар бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш ҳақидаги хулоса.

13. Республика прокуратураси раҳбарияти битирувчиларга оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, улар орасидан прокуратура идораларига ишга қабул қилинувчиларни танлаб, уларни прокуратура идораларига ишга тақсимлаш ҳақида комиссияга тақдимнома киритади.

14. Прокуратура идораларига ишга тақсимланган битирувчилар бу ҳақдаги гувоҳнома (йўлланма) ва диплом билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар бошқармасига юборилади.

## **18-Мавзу. МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.**

### **Р Е Ж А :**

- 1. МДХ мамлакатларида (Россия, қозоғистон в. б.) прокуратура органларининг фаолияти.**
- 2. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алокалари.**
- 4. Халқаро ҳамкорлик.**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари (собик СССР таркибига кирган)да прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиши, тарихий тенденциялари бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларни ягона марказлашган прокуратура идорасига тегишли булганлиги туфайли, конунларнинг тузилиши, прокуратура идорасининг давлат органлари ўртасида тутган ўрни ва аҳамияти бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради, масалан: Россия Федерацияси Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Россия Федерацияси «Прокуратура тугрисида»ги қонунининг 3-моддаси белгиланган бўлиб, авваламбор, Россия Федерацияси Конституцияси, Прокуратура тугрисидаги Федерал қонуни, бошқа федерал қонунлар ва халқаро шартномалардан иборат. Россия Федерациясининг 129-моддасида кўрсатилишича, Россия Федерацияси прокуратураси қуйидан юқорига бўйсунит тартибда Россия Федерацияси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлашган тизимидан ташкил топган. Россия Федерацияси Бош прокурори Россия Федерацияси Президентининг тақдимномасига асосан Федерация Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Россия Федерацияси субъектларининг прокурорлари Россия Федерацияси Бош прокурори томонидан субъектлар билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва озод қилинадилар. Бошқа прокурорлар Россия Федерацияси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинадилар. Россия Федерацияси прокуратурасининг ташкил этиш ва фаолият тартиби, ваколатлари федерал қонунлар билан белгиланади. Амалдаги Россия Федерациясининг «Прокуратура тугрисидаги» қонунига асосан прокуратура органлари фаолият кўрсатади. Ушбу қонунга ўзгартиришлар 10.02.1999 йили, 19.11.1999 йили ва 02.01.2000 йили киритилган бўлиб, 7 та булим, 54 моддадан иборат. 1-булим Умумий қоидалар, 2-булим Россия Федерацияси прокуратура органларини ташкил топиши ва тизими, 3-булим Прокурор

назорати, 5-булим Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат. Прокуратура органлари ва муассасалари ходимлари, 6-булим Ҳарбий прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, 7-булим прокуратура фаолиятининг ва ташкил этилишининг бошка масалалари деб номланади.

Россия Федерациясининг прокуратураси - Россия Федерацияси номидан Россия Федерацияси Конституцияси ва қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат фаолиятини амалга оширадиган ягона марказлашган федерал тизимни ташкил этади.

Россия прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қонунда асосий функциялари деб номланади. Асосий функциялар Россия Федерациясининг «Прокуратура тугрисида»ги Федерал қонунининг 1-моддасида белгиланган. 2-моддасида Халқаро ҳамкорлик, 4-моддасида прокуратура фаолиятининг ва ташкил этилишининг тамойиллари, 5-моддасида прокурор назорати фаолиятини амалга оширишга аралаштиришга йўл қўйилмаслиги, 6-моддада прокурор талабларини бажарилишини мажбурийлиги, 8-моддада жиноятчиликка қарши кураш фаолияти, 9-модда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки, 10-моддасида прокуратура идораларида ариза, шикоят ва бошка мунозабатларнинг қўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши белгилаб қўйилган. қонуннинг бошка кейинги моддаларида белгиланган қонун талаблари ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тугрисида»ги қонун талабларига ўхшаб кетади.

Бу материаллар билан таништиришга гумон қилинувчи ҳам арз қилувчи ҳам ҳақли эмас. Бундай ҳуқуқ раҳбарга, аслия вазирга ва халқ адвокати (омбудсман)га берилган.

Прокурор томонидан ишни судга оширишда 2 процедура мавжуд: Агар 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш таҳлил қилинаётган бўлса, прокурор жазо тайинлаш тугрисидаги илтимоснома билан чиқади. 5 йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум этишда эса прокурор айблов ҳулосасини тақдим этади.

Прокурор суд чиқарган ҳукм устидан апелляция шикояти келтиришга ҳақли (айбланувчи фойдасига ҳам, унга қарши ҳам).

Фуқаролик процессида прокурор ролига тўхталса, бунда охириги пайтларда прокурор ваколати доираси чегараланяпти. У оталиқни тан олиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, бедарак йўқолган шахсни ўлган деб эълон қилиш тугрисидаги ишларда қатнашади. Прокурорнинг фуқаролик процессида қатнашиши унинг фаолият ҳажмининг 1 % ини ташкил қилади. Асосан эса, фуқаролик процессида давлат манфаатларини прокурор эмас,

молиявий прокуратура, ҳукумат ёки бошқа муассаса адвокат сифатида ҳимоя килади.

## **Дания прокуратураси**

Данияда прокуратура хизматининг асосий вазифаси жиноий ишлар бўйича айбловни қувватлаш ҳисобланади. Прокуратура Адлия вазирлигига бўйсунди. Прокуратура ходимлари давлат хизматчилари бўлиб, маоши аниқ белгиланган. Прокуратура жойлардаги ҳокимиятлардан мустақилдир. Дания прокуратура хизматининг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

- суд, полиция ва прокуратура хизмати ваколатларининг аниқ ажратилганлиги;
- адлия вазири прокуратура хизматининг қарорларини ўзгартириши мумкин (шикоятлар тизими орқали), лекин у прокуратуранинг тезкор ва бошқа ишларига аралашмайди;
- адлия вазири унга бўйсунувчи прокуратура структураларини молиялаштиради, маблағларни улар ўртасида тақсимлайди;
- прокуратура хизмати функциялари «Одил судловни амалга ошириш тугрисида»ги қонун билан тартибга солинади;
- прокуратура хизмати ва полиция функциялари ўзаро боғлиқ. Масалан, бош констебль энг қуйи поғонадаги прокурор вазифасини бажаради. Бундай боғлиқликнинг сабаблари: а) полиция ва жойлардаги аҳоли ўртасидаги кенг алоқа; б) айблов департаменти нафакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, балки ўзига хос «хизмат»дир; в) полицияга ишга қабул қилишнинг кенг имкониятлари (хунармандлар, фермерлар, ўқитувчилар ва ҳ.к.) унга «яхши ва дўстона полиция» мақомига эга бўлишга ёрдам беради.

Прокуратура хизмати ходимлари бўлиб, Олий юридик маълумотли, полицияда 3-4 йил ва округ прокуратура офисида 2 йил ишлаган шахслар қабул қилиниши мумкин.

Давлат айбловчиси сифатида қуйидаги шахслар қатнашиши мумкин:

- округ прокурори;
- давлат айблов департаменти директори;
- бош констебль.

### **Округ прокурорининг асосий функциялари:**

- жиноий ишларни тергов қиладиган полиция ходимлари устидан назорат қилиш;
- полиция ходимлари томонидан жазонинг ижро этилиши устидан текширувни амалга ошириш;

- психиатрия булимларига жойлаштириш тарзидаги жазо чораларининг ноаниқ муддатларини текшириш кабилардан иборат.

#### **Айблов департаменти куйидагиларни амалга оширади:**

1. Округ прокурори устидан назорат;
2. Йўриқномалар чиқариш;
3. Жиноий ишлар бўйича Олий судда иштирок этиш.

конунга биноан суднинг камокка олиш, тинтув, олиб кўйиш тугрисидаги қарори факатгина ушбу қарорнинг қабул қилинишидан олдин судда полиция ходими келганидан кейин ёки ундан 24 соат ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Ушбу полиция ходими жиноий таъқиб қузгатиш қўзғатмаслик ҳақида қарор қабул қилади. Унинг иштироки суд музокарасида ҳам шарт ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз вояга етган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура хизматининг роли катта. Бунда прокурор хизмати судга энг адолатли жазо чораларини таъминлашда ва бу жазо муддатини аниқлашда ёрдам беради. Суд жазо муддатининг тўхтатилиши ёки унинг ўзгаришини ҳал қилади. Лекин, прокурор хизмати қонун бўйича эмас, одат бўйича соғлиқни сақлаш хизматидан судланганларнинг соғлиғи ҳақида маълумот олади. Агар бу хизмат ёки шахснинг ўзи ёхуд қўриқлаш хизмати жазонинг тўхтатилиши зарурати ҳақида арыз қилса, иш судга берилади.

Дания прокуратурасининг фаолият соҳасига бошқа бошқарув ва ҳокимият тизимларининг фаолият олиб бориши устидан назорат қилиш қирмайди. Дания прокуратураси бундай ваколатга эга эмас. Бошқа хизматлар билан алоқалар тенг ҳамкорлик билан чегараланиб қолади.

Жиноятлар ҳаётнинг турли соҳаларида содир қилиниши мумкин, шу жумладан, атроф табиий муҳит Департаменти, Солиқ бошқармаси тергов олиб бориш бўйича маълум ваколатларга эга. Лекин айблов эълон қилиш прокуратура хизматининг аралашувини тақозо этади, чунки факат у ишни судга ошириши мумкин. Прокуратура хизматининг бу фаолиятида 2 та хусусият мавжуд:

- 1) жиноий иш қузгатиш ёки қўзғатмаслик масаласини ҳал қилиш учун далилларни тўплаш ва баҳолаш;
- 2) ишларни судда қўрилишида иштирок этиш.

### **Италия прокуратураси**

Италия – прокуратура органлари ва ижро ҳокимияти органларининг аниқ ажратилганлигининг мисоли. Италияда прокуратура суд тизимида

кирса-да, бу тизимда у судлардан фаркли булган функцияларга эга. Ҳар бир прокурор суд корпусининг аъзосидир. Прокурорлар судьяларнинг Олий Кенгаши томонидан тайинланади. Улар бир умрга тайинланиб, судья ҳам бўлиши мумкин ва аксинча, судьялар прокурор лавозимида ишлаши мумкин. Прокуратуранинг Италияча моделида иерархик юксалиш йўқ. Турли даражадаги прокурорлар ўртасида ҳеч қандай иерархик тобелик йўқ. Ҳар бир прокурор ўз ваколатида мутлақо мустақил ва тўла автономиядан фойдаланади. Прокурор дискрацион ҳуқуққа эга экан. қонунийлик тамойили суд тартибига риоя қилишни талаб қилади. Мажбурлов чоралари тугрисидаги қарорни тергов судьяси қабул қилади, агар иш жуда тезқорликни талаб қилмаса. Тергов тугаганда прокурор ишни дастлабки муҳоқама ўтказадиган судьяга беради ва бу судья айблов эълон қилиш учун далилларнинг етарлилиги ёки айбловдан воз кечиш кераклигини ҳал қилади. Аслида прокурорлар ўзининг суддан олдинги функцияларини суд назорати остида амалга оширадилар. Италия прокуратурасининг суддаги ваколатлари бошқа давлатлар прокуратураларининг шундай ваколатларидан торроқ. Италия прокуратураси айбловдан воз кечишга ҳақли эмас. Прокурор суддан судланувчига оқлов ҳуқуқи чиқаришни сўраши мумкин, лекин судья далилларни баҳолаб бунга норозилик билдириши ҳам мумкин. Италия прокуратурасини жинойт процессининг бирор-бир тарафи эмас, балки «одил судлов органи» деб аташ тўғрироқ бўлади, чунки прокурор дастлабки тергов даврида барча айблайдиган ва оқлайдиган далилларни олиши шарт.

Конституциянинг 104-моддасига кўра прокуратура ҳар қандай ташқи таъсирлардан мустақилдир. Жинойт ишлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида прокурор фақат қонун ва ўз виждонига бўйсунди, бунинг учун эҳса у ташқи курсатмалар ва шартлардан ҳоли бўлиши шарт. Жинойт иши кўрилар экан (дастлабки тергов муддати – 6 ой) прокуратура суд полицияси офицерлари ва агентларидан ташқил топган апаратига таянади. Зарурат бўлганда прокуратура тергов ишлари бўйича ўз ваколатларини ўзининг бўйсунувидаги давлат полициясининг қарабинерлар армияси ва молиявий гвардиянинг агентлари ва офицерларидан иборат булган махсус булимга топшириши мумкин.

ЖПКнинг 330-моддасига биноан прокуратура ўз ташаббуси билан у ёки бу шахс томонидан содир этилиши мумкин булган жинойт ҳақида гумон қилинганда ҳар қандай факт, ҳар қандай ҳолатни текширишга ҳақли. Бу текширишлар натижасида прокурор дастлабки суриштирув бошлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Прокурор суриштируви барча процессуал нормаларга риоя қилиш билан ўтказилади. Прокурорнинг барча текширув ишларида адвокат иштироқ этиши мумкин. Прокуратура тақрорланмайдиган

тергов ҳаракатлари олиб борилганда масалан, текширилаётган предметнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин булган экспертизаларда адвокат ёзма равишда ёки телефон орқали прокуратура органи томонидан тергов ҳаракати олиб борадиган жой ва вақт ҳақида хабардор қилинади.

Прокуратура томонидан амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ичида кўздан кечириш, жиноят содир этишда гумон қилинувчиларнинг телефон сўзлашувларини эшитиш қабилаар муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳаракатларнинг кўпида адвокат иштирок этишга ҳақли. Агар адвокатга хабар бериш кўп вақт олса, прокурор у ёки бу тергов ҳаракатларини унинг иштирокисиз утказиши мумкин. Лекин бу ҳолда прокурор адвокатга бу ҳақда хабар бериши шарт. Баъзи ҳолларда, масалан, «кўккисдан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари» деб ҳисобланадиган тинтув ва секвестрларда ҳимоячини олдиндан хабардор қилиш талаб қилинмайди, лекин у бу ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

Прокурор ёки у ваколат берган шахс томонидан эшитиш ва ушлаб олиш жараёнида чекловлар мавжуд. Бундай ҳаракатлар умрбод камок ёки 5 йилдан ортиқ булган озодликдан маҳрум қилиш жазолари кўзда тутилган жиноятлар тергови вақтида утказиш мумкин. Эшитиш курул-яроғ, наркотик, ҳақорат қилиш, фуқароларни телефон орқали безовта қилиш қаби ишлар билан боғлиқ булган тергов ҳаракатларида қўлланиши мумкин. Прокурор полицияга бу ҳаракатларни утказиш учун рухсат беради, лекин ўзи ҳам ушлаб олиш (эшитиш) бошланишидан 24 соат ичида судьядан рухсат олиши лозим, акс ҳолда бу муддатдан ташқари олинган маълумот процессуал қийматни йўқотади.

Эшитиш ҳақидаги қарорда бу ҳаракатнинг шартлари ва муддати кўрсатилган бўлиши керак. Бу муддат 15 суткадан ошмаслиги лозим. Лекин суд кўп маротаба ҳар бир ҳолатда 15 суткадан узайтиришга ҳақли.

Ҳар сафар ёзиб олишдан сўнг баённома тузилиб, унинг нусхаси билан манфаатдор шахслар танишиши мумкин.

Охирги йилларда мафия қуринишидаги жиноий гуруҳларнинг, миллатлараро жиноятчиликнинг ривожланиши оқибатида прокуратура органларининг мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдашги аҳамияти ўсиб бормокда, уларнинг функционал мажбуриятлари аниқ жиноий ишлар чегарасидан чиқиб, прокурор жиноий-ҳуқуқий соҳа сиёсатини аниқлаш ваколатига эга бўлмокда.

## **Франция прокуратураси**

Францияда прокуратура фаолияти ЖПКнинг 31-48-моддалари билан тартибга солинади. Ташкилий жihatдан прокуратура Адлия Вазирлиги таркибига киради. Францияда прокуратура тизими ташкилий жihatдан суд тизимига ўхшайди. Юкори мансабдор шахс бўлиб кассацион суд қошидаги Бош прокурор ҳисобланади. Республика прокурорлари деб кичик ва катта (куйи ва юкори) инстанция трибунали қошидаги район прокурорлари аталади. Улар апелляцияон суд қошидаги Бош прокурорларга бўйсунди. Бундан ташкари бош прокурорлар ва Республика прокурорларининг уринбосарлари лавозимлари ҳам мавжуд.

Барча прокурорлар Франция Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан четлатилади. Адлия Вазири тавсия беришда муҳим аҳамиятга эга. Францияда прокурорга жиноятчилик билан кураш соҳасида сиёсатни аниқлаш ваколати берилган.

ЖПКнинг 34, 39-моддаларига кўра жиноят ишини кузгатиш, дастлабки терговни назорат қилиш, судда айбловни қувватлашга ҳақли.

Бош прокурорлар апелляцияон судлар ваколат доирасига кирадиган ҳудудларда жиноят қонунчилигини қуллаш устидан назоратни амалга оширади. Бош прокурорга апелляцияон суд ваколат доирасига кирадиган районидаги прокуратуранинг барча мансабдор шахслари бўйсунди. Бош прокурор мансабдор шахслар ва суд полицияси агентларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширадilar. У полицияга одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш бўйича курсатмалар беришга ҳақли.

Республика прокурори суд полициясининг мансабдор шахсининг барча ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлади ҳамда жиноятни очишга алоқадор бўлган полиция хизматларига раҳбарлик қилади. Жиноят иши ким томонидан кўзғатилганлигидан катъи назар, уни давом эттириш ва судда айбловни қувватлаш ҳуқуқи прокуратурага тегишлидир.

Прокурор судда ижро ҳокимиятининг вакили сифатида иштирок этишига қарамасдан, у тўла мустақилдир, ҳусусан, судга нисбатан ва судьялар ҳамда ҳакамлардан фарқли равишда рад этилмайди.

ЖПКнинг 32-моддасига кўра, прокурорга тараф тушунчаси берилмайди, шу сабабли суд унга тарафга бўлган муносабатда бўла олмайди, ҳусусан, унга санкциялар қуллаш мумкин эмас. Судьялар билан бир қаторда терговнинг хоҳлаган вақтида судланувчи ва гувоҳларга саволлар бериш, шунингдек, айбланувчининг ҳимоячиси томонидан ҳам рад этилмайди.

Жиноят қонунчилигининг бузилиши қонун бузувчига қарши давлат томонидан жиноий даъво қузгатиш орқали суд текширувларини утқизишга олиб келади. Жиноий даъво томонидан давлат номидан ёки унинг ўз

ташаббуси билан ёхуд шикоят, баённома, хабарлар, жабрланувчи шикояти асосида киритилади.

Жиноят ишини тергов килишда прокуратура доим Конвенциянинг 5, 6-моддаларида ўрнатилган ушлаб туриш ва процедураларнинг оқилона муддатига риоя этиш ҳақида кайғуради. Бу соҳада унинг барча ҳаракатлари процесснинг тезлаштирилишига, жабрланувчилар ҳам тергов остидагилар ҳам азобланмаслигига қаратилган. Франция прокуратураси жиноят ишини кузгатиш масаласида кенг ҳаракат доирасидан фойдаланади. Бунда прокуратура қонунийлик тамоилидан кўра мақсадга мувофиқлик тамоилига амал қилади. Шунини айтиш мумкинки, Францияда жиноят ишини кузгатишни рад этиш барча ишларнинг 70%ини ташкил этади. Бунга қарамай, мақсадга мувофиқлик ваколати чеклангандир, чунки у фақат қарор қабул қилиш даражасида амалга оширилади: у жиноят иши кузгатиш ёки кузгатишни рад этиш тугрисида қарор чиқариши мумкин. Лекин агар жиноий иш кузгатиш тугрисида қарор қабул қилингандан сўнг Франция қонунчилиги бўйича, бу иш жамиятга тегишли бўлади: прокурор энди тергов қилишдан бош торта олмайди. У фақат жиноий иш кўзгатишган шахс фойдасига тавсиянома киритиши мумкин, дастлабки терговнинг тугаши вақтида ишни тугатиш тугрисида ёки суд мажлисида оқлов ҳукми чиқариш ҳақида илтимосномалар киритади. қарорни эса ишни кўраётган тергов ёки суд органларига қабул қилади.

Республика прокурори шикоятлар ва хабарлар қабул қилади ва улар бўйича тезкор қарор қабул қилади (ЖПКнинг 40-моддаси 1-қисми).

Ҳар бир мансабдор шахс, агар у ўзи фаолият юритаётган корхона ёки ташкилотда содир этилган жиноят тугрисида хабар топса, дарҳол Республика прокурорини хабардор қилиши шарт ва зарур бўлса прокурор дастлабки тергов амалга оширишни талаб қилиши мумкин. Дастлабки терговни утқизиш ҳуқуқи суд раънининг терговчи судья – магистрларга тегишли. Тергов судьяси ташкилий жиҳатдан суд инстанциялари бўйсунувидадир, мазмун жиҳатдан эса прокурор курсатмалари чегарасида ҳаракат қилади. Айнан прокурор ЖПКнинг 82-моддасига кўра терговнинг ҳар қандай босқичида тергов судьясига ҳақиқатни аниқлашга фойдали бўлган барча ҳаракатларни курсатиши мумкин. Шу мақсадда прокурор ишнинг барча материалларини 24 соат ичида қайтариб бериш шарти билан талаб қилиб олиши мумкин. Прокурор тергов судьясига терговни бошлашни ман қилиб қўйиши мумкин, қачонки ушбу қилмишда жиноят белгилари бўлмаса. Тергов судьяси ўзининг ҳар бир воқеа жойига чиқиш ва тинтув ҳақида прокурорни хабардор қилади. Прокурор айбланувчини ва фуқаровий даъвогарни сўрок қилишда ҳозир бўлишга ҳақли. Тергов судьяси прокурорни белгиланган

тергов ҳаракатлари тугрисида олдиндан хабардор қилади. ЖПКнинг 140-моддасига кўра айбланувчини вақтинча озод қилиш тергов судьяси томонидан фақат прокурор розилиги билан амалга оширилади, прокурор эса ўз навбатида эса айбланувчининг озод этилишини хоҳлаган вақтда талаб қилиши мумкин. Процессуал меъёрларнинг бузилишини аниқлаган тақдирда прокурор айблов камераси олдида у ёки бу ҳаракатни ёхуд бутун ишни ҳақиқий эмас деб топишни сўраши мумкин. Ниҳоят, прокурор тергов судьясининг ҳар қандай қарорига унинг маъмурий ёки суд ҳарактерига эга бўлишидан катъи назар, протест келтириши мумкин.